

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ
УНИВЕРСИТЕТИ

М.Р. БҮРИЕВА, Д.Н. ЭГАМОВА

ДУНЁ АҲОЛИСИ: РИВОЖЛАНИШ
ЖАРАЁНЛАРИ

(ўқув кўлланма)

Самарқанд 11. 9.
оҳакесеб кеът оби
12.02.09 йил
Гафуревий Ҳаджигроев
Фарзанда Гафуревий

Тошкент

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси

«Фан» нашриёти

2008

Мазкур ўкув қўлланмада дунё аҳолиси динамикасидаги ўзгаришлар, унинг ҳудудий жойлашиши, омиллари, такрор барпо булиши, жинсий ва ёш таркиби, дунёдаги асосий ирқлар, демографик башорат, ҳозирги замон глобал муаммолари ҳақида маълумотлар келтирилган. Кўлланма олий ва ўрта маҳсус таълим ўкув юртлари ўқитувчилари, талабалари, магистрлар, аспирантлар, илмий ходимлар, аҳолишунос мутахассисларга мўлжалланган.

Масъул мухаррир:

Р.А. УБАЙДУЛЛАЕВА, иқтисод фанлари доктори, академик

Тақризчилар:

С. СОЛИЕВ, география фанлари доктори, профессор
Д. ОРТИҚОВА, иқтисод фанлари доктори

ISBN 978-9943-09-619-6

© Ўзбекистон Республикаси ФА
“Фан” нашриёти, 2008 йил.

**Ўзбекистон Миллий университетининг
90 йиллигига базишиланади**

Сўз боши

✓ Сайёрамиз аҳолисининг сони XXI асрнинг бошларида 6,5 милиардга етди ва демографик башоратларга кўра 2015 йилгача дунё аҳолиси ҳар йили 86 миллион кишидан кўпайиб борар экан. Аҳолининг бундай суръат билан кўпайиши бутун ер шари бўйича олиб қараганда, ташвишли эмас, чунки ҳозирги даврда дунёда аҳоли зичлиги ўртacha 1 km^2 га 48 кишини ташкил қиласди. Лекин ер юзида аҳоли бир текис тақсимланмаган, шундай жойлар борки 1 km^2 га 1000, 2000 ва ундан ортиқ киши тўғри келади ва аксинча, 1 km^2 да 2-3 киши яшовчи худудлар ҳам мавжуд. Умуман олганда, дунё аҳолиси билан боғлиқ қатор муаммолар демографик вазият билан боғлиқ ва у аҳоли сони динамикаси, жойлашуви, такрор барпо бўлиши ва жинсий ва ёш таркиби каби жараёнларда ифодаланади.

✓ Ҳозирги тақдим этилаётган қўлланмада эрамиз бошидан то XXI аср бошларигача (2005 йил) даврда дунё худудлари ва давлатлар бўйича аҳоли сони динамикаси, жойлашуви ва омиллари, такрор барпо бўлиш жараёни ҳамда аҳолининг миллий ва иркӣ таркиби ҳақидаги маълумотлар динамикаси тузилган ва улар таҳлил қилиниб, худудий жиҳатлари алоҳида кўрсатилган. Шунингдек, қўлланмада 2050 йилга кадар сайдерамизнинг демографик башорати келтирилган ва аҳоли кўпайиши билан боғлиқ давримизнинг глобал муаммолари ўрганилган.

✓ Таъкидлаш жоизки, дунё аҳолиси сони динамикаси, жойлашуви, табиий кўпайиши ҳамда иркӣ таркиби ҳақидаги маълумотларни ўз ичига олган дастлабки ўзбек тилидаги рисола республикада аҳолишунос олим Г.Р.Асанов томонидан 1969 йилда чоп этилган эди. Табиийки, ўтган вақт ичига дунё аҳолиси сони динамикаси ва жойлашувида қатор ўзгаришлар содир бўлди ва ҳозирги қўлланмада давр талаби ҳисобга олинди, демографик жараёнлар атрофлича таҳлил қилинди. Бошқача қилиб айтганда, бу курсаткичларнинг ҳар бири алоҳида муаммо тарзида гавдаланади.

✓ Аҳоли сони динамикаси – ижтимоий-иктисодий ривожланиш динамикасининг ажralmas қисмиидir. Ҳар қандай худудни, давлатни ёки ҳалқни сиёсий-иктисодий, ижтимоий жиҳатларини ўрганиш

унинг аҳолисини ўрганишдан бошланади. Аҳоли динамикасининг кўрсаткичлари демографик жараёнлар (түғилиш, ўлим, никоҳ ва ажралиш, оила) ва уларнинг шаклланиш қонуниятларини билишда, аҳоли сиёсатини ишлаб чиқишида ҳамда халқ хўжалигининг ривожланиш дастурларини тузиш учун зарур илмий асос саналади. Ер куррасида инсон аждодининг дастлабки вакиллари (*Homo Sapins*) шаклланганидан то ҳозирги даврга қадар аҳоли сони динамикасида ўзгаришлар кузатилади. Улар дунё давлатларида турли омиллар таъсирида содир бўлиш билан бир қаторда, баъзи муаммоларга ҳам сабаб бўлади.

Аҳолининг жойлашуви, деганда эса инсонларнинг турли худудлар, давлатлар бўйича тақсимланиши тушунилади. Ер шари аҳоли жойлашувида умумий қонуниятлар мавжуд. Улар жамият ижтимоий-иктисодий ривожланишининг ҳар бир босқичида ўзига хос мазмунда шаклланган. Дунё аҳолиси жойлашувидаги асосий омил инсон яшиши учун зарур бўлган табиий шароит ва биологик ресурслардир. Фан ва техникасининг ривожланиши, шаҳарларнинг пайдо бўлиши ва кўпайиб бориши, транспорт хизматларининг шаклланиши ҳам дунё аҳолисининг жойлашувидаги асосий омиллардан ҳисобланади. Дунё худудлари бўйлаб аҳоли жойлашуви шу худудларга хос алоҳида қонуниятлар асосида содир бўлади. Мазкур қонуниятлар худуднинг табиий шароити, бойниклари, биологик ресурслари, ижтимоий-иктисодий ривожланиши, урбанизация дараҷаси, жаҳон меҳнат тақсимотида тутган ўрни каби омиллар заминида шаклланади. Аҳолининг дунё худудларида жойлашуви хусусиятлари, омиллари ва муаммоларини мунтазам ўрганиб бориш мазкур худудларда ишлаб чиқаришни ташкил этиш, ривожлантириш ҳамда жамиятни худудий бошқаришда муҳим аҳамият касб этади.

✓ Ер куррасида аҳоли сони динамикаси ва жойлашувида бўлган ўзгаришлар, биринчи навбатда, аҳолининг тақрор барпо бўлиши (түғилиш, ўлим ва табиий кўпайиш жараёнларининг йигинидиси) билан боғлиқ. Аҳолининг тақрор барпо бўлиши ер юзидаги давлатларда кескин фарқ қиласи. Жамият тараққиётининг бугунги босқичида бир гурух давлатларда, ҳозирги авлод вакилларининг сони, кутилаётган авлод вакиллари сонидан бирмунча камроқ. Бундай ҳолат мазкур давлатларда келажакда аҳоли сонининг камайиб кетишига олиб келади ва қатор демографик, иктиносий ва ижтимо-

ий муаммоларнинг келиб чиқишига сабаб бўлади. Иккинчى гурух давлатларда эса ҳозирги авлод вакилларининг сонидан келажакда кутитайтган авлодлар сони юқори бўлади. Бундай вазиятда аҳоли сони кўпайиб боради. Аҳолининг кўпайиб бориши ҳам баъзи давлатларда қатор иқтисодий муаммоларни бартараф этиш зарурлигини такозо этади.

Аҳолининг тақрор барпо бўлишига бевосита боғлиқ ҳолда унинг жинсий ва ёш таркиби ҳам шаклланади. Аҳолининг бугунги жинсий ва ёш таркиби, кечаги аҳоли тақрор барпо бўлиши хусусиятларининг натижаси, эртанги аҳоли тақрор барпо бўлишининг эса асосидир. Аҳолининг жинсий ва ёш таркиби дунё давлатларида турлича шаклланган. Бир қатор давлатларда аҳоли таркибида болалар (0-14 ёш) салмоғи юқори (40-50%), қариялар (65 ва ундан катта ёшдагилар) салмоғи паст (7%дан кам) бўлса, бошқа бир қатор мамлакатларда эса болалар салмоғи паст (15-20%) ва қариялар салмоғи эса юқори (7-30%) бўлади. Ҳар иккала ҳолат ҳам ижтимоий-иқтисодий ва демографик ривожланишда ўзига хос муаммоларни келиб чиқишига сабаб бўлади. Аҳолининг жинсий таркиби жаҳон давлатларида аёллар ва эркакларнинг турмуш тарзи, ижтимоий ҳаётда тутган ўрни, бахтсиз ҳодисалар, урушлар ва миграция таъсирида шаклланади ҳамда ўзаро фарқ килади. Жинсий мутаносиблик никоҳ ва оила муносабатларининг шаклланишида ижобий аҳамиятга эгадир.

Жамият тараккиётининг бугунги босқичида ер шарида турли ҳалқлар (этнос), миллатлар, ирқий гуруҳлар сони динамикаси ва жойлашувида аҳоли тақрор барпо бўлиши хусусиятлари, консолидация ва ассимиляция жараёнларига боғлиқ ҳолда маълум ўзгаришлар содир бўлмоқдаким, улар кўпчиликнинг эътиборини тортади. Сайёрамизнинг XXI асрнинг биринчи ярмига қадар бўлган демографик башоратида дунёнинг баъзи ҳудудларида аҳоли сони секинлик билан кўпайиб бориши, баъзи ҳудудларида аҳоли сони кўпайишдан тўхташи, яна бир гурух давлатларда эса аҳоли сонининг кўпайиши нисбатан жадалроқ кечиши қайд этилган. Ҳозирги кунда дунё аҳолиси сонининг ўзгариб бориши билан боғлиқ глобал иқтисодий, демографик ва экологик муаммолар мавжуд. Уларнинг ечими дунё аҳолиси сони, таркиби, жойлашуви ва унинг омилларини, ҳудудий хусусиятларини атрофлича ўрганишни такозо этади.

Күлланмани тайёрлашда кейинги йилларда чоп қилинган адабиётлар, статистик тұпламлар, дунё ахолиси бүйічта тадқықот олиб бораётган нұфузли ташкилотлар мәдениеттегі таянилди. Ушбу күлланмада ахолининг дунё бүйлаб жойлашуви ва унинг омыллари ҳамда дунёның демографик башорати ва глобал мұаммолари булимларини ёзишда қысман З.Раимжонов материалларидан хам фойдаланды.

ДУНЁ АҲОЛИСИ СОНИ ДИНАМИКАСИ

✓ Ер шарида инсоннинг пайдо булиши ҳақида илмий адабиётда турлича қарашлар мавжуд. Кўпчиллик антрополог олимлар фикрича, сайёрамизда бундан 5-7 миллион йил аввал инсоннинг дастлабки аждодлари (австралопетиклар) Африка ва Осиёнинг тропик ва экваториал зоналарида яшаганлар. Кейинчалик 2-3 миллион йил илгари австралопетиклардан энг қадимги инсонлар – архатроплар шаклланган ва улар Шаркий Африкада истиқомат этганлар. Бундан 600-700 минг йил муқаддам инсоннинг энг қадимги аждоди булган архантроплар палеонтропларга, питекантропларга ва неандерталларга айланганлар ва Жануби-Шаркий ҳамда Жануби-Фарбий Осиёга тарқалганлар. Ниҳоят, бундан тахминан 40-50 минг йил илгари инсоннинг онгли (*Homo Sapiens*) аждоди шаклланган. Онгли инсоннинг пайдо булиши мезолит даврига тұғыр келади.

✓ Аҳоли сони ҳақидаги маълумотларга кура, эрамиздан олдинги даврда ер шарида бор-йуғи бир неча юз минг киши, бирмунча аниқроқ маълумотлар буйича эса эрамиздан 7 минг йил олдин ер шарида 10 миллионга яқин аҳоли яшаган экан ва улар ҳар 1000 йилда тахминан 10-20 % дан кўпайиб борган холос. Аҳолини бундай секин кўпайиши аҳоли ўртасида ўлим ҳолларининг юқорилиги билан изохланади. Ушбу даврда аҳоли уртасида ўлимнинг умумий коэффициенти 50 % ва ундан юқори булган, бошқача килиб айтганда, ҳар 1000 аҳолидан 50 таси ҳаётдан кўз юмган. Айниқса, болалар ўлими юқори булган. Аҳоли очликдан, касалликлардан ва қабилалараро булиб турган тўқнашувлардан кўпроқ ҳалок булган. Аҳолининг ўртача умр кўриши 20 йилдан ошмаган.

✓ Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, жамият тарихида ҳар бир даврда аҳолининг кўпайиши ва ривожланиши, ўша даврнинг ишлаб чиқариш усули ва муносабатларига, турмуш даражасига, яшаш шароитларига бевосита боғлиқ булган. Жамият ривожланишининг биринчи босқичида ер юзи буйича аҳолининг кўпайиши жуда секин борган. Аҳоли сонининг кўпайиб боришида ва жойлашувида қабилалар жойлашган масканларнинг табиий шароитлари, сув ресурслари ва икслими асосий омил ҳисобланган. Тури табиий оғатлардан баъзи қабилалар кирилиб кетган. Айниқса, совук икlimli, киши узок давом этувчи худудларда аҳоли совуқдан, очарчиликдан кўплаб ҳалок булган. Ана шу боис, Евросиёнинг шимолий қисмида

аҳоли жуда сийрак жойлашган. Америка ва Австралияда ҳам палеолит даврининг охирларида жуда кам аҳоли истиқомат этган. Табиий шароити инсон яшаси учун кулай, сув ресурслари мавжуд ҳудудларда, яъни Ўрта дengиз атрофларида Шимолий Африка, Евросиё материгининг жанубларида эса аҳоли зичрок жойлашган.

✓ Ибтидоий жамоа даврида, аҳолининг яшаш шароити жуда оғир эди. Инсонлар горларда макон қилганлар. Табиий горлар одамлар учун яккаю ягона бошпана вазифасини ўтаган. Энг муҳими қорин тўйғазиш ва бирор-бир жойда тунаш бўлган. Улар овчилик билан кун кўришган, табиий оғатларга қарши кураша олмаганлар. Муҳитнинг табиий таъсирига онгли чоралар кўллай билмаслиги сабабли, аҳоли ўртасида ўлим ҳам юқори бўлган. Ибтидоий жамоа даврида аҳолининг ўртача умр кўриши 20-25 ёшни ташкил этган ва ибтидоий давр одамлари ҳозирги давр одамларига нисбатан 3-3,5 марта кам яшаганлар. Шундай бўлса-да, аҳоли сони секинлик билан кўпайиб борган.

✓ Аҳоли кўпайишининг асосий сабаби туғилишнинг юқори даражада (физиологик имконият даражасида) бўлганлигидир. Демак, бир томондан инсоннинг табиий оғатлар олдида ожизлиги, ўзаро низолари унинг камайишига олиб келса, иккинчи томондан, туғилишнинг юқори даражадалиги аҳоли сонининг маълум даражада кўпайиб боришига сабаб бўлган. Ибтидоий жамоа даврида Жанубий Осиё, Европанинг жанубий қисмларида, Африка қитъасида аҳоли нисбатан зич яшаган. Евроосиё материгининг шимолий районларида, Австралия ва Америка қитъаларида аҳоли жуда сийрак жойлашган.

✓ Ушбу даврда дунё аҳолиси сони жуда секин кўпайган. Тахминан бундан 15 минг йил илгари мезолит даврининг бошида ер куррасида бир неча миллион аҳоли яшаган холос. Неолит даврининг бошида эса дунё аҳолисининг сони 10 миллионга етган. Аҳолининг асосий қисми Жанубий ва Шарқий Осиёда, Африка ва Жанубий Европада жойлашган. Евроосиёнинг шимолий қисмида аҳоли деярли яшамаган. Австралия ва Америка ҳудудларида ҳам жуда кам аҳоли яшаган. Шимолий ва Жанубий Америкада 100-200 минг киши яшаганлиги ҳақида маълумотлар бор.¹

↓ Ибтидоий жамоа даврида туғилиш жуда юқори даражада (1000 одамга нисбатан 45-50 та) бўлиб, бу ҳол эрта никоҳлар ва

¹ Народонаселение мира. М., 1974. С. 4.

тартибсиз оила – никоҳ муносабатлари билан боғлиқ бўлган. Лекин кўпчилик аёллар ўзларининг репродуктив даврини¹ тұла яшай олмаганлар. Уларнинг оғир турмуш шароити, тиббий хизмат-ларнинг йўклиги ҳаётдан жуда эрта кўз юмишига сабаб бўлган. Кўпчилик аёллар фарзанд кўриш даврида ҳаётдан кўз юмган. Ушбу даврда нафақат аёллар, болалар, эркаклар ўлими ҳам юкори эди. Таъкидлаб ўтганимиздек, улар очликдан, антисанитария ҳолатидан, қабилалараро тўкнашувлардан, ёввойи ҳайвонлар хужумларидан, табиий офатлардан ва турли эпидемиялардан ҳалок бўлганлар. Қадимда одамлар гурух-гурух, қабила бўлиб яшаган. Баъзи қулай табиий шароитда яшаган қабилаларда аҳоли сони нисбатан тезроқ ўсган, табиий шароити ноқулай жойда яшаган қабилаларда эса очлик, камбагаллик туфайли аҳоли ўлими юкори бўлиб, аҳоли сони жуда секин кўпайган.

Инсоният тарихида сугорма дәхқончиликнинг ривожланиши озиқ-овқатнинг кўпайишига, аҳоли моддий турмуш шароитининг бирмунча яхшиланишига олиб келди. Хусусий мулкнинг пайдо бўлиши синфий жамиятга асос солди. Ибтидоий жамият бағрида феодал ишлаб чиқариш муносабатлари шакллана бошлади. Дунёда цивилизация марказлари пайдо бўлди, аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш ташкил топа бошлади. Содир бўлган ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар аҳоли ўртасида ўлим ҳолларининг камайишига, ўртача умр кўриш муддатининг бирмунча узайишига сабаб бўлди. Натижада дунё аҳолисининг сони кўпая бошлади. Қадимги Мисрда фиръавнлар даврида 7 миллион, Вавилонда эса 4-5 миллион аҳоли яшаганлиги маълум. Эрамизнинг бошида дунё аҳолиси 200-250 миллионни ташкил этган ва уларнинг 50 миллиони Рим империясида истиқомат этган. Аҳолининг яна 40-50 миллионы эса Хитой ва Хиндистон ҳудудларида яшаган. Шимоли-Ғарбий Европада эса аҳоли жуда кам – 1 миллион атрофида бўлганлиги қайд этилади.²

Ўрта асрларда ҳам дунё аҳолисининг сони кўпайиб борди. Лекин аҳолининг кўпайиш суръати нисбатан секин бўлган. Биринчи минг йилликнинг охирида дунё аҳолисининг сони 250-300 миллионни ташкил этган бўлса, иккинчи минг йилликнинг ўрталарида бу кўрсаткич 400-500 миллионга етган. Жумладан, Осиёда 250 милли-

¹ Аёлларнинг фарзанд кўриш даври (Ўртача 15-49 ёш).

² Уша асар, 7-бет.

он, Европада 65-80 миллион, Америкада 30-50 миллион, аҳоли истиқомат этган. Ушбу даврда баъзи давлатларда босқинчлилар, урушлар, хўжаликлар издан чиқиши натижасида аҳоли сонининг камайиб кетганини ҳам кузатилади.

✓ Аҳоли сонининг кўпайиб боришида жамиятда ишлаб чиқаришнинг мукаммаллашиб бориши, содир бўлган меҳнат тақсомотлари, яъни чорвачилик ва дехқончиликнинг ривожланиши алоҳида омил ҳисобланади. Эрамиздан 7-8 минг йил олдин Яқин Шарқ ҳудудларида жуда кўп қабилалар овчиликдан чорвачиликка, дехқончилик килишга ўта бошладилар. Хўжалик юритишдаги янги шароит қабилалардаги аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашни яхшилади, озиқ-овқат захиралари яратилди. Натижада аҳолининг ўлим ҳоллари нисбатан камайди, лекин турли эпидемиялар, хўжаликлар орасида мавжуд урушлар туфайли ўлим ҳамон юқори эди.

✓ Хўжалик юритишнинг янги формаси сабабли, қабилаларнинг бир жойдан иккинчи жойга мунгазам кўчиб юриши бирмунча барҳам топди. Қабилалар дехқончилик, чорвачилик билан шуғулланиши натижасида ўтрок ҳаётга ўта бошладилар. Бу ҳол эса аёллар аҳволининг бир оз яхшиланиб, туғилишнинг кўтарилишига сабаб бўлди. Туғилишнинг кўтарилиши эса дунё аҳолиси сонининг кўпайиб боришига олиб келди. Ушбу даврда эрта никоҳлар ва кўпболалик деярли барча аҳолига хос бўлган. Лекин синфий жамиятнинг пайдо бўлиши билан туғилишга салбий таъсир этувчи баъзи омиллар ҳам шаклана бошлади. Масалан, қулдорлик даврида куллар, аскарлар аҳолининг такрор барпо бўлиши жараёнида иштирок этмасдилар. Шунингдек, баъзи диний қарашлар, масалан буддизм, инсон рухини гуноҳлардан кутқариш мақсадида, никоҳсизлик ва фарзандсизлик ҳолатларини кўллаб-кувватларди.

Ишлаб чиқариш кучларининг янада тақомиллашуви аҳоли ўртасида синфлар ва давлат пайдо бўлишига олиб келди. Жамият аста-секин ибтидоий тузумдан қулдорлик даврига (синфий жамиятга) ўтди. Жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаёти ривожлана бошлади. Жамият тараққиётидаги бу ўзгаришлар аҳолининг ибтидоий тузум даврига нисбатан анча тез эди. Бунинг асосий сабаби туғилишнинг юқорилигидир. Туғилишнинг юқорилиги эса ўз навбатида, аёлларнинг эрта никоҳга кириши, туғилишнинг чекланмаганлиги ҳамда кўпболаликни халқ, давлат ва

дин томонидан кўллаб-кувватланиши билан боғлик эди. Лекин кўлдорлик тузуми даврида аҳоли ўртасида ўлим ҳоллари анча юкори бўлган. Сабаби, кўпгина қишлоқ ва шаҳарларда аҳолининг жуда зич жойлашуви ва гигиена-санитария шароитларнинг йўқлиги туфайли юкумли касалликларнинг кенг тарқалганлигидир.

✓ Аҳоли ўртасида маданиятнинг ривожланиши, қадимий цивилизация марказларининг пайдо бўлишига олиб келди. Ушбу маданият марказлари ер куррасининг сугориладиган худудларида (Миср, Месопотамия, Хинди斯顿, Хитой ва бошқа худудлар) шаклландилар.

Қадимги Мисрда фиръавиnlар даврида 7 миллион аҳоли яшаган деб тахмин этилади. Дунё худудларида умумий аҳоли сони эрамиздан аввалги 5 минг йилликда 30 миллион атрофида бўлган. Ана шу даврда ер юзида аҳоли жойлашуvinинг ҳозирги ареаллари пайдо бўлган.

Инсоннинг яшаш учун кураши бориб-бориб, жамият тараққиётида ижобий (прогрессив) ўзгаришларга олиб келди. Ишлаб чиқариш кучлари ривожлана бориб, кишилар дастлаб чорвачилик, кейинроқ эса дехкончилик билан шугулланишга ўтдилар, очликка, касалликларга қарши кураш бошладилар. Энди улар меҳнат қилиб, моддий маҳсулотлар яратадилар. Ҳунармандчилик, савдо ривожланди ва шаҳарлар пайдо бўла бошлади. Инсон ҳаётидаги бу ижобий ўзгаришлар уларнинг ҳаёт шароитини яхшилади.

Синфий жамиятнинг шаклланиши, дунё худудларидағи ижтимоий-иктисодий ва маданий ривожланишидаги фарқлар, аҳоли тақрор барпо бўлиш жараённига бевосита таъсир кўрсатди. Баъзи худудларда ёппасига тарқалган эпидемиялар ва урушлар оқибатида аҳоли ўртасида ўлим ниҳоятда юкори бўлган, қишлоклар аҳолисиз қолган. Ушбу давр учун аҳоли тақрор барпо бўлишида ибтидоий жамиятдагидек, умумий бир хусусият – туғилишнинг юкорилиги сақланиб қолган эди. Кўлдорлик тузумидагидек, кўпболалик нафақат урф-одатлар, балки давлат сиёсати, дин, айникса, ислом ва индуизм томонидан ҳам кўллаб-кувватланар эди.

✓ Инсоният тараққиёти тарихидаги дастлабки “Маданий-техник революция” ишлаб чиқариш кучларининг янада ривожланишига сабаб бўлди. Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ривожланди. Бу ҳол эса ўз навбатида дунё аҳолиси сонининг кўпайишига олиб келди.

✓ Эрамизнинг бошларида ер шари аҳолисининг сони 200-250 млн. киши атрофида эди. Юкорида кайд этилганидек, аҳолининг асосий қисми Рим империяси, Хитой ва Ҳиндистонда жойлашган.

1-жадвал

✓ Дунё аҳолисининг кўпайиши (млн. киши ҳисобида)*

Сана, йиллар	Дунё аҳолиси	Сана	Дунё аҳолиси
Милоднинг боши	252	1910	1755
400	205	1920	1811
800	224	1930	2070
1000	305	1940	2295
1200	400	1950	2527
1500	440	1960	3060
1600	578	1970	3727
1700	680	1980	4430
1750	728	1993	5510
1800	954	2000	6000
1850	1248	2005	6464
1900	1630	2025**	8039

* Алисов Н.В., Хорев Б.С. Экологическая и социальная география мира. М., 2000. С.92; Демографический энциклопедический словарь. М., 1985. С.72; Народонаселение мира 1998. Фонд ООН в области народонаселения, 2004 World Population Data Sheet, UNFPA; Народонаселение мира в 2005 году. World Population Data Sheet, UNFPA.

** БМТ башпорати.

✓ XI-XV асрларда дунё аҳолисининг маълум қисми юз берган катта урушлар туфайли қирилиб кетди. Айниқса, бу урушлардан Шаркий за Жануби-Шаркий Европа мамлакатлари аҳолиси катта талафот кўрди. Урушлар нафақат аҳолининг бевосига қирилиб кетишига, балки хўжаликларни, ишлаб чиқаришни издан чиқариш ҳисобига содир бўлган очарчилик сабабли ҳаётдан бевакт кўз юмишларига олиб келган.

✓ Агар дастлабки 500 йилда (1000-1500 йиллар) ер юзи аҳолиси 135 миллионга кўпайган бўлса, 1500-1750 йилларда ёки 250 йилда эса бу кўрсаткич 288 миллионни ташкил қилди, яъни аҳолининг ўсиши 2 марта тезлашди. XVIII асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб, аҳолининг ўсиши янада тезлашди.

✓ Дунё аҳолисининг 1000 йилдан 2005 йилгача бўлган ўсишига назар ташласак, аҳоли энг тез кўпайган давр XX асрдир. 1900-1950 йилларда ер шари аҳолиси ҳар йили ўртача 0,90% дан кўпайган бўлса, 1950-2000 йилларда бу кўрсаткич 1,75% га етди.

12
Муродов

Сайёрамиз аҳолисининг кўпайиб бориши унинг алоҳида худудлари бўйича ҳам фарқ қиласи (2-жадвал).

✓ Европа аҳолиси. Европада милоднинг бошларида 35 миллион аҳоли яшаган, холос. Дастребки 1000 йил давомида, яъни милоднинг бошидан X асрга қадар аҳоли фақат 10 миллионга кўпайган.

2-жадвал

✓ Дунё аҳолисининг ҳудудий тақсимланиши*

Ҳудудлар	Аҳоли сони млн.кешни				Аҳоли салмоги, %			
	Эрамиз боши	1000 й.	2000 й.	2005 й.	Эрамиз боши	1000 й.	2000 й.	2005 й.
Дунё бўйича	230	305	6055	6464	100	100	100	100
Осиё	155	195	3585	3831	67,4	63,9	59,3	59,3
Европа	35	45	510	524	15,2	14,8	8,4	8,1
Африка	30	40	790	906	13,0	13,1	13,0	14,0
МДХ, мам- лакетлари	5	10	290	278	2,2	3,3	4,8	4,3
Америка	4	14	850	892	1,8	4,6	14,0	13,8
Австралия ва Океания	1	1	30	33	0,4	0,3	0,5	0,5

* Симагин Ю. А. Территориальная организация населения. М. 2004. С.45; Бобурин В.Л. Эволюция российских пространств, от большого взрыва до наших дней, М: УРСС, 2002; Народонаселение мира в 2005 году. World Population Data Sheet, UNFPA, 2005. Р.131-134.

✓ Фан-техниканинг ривожланиши туфайли Европада ишлаб чиқаришда кўл кучи ўрнига техникадан фойдаланиш аҳоли ижтимоий-иктисодий шароитининг маълум даражада яхшиланишига олиб келди. Аҳоли сони олдинги даврларга нисбатан тезроқ суръат билан кўпая борди. Лекин Европанинг баъзи ҳудудларида тарқалган эпидемиялар (1624, 1639 йиллардаги вабо), очарчиликлар (Италияда 1739-1741 йиллардаги картошка очарчилиги) ва урушлар (Туркия ва Болқон уруши XVI асрда; 1618-1648 йиллардаги 30 йиллик уруш, 12 йил давом этган испан мероси учун уруш 1701-1713 йиллар) аҳоли сонининг кўпайиб боришига салбий таъсир этган албатта. Шунингдек, Европа аҳоли сони динамикасига эмиграция ҳам таъсир кўрсатди. Американинг каашф этилиши жуда кўп испанлар, португаллар, инглизлар, голландлар ва француздарнинг Америкага кўчиб кетишига сабаб бўлган. XVI-XVIII асрларда Европадан Америкага 2 миллиондан кўп аҳоли кетган.

Шундай бўлса-да Европа аҳолиси XVI-XVIII асрларда олдинги даврларга нисбатан юкори суръат билан кўпайиб борган. Масалан, 1700 йили Европа аҳолиси таҳминан 100 миллион киши бўлса, 1800 йилда бу кўрсаткич 150-160 миллионга етган. Франция, Англия, Германия ва Испания Европада аҳоли энг кўп давлатлардан санаалган.

XIX аср Европа аҳоли тақрор пайдо булишида янги бочкичга утган. Ўлимнинг камайиб бориши, аҳоли ўртача умр кўриш муддатининг узайиши ва туғилишининг нисбатан юкори даражада сақланиб туриши натижасида аҳолининг табиий кўпайиши юкори даражага чиқди. Ушбу даврда Европада туғилишининг умумий коэффициенти 40-35%, ўлим эса 20-25% атрофида бўлган. Аҳоли табиий ўсиши ҳар 1000 кишига 15-20 кишини ташкил этган. Юкорида қайд этилганидек, Европадан Америкага аҳоли эмиграциясининг кўпайиши, Франция императори Наполеоннинг урушлари аҳоли сонининг ўсиш суръатини бирмунча камайишига олиб келганди. Лекин аҳоли табиий кўпайишининг юқорилиги туфайли Европа аҳолисининг умумий сони динамикасида кескин камайиш кузатилмайди. XIX асрда Европадаги кўп сонли аҳолига эга бўлган Франция, Буюк Британия, Германия давлатларининг аҳолиси 1,5 - 2 барабарга кўпайган.

XX аср Европа аҳолисининг тақрор барпо булишида янги босқич бўлди. Европадаги қатор давлатларда XX асрнинг иккичи ярмида туғилиш кескин камайиб борди. Туғилиш билан бир қаторда ўлим ҳоллари ҳам қисқарди. Аҳолининг тақрор барпо булишида янги демографик ўтиш даври бошланди. Яъни аҳоли тақрор барпо булишининг кенгайган туридан, қисқарган, аҳоли тақрор барпо бўлиш турига ўтди, яъни туғилиш кескин камайди. Натижада Европада аҳоли сонининг ўсиш суръати бирмунча секинлашди.

✓ 1900-1950 йилларда Европа аҳолиси ҳар йили ўртача 1,8 миллион атрофида кўпайган бўлса, 1970-2000 йилларда эса бу кўрсаткич 1,2 миллионни ташкил этган. Хозирги даврда (2005 й.) Европа аҳолиси 728 миллионга етган ва бу кўрсаткич дунё аҳолисининг 11,3 фоизини ташкил этади¹.

✓ Африка аҳолиси сонининг кўпайиб боришида унинг табиий шаронти билан бир қаторда ижтимоий аҳволи ҳам асосий омил хисобланади. Бу қитъа аҳолиси, асосан, Фарбий Судан ва Шарқий

¹ Европа худудида жойлашган МДХ давлатлари аҳолиси билан.

Африка аҳолиси ҳисобига бирмунча кўпайган. Шарқий Африкада араб сultonликлари ташкил топиб, Осиё давлатлари, айниқса, Хиндистон билан савдо-сотик ривожланди.

3-жадвал

Европа давлатларида аҳоли сони динамикаси*

Давлатлар	1950 й. (минг)	1980 й. (минг)	2001 й. (млн.)	2005 й. (млн.)	2050 й. (млн.)
Шарқий Европа	236525	311297	303	297,3	223,7
Болгария	7251	8862	8,5	7,7	5,1
Белоруссия	7709	9611	10,0	9,8	7,0
Венгрия	9338	10711	10,0	10,1	8,3
ГДР	18387	16737	--	--	--
Молдавия	2290	3968	4,3	4,2	3,3
Польша	24824	35578	38,6	38,5	31,9
Руминия	16311	22201	22,4	21,7	16,8
Россия Федерацияси	101438	138365	144,4	143,2	111,8
Словакия	12389 ¹	15311 ¹	5,4	5,4	4,6
Чехия			10,3	10,2	8,5
Украина	36588	49953	49,1	46,5	26,4
Жанубий Европа	108515	138790	145,2	149,4 ³	138,7 ³
Албания	1230	2671	3,4	3,1	3,5
Андорра	6	45	0,07	--	--
Босния ва Герцеговина	--	--	3,4	3,9	3,2
Греция	7566	9643	10,9	11,1	10,7
Испания	27868	37542	39,8	43,1	42,5
Италия	46769	56434	57,8	58,1	50,9
Македония	--	--	2,0	2,0	1,9
Мальта	312	364	0,39	0,40	0,43
Португалия	8405	9766	10,0	10,5	10,7
Сан-Марино	13	21	0,03	--	
Сербия ва Черногория	--	--	--	10,5	9,4
Словения	--	--	2,0	2,0	1,6
Хорватия	--	--	4,7	4,6	3,7
Югославия ²	16346	22304	10,7	--	--
Гарбий Европа	123259	153727	184	185,9 ⁵	185,5 ⁵
Австрия	6935	7549	8,1	8,2	8,1
Бельгия	8639	9852	10,3	10,4	10,3
ГДР	50809	61561	--	--	--
Германия	--	--	--	82,7 ⁴	78,8 ⁴
Лихтенштейн	14--	26	0,03	--	--

жадвалнинг давоми

Давлатлар	1950 й. (минг)	1980 й. (минг)	2001 й. (млн.)	2005 й. (млн.)	2050 й. (млн.)
Люксембург	296	364	0,45	0,46	0,72
Монако	—	26	0,03	—	—
Нидерландия	10114	14150	16,0	16,3	17,1
Франция	41736	53880	59,2	60,5	63,1
Швейцария	4694	6327	7,2	7,3	7,3
Шимолий Европа	78141 ⁵	89900 ⁶	96,0	95,8 ⁷	105,6 ⁷
Буюк Британия	50616	5614	60,0	59,7	67,1
Дания	4271	5123	5,4	5,4	5,9
Ирландия	2969	3401	3,8	4,1	5,8
Исландия	143	228	0,29	0,29	0,37
Латвия	1994	2529	2,4	2,3	1,7
Литва	2573	3420	3,7	3,4	2,6
Норвегия	3265	4086	4,5	4,6	5,4
Финляндия	4009	4780	5,2	5,2	5,3
Швеция	7014	8310	8,9	9,0	10,1
Эстония	1097	1474	1,4	1,3	1,1

* Народонаселение стран мира. М., 1974. С.26; Население мира. М., 1989. С.12-13; Население мира 2005. World Population Data Sheet, UNFPA, 2005. P.133.

¹ Чехия ва Словакия биргаликда (Чехословакия).

² Югославия XX аср охирида Босния ва Герцеговина, Хорватия, Сербия ва Черногория, Словенияга бўлинган.

³ Андорра, Гибралтар, Мукаддас Пристол ва Сан-Марино билан биргаликда.

⁴ ГДР ва ГФР 1990 йилда бирлашиб, ягона Германия давлати тузилиди.

⁵ Лихтенштейн ва Монако биргаликда.

⁶ Мэн, Норманд, Фарер ороллари биргаликда.

⁷ Норманд, Мэн, Фарер ороллари биргаликда.

Иккинчи минг йилликда Африка халқининг ижтимоий-сиёсий ҳаётида яна кескин ўзгаришлар содир бўлди. Африканинг европаликлар томонидан мустамлакага айлантирилиши натижасидаги урушлар, африкаликларнинг қул қилиб сотилиши, уларнинг оғир турмуш шароити, очлик, иссиқ иқлим шароитида турли юқумли қасалликларнинг тез-тез тарқалиб туриши натижасида аҳоли ўртасида ўлим кўрсаткичлари юкори даражада бўлган. 1650-1800 йилларда Африка аҳолиси тахминан 100 миллиондан, 90 миллионга тушган.

XVI-XVII асрларда Африкадан негларнинг қул қилиб, Америкага олиб кетилиши ҳам Африка китъаси аҳолиси сонига салбий таъсир этган. Айниқса, Шимолий Америкадаги инглиз колонияларига Африкадан миллионлаб негларни қул қилиб ҳайдаб келишган. 1680-1786 йилнинг ўзида Шимолий Америкага Африкадан

2 миллион негрлар келтирилган. Натижада Африканинг Ангола, Мозамбик ва Фарбий Судан каби давлатларида аҳоли жуда камайиб кеттган.

XIX асрга келиб, Африканинг ижтимоий-сиёсий аҳволи бирмунча яхшиланди. Қатор давлатлар мустамлака тузумидан озод булди. Дунёда инсон хуқуқларини, миллатлар манфаатини ҳимоя этиш ташкилотлари ташкил топиб, фаолият кўрсата бошлади. Африка ҳалқларининг ҳимоя этилиши бошланди. Уларга тиббий ёрдам кўрсатишга, билим олишларига имкониятлар яратилди. Натижада китъа аҳолиси ўргасида ўлим ҳоллари камайди. Тугилишнинг юкори булиши ва ўлимнинг камайиши Африка аҳолисининг тез суръатлар билан купайишига олиб келди. 1900 йил Африка аҳолиси таҳминан 130 млн.ни ташкил этган. 1900-2000 йилларда эса китъада аҳоли сони 6 марта купайди ва 790 миллионга етди. XX аср Африка аҳолисининг энг юкори суръат билан кўпайган давридир.

4-жадвал

Африка давлатларида аҳоли сони динамикаси*

Давлатлар	1950 й. (млн.)	1980 й. (млн.)	2001 й. (млн.)	2005 й. (млн.)	2050 й. (млн.)
Шимолий Африка	51798	109093	177	190,9 ¹	311,9 ¹
Фарбий Саҳрои Кабир	14	135	0,25	--	--
Жазоон	8753	18666	31,0	32,9	49,5
Ливия	1029	3043	5,2	5,9	9,6
Марокош (Ифни билан)	8953	20050	29,2	31,5	46,4
Мисро	20330	42126	69,8	74,0	125,9
Судан	9190	18681	31,8	36,2	66,7
Тунис	3530	6392	9,7	10,1	12,9
Фарбий Африка	67326 ²	149397 ²	240 ³	264,1 ⁴	588 ⁴
Бенин	2046	3424	6,6	8,4	22,1
Буркина-Фасо	3652	6145	12,3	13,2	39,1
Гамбия	331	601	1,4	1,5	3,1
Гана	4242	11542	19,9	22,1	40,6
Дагомея	3245	5407	7,6	9,4	23,0
Либерия	855	1845	3,2	3,3	10,7
Кабо-Верде	148	296	--	0,5	1,00
Кот-д'Иввар	33241	8172	--	18,2	34,0
Мавритания	796	1631	2,7	3,1	7,5
Мали	3850	7095	11,0	13,5	42,0

жадвалнинг давоми

Давлатлар	1950 й. (минг)	1980 й. (минг)	2001 й. (млн.)	2005 й. (млн.)	2050 й. (млн.)
Нигер	2868	5311	10,4	14,0	50,2
Нигерия	32935	80556	126,6	131,5	258,1
Сенегал	2500	5703	9,7	11,7	23,1
Сьерра-Леоне	2198	3296	5,4	5,5	13,8
Того	1329	2554	5,2	6,1	13,5
Гвинея-Бисау	505	809	1,2	1,6	5,3
Шарқий Африка	63358 ⁵	142241 ⁵	252	290,1 ⁶	683 ⁶
Бурунди	2456	4121	6,2	7,5	25,8
Жибути	103	355	0,64	0,8	1,5
Замбия	2440	5834	9,8	11,7	22,8
Зимбабве	2415	7096	11,4	13,0	15,8
Кения	5822	16667	29,8	34,3	83,1
Комор оролла-ри	173	381	0,60	0,8	1,7
Мадагаскар	4428	8704	16,4	18,6	43,5
Майотта	--	--	0,17	--	--
Малави	2821	6046	10,5	12,9	29,5
Мозамбик	5710	12123	19,4	19,8	37,6
Морис	--	--	1,2	--	--
Реюньон	257	508	0,72	0,8	1,1
Руанда	2125	5162	7,3	9,0	18,2
Сейшель орол-лари	34	63	0,08	--	--
Сомали	1083	4019	7,5	8,2	21,3
Танзания	7886	18580	41	36,2	66,8
Уганда	4762	13106	24,0	28,8	126,9
Эритрея			4,3	4,4	11,2
Эфиопия	19573	38521	65,4	77,4	170,2
Марказий Африка	26959	54067	99 ⁷	109,6	303,3
Ангола	4131	7723	12,3	15,9	43,5
Габон	812	1064	1,2	1,4	2,3
Камерун	4528	8503	15,8	16,3	26,9
Конго	812	1529	3,1	4,0	13,7
Конго Демо-кра-тич Респ.(Заир)	12542	26377	53,6	57,5	177,3
Марказий Аф-рика Респ.	1417	2309	3,6	4,0	6,7
Сан-Томе ва Принсипи	60	85	0,17	--	--
Чад	2658	4477	8,7	9,7	31,5

	жадвалнинг давоми				
Давлатлар	1950 й. (минг)	1980 й. (минг)	2001 й. (млн.)	2005 й. (млн.)	2050 й. (млн.)
Жанубий Африка	17274	32666	50	190,9	311,9
Ботсвана	389	819	1,6	1,8	1,7
Жанубий Африк Респуб.	15219	28612	43,6	47,4	48,7
Лесото	734	1339	2,2	1,8	1,6
Намибия	666	1349	1,8	2,0	3,1
Свазиленд	265	547	1,1	1,0	1,0

* 1974. С.26; Население мира. М., 1989. С.12-13; Население мира 2005. World Population Data Sheet, UNFPA, 2005. P.133.

¹ Гарбий Сахрон Кабир билан биргаликда.

² Муқаддас Елена ороли ва Фил суюги кирғоги билан биргаликда.

³ Фил Суюги кирғоги, Яшил бурун ороллари билан.

⁴ Муқаддас Елена ороллари, Вознесение ва Тристан-да-Куныя билан.

⁵ Маврикий ороллари билан.

⁶ Маврикий, Ҳинд океанидаги Сейшел ороллари билан.

⁷ Экваториал Гвинея билан.

2005 йил маълумотларига қараганда, Африка аҳолисининг сони 906 миллионни ташкил этиб, бу кўрсаткич дунё аҳолисининг 14,0 фоизини ташкил этади.

✓ Америка аҳолиси. Америкада Христофор Колумб томонидан кашф этилган даврга қадар 25 миллиондан ортиқ аҳоли яшаган. Аҳолисининг асосий қисмини атцеклар ташкил этиб, улар Марказий Мексика давлатида ва инклар империясида (Перу) яшаган. Америка аҳолисининг туб халқи индейслар бўлиб, улар кичик-кичик қабилаларга бирлашганлар ва ҳозирги АҚШ ҳудудида 1 миллионга яқин индейс яшаган.

✓ Американинг европаликлар томонидан босиб олиниши, урушлари натижасида туб аҳоли бўлмиш индейслар кириб юборилган. Масалан, Кариб денгизи ҳавзасидаги оролларда 1 миллиондан ортиқ индейс яшаган. XVI аср ўрталарида европаликларнинг босқинчилик урушлари туфайли маҳаллий аҳоли вакилларидан бир неча юз кишигина қолган холос. Мексикада эса XIX аср бошларида 1,5 млн. АҚШ да XIX аср охирларида 200 минг индейслар яшаган. Ликлари ҳақида маълумотлар мавжуд. Америка туб аҳолисининг камайиб кетишига уларнинг европаликлар томонидан аёвсиз кириб ташланниши билан бирга, европаликлар олиб келган эпидемиялар “янги касалликлар” (қизамиқ, вабо, тошмалар), плантациялардаги оғир, антисанитария шароитидаги меҳнат ҳам сабаб бўлган.

✓ Америка аҳолиси сони XIX аср бошига қадар, асосан, Европа дан келган иммигрантлар келиши ва Африкадан кўпияб негр кулларнинг олиб келиниши ҳисобига секинлик билан кўпайган. Ушбу даврда Америка қитъасида 25 миллион атрофида аҳоли булиб, уларнинг 18 миллиони Лотин Америкасида, 5,3 миллиони АҚШ да яшаган.

XIX асрда Европадан Америкага кўчиди келувчилар сони яън ҳам кўпайди. Иммигрантларнинг асосий оқими иқтисодий аҳвол яхшироқ бўлган АҚШ га қаратилган эди. XIX асрнинг иккинчи ярмида (1821-1900 йилларда) АҚШга келган иммигрантлар сони 20 миллион атрофида бўлган. АҚШ аҳолиси иммигрантла ҳисобига жуда тез суръат билан кўпайиб борган ва 1900 йилда 76 миллионга етган ва уларнинг таркибида 10 миллион атрофида негрлар қайд этилган.

✓ Канада ҳудудларига ҳам XIX асрда иммиграция жараёни куҷайди. XIX аср бошларида Канадада бор-йўғи 300 минг атрофида аҳоли истиқомат этган бўлса, 1851 йили аҳоли сони 1,8 миллионга 1900 йилда эса 5,8 миллионга етди. Аср бошида фақат Канадага дастлаб Европадан келган француз иммигрантлари аҳолининг асосий қисмини ташкил этган эди. XIX асрнинг иккинчи ярмида АҚШ ҳудуди тамоман эгаллаб олингач, иммигрантлар оқими Канадага қаратилади.

✓ Лотин Америкаси давлатлари аҳолиси эса XIX асрда АҚШ ва Канада ғҳолисига нисбатан секинроқ кўпайган. Асосан аҳолининг кўпайиши табиий ўсиш ҳисобига содир бўлган.

✓ Бу даврда Европадан иммигрантларнинг келиши Шимолий Америкага нисбатан камроқ эди. Иммигрантлар асосан Аргентина, Бразилия ва Уругвай давлатларига келгандар. 1900 йилда Лотин Америкасида 60-65 миллион аҳоли истиқомат этган. 1850-1900 йилларда бутун Америка қитъаси аҳолиси 65 миллион кишидан 145 миллион кишига кўпайган ёки 2,2 марта ошган. 1900-2000 йилларда эса аҳоли сони 6 марта кўпайди. Бу давр Америка аҳолисининг энг юқори суръат билан кўпайган давридир.

5-жадвал

✓ Америка давлатларида аҳоли сони динамикаси*

<i>Давлатлар</i>	<i>1950 й.</i> <i>(минг)</i>	<i>1980 й.</i> <i>(минг)</i>	<i>2001 й.</i> <i>(млн.)</i>	<i>2005 й.</i> <i>(млн.)</i>	<i>2025 й.</i> <i>(млн.)</i>
Шимолий	166075 ¹	251891 ¹	316	330,6	438
Антигуа ва Барбадос	1522721	227738	284,5	298,3	395,0
Бермуда ороллари	39	54	--	--	--
Гренландия	23	50	--	--	--
Канада	13737	24043	31,0	32,3	42,8
Марказий Америка	36602	49521	138	147	209,6
Белиз	67	145	0,26	0,27	0,44
Гватемала	2969	6917	13,0	12,6	25,6
Гондурас	1401	3691	6,7	7,2	12,8
Коста-Рика	858	2245	3,7	4,3	6,4
Мексика	27376	69393	99,6	107,0	139,0
Никарагуа	1098	2733	5,2	5,5	9,4
Панама	843	1956	2,9	3,2	5,1
Сальвадор	1940	4508	6,4	6,9	10,8
Карип ҳавзаси давлатлари	16934 ²	28653 ²	37 ³	39,1 ⁴	46,4 ⁴
Антигуа ва Барбадос	46	75	0,07	--	--
Антиль ороллари (Нидер.)	162	262	0,22	0,18	0,20
Багама ороллари	79	210	0,31	0,32	0,46
Бахрейн	211	249	0,27	0,27	0,25
Гаити	3097	5009	7,0	8,5	13,0
Гвианелупа	210	327	0,46	0,44	0,47
Гренада	76	107	0,09	--	--
Доминикана	51	77	0,08	--	--
Доминикана Республика	2409	5443	8,6	8,9	12,7
Куба	5858	9724	11,3	11,3	9,7
Мартиника	222	326	0,38	0,39	0,35
Пурто-Рико	2219	3206	3,9	4,0	4,0
Сент-Висент ва Гренада	67	103	0,11	--	--
Сент-Кристофер ва Невис	44	44	0,04	--	--
Тринидад ва Тобаго	636	1082	1,3	1,3	1,2
Ямайка	1403	2133	2,6	2,7	2,6

жадвалнинг давоми

Давлатлар	1950 й. (минг)	1980 й. (минг)	2001 й. (млн.)	2005 й. (млн.)	2025 й. (млн.)
Жанубий Америка	111275 ³	239947 ⁵	350	375,2 ⁶	526,9 ⁶
Аргентина	17150	28237	37,5	38,7	51,4
Боливия	2766	5600	8,5	9,2	14,9
Бразилия	55444	121286	171,8	186,4	253,1
Венесуэла	5009	15024	24,6	26,7	42,0
Гайана	423	865	0,70	0,75	0,44
Гвиана (франц.)	25	68	0,20	—	—
Колумбия	11597	25892	43,1	45,6	65,7
Парагвай	1371	3147	5,7	6,2	12,1
Перу	7632	17295	26,1	28,0	42,6
Суринам	215	355	0,43	0,45	0,43
Уругвай	2239	2908	3,4	3,5	4,0
Чили	6091	11145	15,4	16,3	20,7
Эквадор	3310	8123	12,9	13,2	19,2

* Население мира. М., 1989. С.12-13; Население мира. 2005. World Population Data Sheet, UNFPA, 2005. P.133.

¹ Сен-Пьер ва АКШ Македония билан бирга.

² Англия, Виргин, Кайман ороллари ва Монтесеррат билан бирга.

³ Аруда, Кайман ва Виргин ороллари билан бирга.

⁴ Антил, Антигуа ва Бардузу, Пруду, Британия Виргин, Кайман ороллари, Доминика, Гренада, Монтесеррат, Нидерландия, Антил ороллари, Сент-китс ва Невис, Сент-люсию, Сент-Винсент ва Гренадинлар, Тееркс, Кайхос ва АКШнинг Виргин ороллари биргаликда.

⁵ Мальва ороллари билан бирга.

⁶ Мальва ва Фолькленд ороллари ва Француз Гвианаси билан бирга.

✓ Аҳоли сонининг ортиб бориши дунё аҳолиси таркибида унинг ҳиссасини 3 баробар кўтарилишига сабаб бўлди. 2005 йил Америкада дунё аҳолисининг 13,8 фоизи истиқомат этмоқда. Х асрда бу кўрсаткич 4,6 фоизни ташкил этган эди.

✓ Осиё дунёнинг энг кўп сонли аҳоли истиқомат этаётган ҳудудидир. XX асрга қадар бўлган давр учун Осиё аҳолисининг сони ҳакидаги аниқ маълумотлар деярли йўқ. Тахминларга кўра XVI-XVIII асрларда Осиё аҳолисининг умумий ўсиш суръати Европа аҳолисининг ўсиш суръатига жуда яқин бўлган. Чунки Осиёда ушбу давр нисбатан тинч, йирик кирғин-барот урушлар бўлмаган давр ҳисобланади.

✓ Осиёнинг баъзи давлатлари демографик жараёнларида кескин ўзгаришлар кузатилади. Масалан, Япония оиласларида фарзанд туғилишини назорат этиш жараёни бошланди. Натижада аҳолининг табиий кўпайиш суръати секинлашди ва аҳоли сони ҳам мос ра-

вишда нисбатан кам суръатда кўпайди. XIX аср бошларида Хитойда аҳоли сони 300-350 миллион, Ҳиндистонда 150-210 миллион, Японияда 27-30 миллион кишини ташкил этган.

XIX асрда Осиё давлатларининг кўпчилигига янги сиёсий ўзгаришлар юз берди ва уларнинг кўпчилиги мустамлакаларга айлантирилди. Мустамлакачилик аҳоли ижтимоий-иктисодий ҳаётига салбий таъсир этди. Дехқонларнинг асосий қисми ерсиз қолди, ҳунармандчилек, ишлаб чиқариш маълум даражада сустлашди. Бу ҳолатлар аҳолининг табиий кўпайиш суръатига салбий таъсир этди. Очарчилик, эпидемия ва мустамлакачиларга қарши урушлар натижасида аҳоли ўртасида ўлим ҳоллари кўпайди. Миллионлаб аҳоли юкоридаги омиллар натижасида қирилиб кетди. XIX асрнинг охирида Ҳиндистонда 20 марта очарчилик бўлиб, уларда қарийб 20 миллион чамаси аҳоли ўлган. Ана шу даврда (1887 й.) Хитойнинг Шимолий районларида ҳам очарчилик бўлиб, 4-6 миллион киши ҳалок бўлган. XIX асрда Осиёнинг қатор ҳудудлари аҳолисида туғилиш 45-50 % ни, ўлим эса 40-45 % ташкил этган. Аҳолининг табиий ўсиши жуда паст бўлиб 5-10 % нигина ташкил этган. Натижада Осиё аҳолисининг сони жуда секинлик билан кўпайган. 1900 йилларда Осиё аҳолисининг сони 900 миллион - 1 миллиард кишидан ошган. Шу жумладан, Хитойда аҳоли сони 400-500 миллион, Ҳиндистонда 285 миллион ва Японияда 44 миллионга стган.

б-жадвал

✓ Осиё давлатларида аҳоли сони динамикаси*

Давлатлар	1950 й. (минг)	1980 й. (минг)	2001 й. (млн.)	2005 й. (млн.)	2050 й. (млн.)
Гарбий Осиё	50033	112370	193	214,3	383,2
Озарбайжон	2859	6112	8,1	8,4	9,6
Арманистон	1347	3074	3,8	3,0	2,5
Бирлашган Араб Амирлиги	70	980	3,3	4,5	9,1
Бахрайн	116	347	0,72	0,73	1,1
Грузия	3494	5041	5,5	4,5	3,0
Иордания	1237	2923	5,2	5,7	10,2
Ирак	5158	13238	23,6	28,8	63,7
Иран	1258	3878	6,4	6,7	10,4
Катар	25	225	0,59	0,8	1,3
Кипр	494	627	0,88	0,8	1,1

жадвалнинг давоми

Давлатлар	1950 й. (минг)	1980 й. (минг)	2001 й. (млн.)	2005 й. (млн.)	2050 й. (млн.)
Кувайт	152	1370	2,3	2,7	5,3
Ливан	1257	2669	4,3	3,6	4,7
Саудия Арабистони	3201	9372	21,1	24,6	49,5
Сурия	3495	8704	17,1	19,0	35,9
Туркия	20809	44438	66,3	73,2	101,2
Уммон	500	984	2,4	2,6	5,0
Фаластин	--	--	3,3	3,7	10,1
Яман Араб Республикаси	3324	5981	18,0	21,0	59,5
<i>Жанубий-Марказий Осиё</i>	496924	971685	1505	1610,9	2495
Афғонистон	8958	15951	26,8	29,9	97,3
Бангладеш Покистон	42284 40031	88678 82581	133,5 145,0	141,8 158,0	242,9 304,7
Бутан	734	1281	0,90	2,2	4,4
Кирғизистон	1716	3588	5,0	5,3	6,7
Қозоғистон	6522	14858	14,8	14,8	13,1
Мальдив Республикаси	82	153	0,21	0,3	0,6
Непал	8182	14010	23,5	27,1	51,2
Тоҷикистон	1509	3901	6,2	6,5	10,4
Туркманистон	1197	2827	5,5	4,8	6,8
Ўзбекистон	6264	15765	25,1	26,6	38,7
Ҳиндистон	357561	675000	1033,0	1103,4	1592,7
Шри-Ланка	7678	14747	19,4	20,7	23,6
Эрон	14206	38345	66,1	69,5	101,9
<i>Жанубий-Шарқий Осиё</i>	186243	356906	519,1	555,8	752,3
Бруней	46	1185	0,3	0,4	0,7
Вьетнам	29954	54175	78,8	84,2	116,7
Индонезия	79538	146362	206,1	222,8	284,6
Камбоджа	4074	--	13,2	14,1	26,0
Кампучия	4346	6400		--	--
Лаос	1894	3683	5,4	5,9	11,6
Малайзия	6256	13697	22,7	25,3	38,9
Мьянма (Бирма)	17832	33637	47,8	50,5	63,7
Сингапур	1022	2414	4,1	4,3	5,2
Тайланд	20320	46455	62,4	64,2	74,6
Филиппин	20522	48317	77,2	83,1	127,1
Шарқий Тимор	439	581	0,8	1,0	3,2
<i>Шарқий Осиё</i>	671392	1183014	1503	1524,4	1586,7

жадвалнинг давоми

Демографиялар	1950 й. (млн.)	1980 й. (млн.)	2001 й. (млн.)	2005 й. (млн.)	2050 й. (млн.)
Гонконг ***	1974	5039	6,9	7,0	9,2
Жиңіздік Ко- респ	20357	38124	48,8	47,8	44,6
Макао	188	323			
Монголия	747	1640	2,4	2,6	3,6
Хитой	554760	1002803	1273,3	1315,8	1392,3
Шымолий Ко- респ	9740	18025	22,0	22,5	24,2
Япония	83625	117060	127,1	128,1	112,2

Народонаселение стран мира. М., 1974. С. 30-31; Население мира. М., 1989. С. 14-15; Население мира 2005. World Population Data Sheet, UNFPA, 2005. P.132-133.

*** 2005-2050 йиллар Макао билан бирга.

*** 1997 йил 1 июльдан Гонконг Хитойни маъмурӣ туманига айланди.

XX асрда Осиё мамлакатларининг купчилигига ахоли улумининг кескин камайиши кузатилади. Натижада Осиё ахолисининг сони купайиб борди. 1900-2000 йилларда Осиё ахолиси сони 950 миллиондан 3585 миллионга етди ёки 3,6 марта купайди. Шунун алоҳидаги қайд этиш лозимки, XX асрнинг иккинчи ярмида Хитой, Хиндистон каби ахоли күп давлатларда тұғилишини назорат этиш давлат сиёсати даражасида олиб боришлиши ахолининг ўшиш суръатини бирмунча секинлашишига олиб келди.

Осиё ахолисининг дунё ахолиси таркибидаги салмоги 1000-2000 йилларда 63,9 фоиздан 59,3 фоизга түшди. Ҳозирда (2005 й.) Осиёда дунё ахолисининг 60,6 фоизи истикомат этмоқда.

Австралия ва Океания ҳудуди ахолисига оид аниқроқ маълумотлар демографияга оид адабиётларда XVIII асрнинг иккинчи ярмига таалуккүлидир. 1788 йилда ушбу қытъада 200-300 минг махаллий халқлар (аборигенлар) яшаган. Океанияда эса XVIII аср ўргаларида З миллион киши бүлгәнлити тахмин этилади. Бу ҳудудда ҳам ахоли шаклланишида Америка қытъасига үхашш европаликларнинг келиши билан боғлиқ ижтимоий-сиёсий узгаришлар катта таъсир эттан. Европаликлар билан тұқнашувлардан, эпидемиялардан Австралия ахолисининг жуда күп қисми кирилиб кетган. XIX асрнинг охириларида Австралияда 100 минг нафар аборигенлар қолған холос. Шунингдек, Янти Зеландияда ҳам ахоли XVIII асрнинг охиридан XIX асрнинг охирги чорагига кадар 200-250 мингдан 37,5 минг кишига камайиб кетган XVIII асрнинг охиридан

XIX асрнинг охирига қадар гавайиликлар сони 300 мингдан 31 мингга қисқарган.

XIX асрнинг охиридан бошлаб Австралия ва Океания аҳолиси аралаш миллиатлар ва европаликлар ҳисобига бирмунча кўпая бошлади. Айниқса, Австралия ва Янги Зеландия аҳолиси асосан европаликлар ҳисобига кўпайиб боришининг асосий сабаби, Австралия ва Океанияда янги конларнинг топилиши ва ўзлаштирилиши эди. Европада ишлари юришмаган камбағал ва ўртаҳол кишилар тезда бойиб кетиш максадида бу ерга кўплаб кучиб келишган. 1800-1850 йилларда Австралияга келган иммигрантлар сони 5 мингдан 405 минга етган. Иммиграция ҳисобига Гавайи, Фиджи, Янги Каледония аҳолиси ҳам кўпая бошлади. Натижада Австралия ва Океания аҳолисининг дунё аҳолиси таркибидағи салмоғи деярли 2 баробар кўпайди. 1900 йилда бу ҳудуд аҳолиси 6 миллиондан кўп кишини ташкил этган бўлса, 2000 йилда бу кўрсаткич 30 миллионга етган. Ҳозирги кунда (2005 й.) Австралия ва Океания аҳолисининг сони 33 миллионни ташкил этмоқда. XX аср иккинчи ярми Австралия ва Океания давлатлари аҳолисининг энг юқори суръат билан кўпайган даври булди (7-жадвал).

7-жадвал

✓ Австралия ва Океания давлатларида аҳоли сони динамикаси*

Давлатлар	1950 й. (минг)	1980 й. (минг)	2001 й. (млн.)	2005 й. (млн.)	2050 й. (млн.)
Австралия	8219	14719	19,4	20,2	27,9
Вануату	52	117	0,21	0,21	0,37
Гуам	60	106	0,16	0,17	0,25
Кирибати	32	59	--	--	--
Микронезия	58	136	0,12	0,38 **	0,59 **
Меланезия	2119	4196	6,6	7,6	13,2
Папуа - Янги Гвинея	1613	3086	5,0	5,9	10,6
Самоа	82	155	0,17	0,18	0,16
Соломон орол- лари	105	225	0,46	0,47	0,92
Фиджи	290	629	0,84	0,85	0,94
Франция Поли- незияси	62	148	0,24	0,26	0,36

жадвалнинг давоми

<i>Давлатлар</i>	<i>1950 й. (минг)</i>	<i>1980 й. (минг)</i>	<i>2001 й. (млн.)</i>	<i>2005 й. (млн.)</i>	<i>2050 й. (млн.)</i>
Ингъ Зеландия	1908	3169	3,9	4,0	4,8
Янги Каледо-	59	139	0,22	0,24	0,38

* Население мира. М., 1989. С.23; Население мира 2005. World Population Data Sheet, UNFPA, 2005. P.134.

** Микронезия Федератив штати, Кирбати, Марсиал ороллари, Науру, Мариан оролларининг шимолий кисми ва Палау ороли билан бирга.

✓ МДХ – Мустақил Давлатлар Ҳамдустлиги таркибида 12 давлат киради. Улардан Россия, Украина, Молдавия, Белоруссия, Грузия, Арманистон, Озарбайжон давлатлари Европа худудида, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркманистон ва ўзбекистон давлатлари Осиё худудида жойлашган. МДХ давлатлари аҳолисининг асосий кисми Россия Федерациясига тўғри келади (143,2 млн. киши 2005 й.). МДХ давлатлари аҳолиси 2005 йилда 278 млн.га етди. Бу кўрсаткич дунё аҳолисининг 4,3 фоизига тенгdir. Ушбу давлатлар таркибида Россия Федерацияси ва Украина давлатлари аҳолисининг кўплиги жиҳатидан етакчилик қиласди. Россия Федерациясида МДХ давлатлари аҳолисининг деярли ярми истикомат этади. XX аср иккинчи ярми Россия аҳолиси сони динамикасида ижобий ўзгаришлар даври бўлди. 1950–2001 йилларда Россия аҳолиси 101,4 млн.дан 144,4 млн.га кўпайди. Аҳолининг ўртача йиллик ўсиши 0,70 фоизни ташкил этган. Лекин XXI аср бошларига келиб, Россия аҳолиси сони динамикасида салбий ўзгариш, яъни аҳоли сонининг камайиши жараёни кузатилмоқда. 2001–2005 йилларда Россия аҳолиси 1,1 млн.га камайган. Бунинг асосий сабаби тугилишининг кескин камайиши ва ўлим ҳолларининг бирмунча ошиб борганлигидир. Мазкур демографик ўзгаришларни МДХ таркибида кирувчи Украина, Белоруссия, Молдавия ва Арманистон давлатларида ҳам кузатиш мумкин. 1950–2000 йилларда Украина аҳолиси йилига ўртача 0,60 фоиздан кўпайиб келган бўлса, 2001–2005 йилларда аҳоли сони ҳар йили ўртача 1,05 фоиздан камай бошлади. Белоруссия давлатида ҳам аҳоли сони XX аср иккинчи ярмида йилига ўртача 0,51 фоиздан кўпайиб келган бўлса, 2001–2005 йилларда бу кўрсаткич 0,30 фоизни ташкил этган ёки аҳоли сони ушбу даврда 200 минг кишига камайган. Аҳоли сони 1950–2005 йилларда Молдавияда 2,2 млн.дан 4,2 млн.га, Арманистонда

2,3 млн.дан 3 млн.га етган. Лекин XXI аср бошларида тугилишининг кескин камайиши ҳисобига бу давлатларда ҳам аҳоли сони динамикасида камайиши ҳолати кузатилмоқда. МДҲ таркибиға кирувчидар Озарбайжон, Грузия давлатларида эса демографик ривожланиши бирмунча ижобий характерга эгадир. Ушбу давлатлар аҳолиси 1950–2005 йилларда мунтазам кўпайиб келган. Лекин аҳолининг кўпайиш суръати XXI аср бошларида маълум даражада секинлашди.

МДҲ давлатлари таркибида аҳоли сонининг кўпайиш суръати бўйича Тожикистон, Узбекистон, Туркманистон, Қирғизистон ва Қозоғистон Республикалари алоҳида мавкега эгадир. Ҳозирги даврда (2005 й.) ушбу давлатларда аҳоли сони 58 млн.ни ташкил этмоқда. Мазкур кўрсаткич МДҲ давлатлари таркибидаги жами аҳолининг 20,8 фоизига тенгdir. 1950–2005 йилларда аҳоли сони юкорида қайд этилган давлатларнинг барчасида кўпайиб келган. Лекин 2001–2005 йилларда аҳолининг ўртача йиллик үсиш суръати бирмунча пасайди. Туркманистонда эса бу даврда аҳоли сонининг камайиши ҳолати юз берди. 1950–2000 йилларда аҳолининг ўртача йиллик үсиши Узбекистонда 2,4 фоизни, Тожикистонда ва Туркманистонда – 2,8, Қирғизистонда – 2,1 ва Қозоғистонда – 1,6 фоизни ташкил этган эди. 2001–2005 йилларда эса ушбу кўрсаткичлар мосравища 1,2; 1,2; -2,7; 1,2 ва 0,0 фоизга тенг экани қайд этилади. Аҳоли динамикасидаги ўзгаришлар асосан аҳолининг табиий кўпайишининг пасайиб бориши ва мустакил ривожланиши даврида аҳолининг миграцион ҳаракатининг кўпайиши билан изоҳланади.

АҲОЛИНИНГ ДУНЁ БҮЙЛАБ ЖОЙЛАШУВИ ВА УНИНГ ОМИЛЛАРИ

✓ Ер шарида аҳоли яшаб келган масканлар, ареалларнинг кўпчилиги жуда қадимдан бошлаб шаклланиб келган. Дунё бўйлаб аҳолининг жойлашуви ҳақидаги дастлабки маълумотлар эрамиздан 5 минг йил олдинги даврга таалуккди бўлиб, ушбу даврда дунё аҳолисининг 66 фоизи (20 млн киши) Осиёда, 17 фоизи (5 млн киши) Африкада, 10 фоизи (3 млн киши) Европада, 3 фоизи (1 млн киши) МДҲ давлатларида, 3 фоизи (1 млн киши) Шимолий Америка ва Лотин Америкасида ҳамда 1 фоизи (0,5 млн киши) Австралия ва Океанияда жойлашган экан. Энг қадимги аҳоли масканлари инсон яшали учун зарур биологик ресурслар мавжуд шароитларда,

Осиёning жануби ва Шимолий Африкада, Ўрта дengиздан то
Тивъ океанингача бўлган худудларда жойлашган. Бу худудларда
аҳоли жуда узоқ вақт овчилик билан шуғулланган ва кейинчалик
жараёнлари кучайиб, аҳолининг овчилик билан яшами
учун имкониятлар қисқарип кетган.

✓ Эрамизнинг бошларида аҳоли аста-секин дәхқончилик ва чор-
вачилик билан шуғуллана бошлайди. Одамлар моддий неъматлар-
ни ўзлари месннат қилиб яратишга ўтадилар ва хўжалик юритиши-
нинг ишлаб чиқариш тури етакчилик қила бошлайди, улар маълум
жойларда ўтрок бўлиб яшашга, ўтадилар масканлар курадилар. Натижада аввал қишлоқ масканлари, кейинчалик эса шаҳарлар пайдо
була бошлайди. Аҳолининг турмуш тарзи, овқатланиши яхшилана
боради. Инсон хаётида ижтимоий ўзгаришлар содир бўлади, ёзув
шаклланади, фан ва тиббиёт, маданият ривожлана боради. Аҳолининг турмуш тарзи яхшилангач, юқорида қайд этилганидек,
ўлим ҳоллари камаяди, аҳолининг ўргача умр кўриш муддати ҳам
узаяди. Натижада ер куррасида аҳоли сони, аҳоли масканлари
купайиб боради. Аҳоли зичлиги, айниқса, дәхқончилик билан
шуғулланиш учун табиий имкониятлари мавжуд, сугориладиган
ерларда чорвачилик билан шуғулланиш имкони бор худудларга
нисбатан юқори бўлган. Масалан, Нил, Фурот, Дажла, Ганг, Хуанхэ
дарёлари ҳамда Ўрта дengиз соҳилларида эрамизнинг бошида аҳоли
зичлиги 1 km^2 га 10 кишини ташкил этган. Ана шу даврда кўчманчи
чорвачилик ривожланган Осиё ҳамда Африканинг чўл ва чалачўл
зоналарида аҳоли зичлиги 1 km^2 га 1 кишидан тўғри келар эди.

✓ Жамият тараққий этиб бориши, ишлаб чиқариш усусларининг
шаклланиши, жаҳон демографик вазиятида қатор ўзгаришларга
олиб келди. XIX-XX асрга келиб, ер юзи аҳолиси жуда юқори суръ-
атлар билан кўпая бориб, аҳолининг ер юзи бўйлаб жойлашувида
ҳам ўзгаришлар содир бўлди. Аҳоли зич худудлардан, айниқса, Ев-
ропадан Америка ва Океанияга кўплаб аҳоли кўчиб кетди. Милод-
нинг дастлабки йилларида сайёрамиз аҳолисининг 82,7 фоизи Ев-
ропа ва Осиё худудларида жойлашган бўлса, 2000 йилга келиб эса
бу кўрсаткич 15 фоизга камайди ва 67,7 фоизни ташкил этди. Аме-
рика, Австралия ва Океанияда истиқомат этувчи аҳоли хиссаси эса
дунё аҳолиси умумий сонида ортиб борди. Милоддан кейинги
1000 йилда дунёда 305 миллион аҳоли истиқомат этган бўлса,
унинг 63,9 фоизи Хорижий Осиёда, 14,8 фоизи Европада, 13,1 фои-

зи Африкада, 3,3 фоизи МДХ давлатлари ҳудудида, 4,6 фоизи Америкада ва 0,3 фоизи Австралия ва Океаниядага яшаган. 2000 йилдээ эса дунё аҳолиси 6 миллиард 55 миллионга етди ва унинг 59% фоизи Осиё, 8,4 фоизи Хоријий Европа, 13 фоизи Африка, 4,8 фоизи МДХ давлатлари, 14 фоизи Америка ва 0,5 фоизи Австралия Океаниядаги давлатларда истиқомат этганилар.¹

Кейинги минг йилликда Америка, Австралия ва Океаниядамда МДХ ҳудудларида яшовчи аҳолининг салмоғи 5 марта күпайган.

Шундай килиб, ҳозирги даврда ер юзи ҳудудлари бүйләп аҳоли нотекис жойлашган. Сайёрамизда аҳоли жуда зич (1 км^2 га 1000 киши) яшайдиган ҳудудлар билан бир қаторда аҳоли яшамайдиган ҳудудлар ҳам учрайди. Бу ерларда ҳаво ҳарорати жуда паст, сув йўқ ва бошқа сабаблар мавжуд. Бундай ҳудудлар ер шаридаги куруқликнинг 10 фоизини ташкил этади. Уларга Шимолий ва Жанубий кутблар, баландлиги 5000 метрдан зиёд тоглар ва саҳролар киради. Ер шаридаги куруқликнинг 50 фоизи эса аҳоли яшаси учун табиий шароит нокулай булиб, уларда аҳоли сийрак – 1 км^2 га 1 кишидан жойлашгандир. Ушбу ҳудудларга тундра, ўрмон-тундра, шимолий тайга, чўл, чалачўл ва нам экваториал ўрмонлар киради. Куруқликнинг 25 фоизида аҳоли зичлиги 1 км^2 га 1-10 кишини ташкил этиб, бу ерлар аҳоли нисбатан сийракроқ жойлашган. Ер шаридаги куруқликнинг қолган 15 фоизида эса аҳоли зичлиги 1 км^2 га 10 кишидан ошади.²

Ер шаридаги аҳоли яшайдиган асосий ҳудудлар 78° шимолий кенглик ва 54° жанубий кенглик орасида жойлашгандир. Ер юзида аҳоли энг зич жойлашган ҳудудлар жуда қадимдан санъат ва маданият марказлари булиб келган Жанубий, Жануби-Шарқий ва Шарқий Осиё, Шимолий Африкадаги дарё водийлари ҳамда Европадаги саноат марказлари булиб, улар ер шаридаги куруқликнинг бор-йуги 7 фоизини ташкил этади. Бу ҳудудда дунё аҳолисининг деярли 70 фоизи жойлашган.

Ер шаридаги аҳолисининг 4/5 қисми текисликлар ва 500 метргача бўлган баландликларда жойлашган ва бундай ҳудудлар ер юзидағи куруқликнинг 28 фоизини ташкил этади.³

¹ Смагин Ю.А. Территориальная организация населения. М., 2004. С. 45.

² Ўша асар, 46- бет.

³ Демографический энциклопедический словарь. М., 1985. С. 274.

2005 йил маълумотларига кўра, ер куррасидаги куруқликнинг инсон яшаси мумкин бўлган қисмида ўртача аҳоли зичлиги 1 km^2 га 48 кишидан тўғри келган. Агар аҳоли 1 km^2 га 50 кишидан тўғри келса аҳоли зичлиги юқори ҳисобланади.

✓ Аҳоли дунё китъалари бўйлаб ҳам жуда хотекис жойлашган. Маълумотларга қараганда XXI аср бошларида аҳоли зичлиги 1 km^2 га Осиёда 120 киши; Европада 123 киши; Африкада 29 киши; Америкада 22 киши; Австралия ва Океанияда 3,8 кишини ташкил этган.

8-жадвал

✓ Дунё аҳолисининг зичлиги (1 km^2 га тўғри келадиган кишилар сони)*

	1970 йил	1999 йил	2005 йил
Дунё бўйича	27	45	48
Африка	12	25	29
Америка	12	20	22
Осиё	75	113	120
Европа	94	98	123**
Австралия ва Океания	2	3.5	3.8
МДҲ давлатлари	11	13	13

* Народонаселение стран мира. М., 1974. С. 377.; Население и общество. Информационный бюллетень центра демография и экология человека института народохозяйственного прогнозирования РАН. Август, 1999. № 38; Население мира 2005. БМТ маълумоти.

** Россияиз.

***1970 йил сабиқ СССР худудидаги аҳоли зичлиги.

✓ Дунёда аҳоли энг юқори зичлиги Шарқий Осиёда жойлашган Хитой-Макаоси давлатида қайд этилади ва бу ерда аҳоли 1 km^2 га (2005 й.) 20 000 кишини ташкил этган. Аҳоли зичлиги бўйича Хитой-Макаосидан кейинги ўринларда Сингапур (7000 киши), Гонконг-Хитой (6181 киши), Мальта (1333 киши), Малдив ороллари (1000 киши), Бангладеш (981 киши), Фаластин (609 киши), Жанубий Корея (489 киши), Ливан (450 киши), Нидерландия (398 киши), Хиндистон (330 киши), Исландия (324 киши), Филиппин (279 киши), Вьетнам (245 киши), Буюк Британия (241 киши), Германия (231 киши), Италия (192 киши), Пакистон (200 киши), Нигерия (148 киши), Хитой (135 киши), Польша (118 киши), Индонезия (114 киши), Франция (109 киши), Туркия (92 киши), Испания (84 киши) ва Миср (73 киши) давлатлари туради.

✓ Аҳоли энг сийрак жойлашган давлатлар Монголия, Австралия, Канада булиб, бу давлатларда аҳоли зичлиги 1 km^2 га 2-3 кишини ташкил этади.

✓ Дунёда аҳолиси энг зич ва сийрак жойлашган давлатлар
(1 км² га киши)*

1975 йил			2005 йил		
№	Давлатлар	Зичлик	№	Давлатлар	Зичлик
<i>Аҳолиси энг сийрак жойлашган давлатлар</i>					
1	Гвиана (Франц.)	0.7	1	Гарбий Сахрои Кабир	0.1
2	Ботсвана	1	2	Намибия	2
3	Монголия	1	3	Гвиана (Франц.)	2
4	Намибия	1	4	Суринам	2
5	Ливия	1.5	5	Монголия	2
6	Мавритания	1.5	6	Ливия	3
7	Австралия	1.8	7	Мавритания	3
8	Габон	2	8	Ботсвана	3
9	Исландия	2	9	Канада	3
10	Канада	2.3	10	Исландия	3
<i>Аҳолиси энг зич жойлашган давлатлар</i>					
1	Мальта	950	1	Макао-Хитой	20000
2	Барбадос	568	2	Сингапур	7000
3	Бангладеш	533	3	Гонконг-Хитой	6181
4	Бахрайн	411	4	Мальта	1333
5	Мальдив ороллари	400	5	Мальдив ороллари	1000
6	Пуэрто-Рико	348	6	Бангладеш	981
7	Жанубий Корея	345	7	Барбадос	750
8	Нидерландия	333	8	Бахрайн	700
9	Мартиника	330	9	Фаластин	609
10	Бельгия	321	10	Морис	600

* Народонаселение стран мира. М., 1978; Население мира 2005. ЮНФПА 2005.

✓ Дунёда аҳоли сони күпайиб бориши билан мутаносиб, равишда унинг зичлиги ҳам ортиб боради. Чунончи 1920 йилда дунёнинг аҳоли яшайдиган қуруқлик кисмида ўртача 1 км² га 13 киши тұғри келген булса, 1950 йилда 18, 1983 йилда 34, 1999 йилда 45 ва 2005 йилда 48 кишини ташкил этган. Аҳоли зичлиги ортиб бориш жарайени дунёнинг барча худудларида ҳам содир бўлган.

✓ Европа – дунё қитъалари ичиде аҳолининг ўртача зичлиги энг юқори худуд хисобланади. XXI аср бошларида Европа аҳолисининг сони 728 млн. кишига етди (Европа худудида жойлашган МДҲ давлатлари аҳолиси билан бирга).

Милоднинг бошларига қадар Европада аҳолининг асосий кисми инсон яшашы ва қышлоқ хўжалиги билан шуғулланиши учун куляй табиий шароитга эга бўлган жанубий кисмида жойлашган

Лекин ўрта асрларга келиб, аҳоли жойлашувида табиий шароит эмас, балки ижтимоий-иқтисодий омил етакчилик қилди. Саноат техниканинг ривожланиши, шахар турмуш тарзининг кенг ёйилиши натижасида Европанинг шимоли-ғарбий ҳудудларида ҳам аҳоли зичлаша борди. XX аср иккинчи ярми ва XXI аср бошларида Европада жойташган Нидерландия (1 km^2 га 333–390 киши), Бельгия (1 km^2 га 320–321 киши) давлатлари дунёдаги аҳолиси зич жойлашган давлатлар қаторидан ўрин олди.

Европанинг шарқий ва шимолий ҳудудларида эса аҳоли сийрак жойлашган. Исландия Европанинг шимолий ҳудудида жойлашган давлат булиб, аҳоли зичлиги 1 km^2 га 3 кишини ташкил этади. Исландиянинг ичкари ҳудудларида аҳоли деярли яшамайди. Европанинг тоғли ва текислик ҳудудлари ҳам аҳоли зичлиги бўйича кескин фарқ қиласи. Текислик қисмидан аҳоли зич жойлашган. Денгиз сатҳида 1000 м. баландликда жойлашган жуда катта майдонни згаллаган қисмидан деярли ҳеч ким яшамайди.

Европада аҳоли энг зич жойлашган ҳудуд Рейн дарёси водий-сидир. Бу ер жуда ҳосилдор лёссимон тупроқлардан таркиб топган булиб, дәхқончилик ва чорвачилик билан шугулланиш учун жуда қулай. Шунингдек, Дунай дарёси водийси бўйлаб ҳам аҳоли зичлиги нисбатан юқори.

Европада урбанизация даражасининг юқорилиги шаҳар ва қишлоқ ҳудудлари аҳолиси зичлигини кескин фарқ этишига олиб келган. Уз навбатида қишлоқ жойларда ҳам аҳоли зичлиги фарқ қиласи. Масалан, Мальтада қишлоқ аҳолиси 1 km^2 га 100 кишидан ортиқ бўлган бир пайтда, Европанинг шимолий ҳудудларида аҳоли сийрак жойлашган. Чунки бу ерлар иқлими совук булиб, қишлоқ хужалигини ривожлантириш учун унчалик қулай эмас. Шундай бўлса-да Европада аҳоли зичлиги 1970-2005 йилларда 1 km^2 га 94 кишидан 123 кишига ошган (10-жадвал).

Осиёда дунё аҳолисининг энг асосий қисми яшайди. Шарқий Осиёда Япония, Хитой, Корея, Жанубий Осиёда эса Хиндистон, Покистон, Бангладеш каби давлатлар жойлашган булиб, улар дунёдаги аҳоли зичлиги бўйича энг юқори ўринларни згаллади. Осиё аҳолисининг асосий қисми Ҳинди-хитой яриморолида ва Индонезия оролларида жойлашган булиб, уларда аҳоли зичлиги 1 km^2 га 400-500 кишига тенг. Фарбий Осиёдаги Арабистон ярим оролида,

Марказий Осиёда, айниқса, Монголияда ахоли сийрак жойлашған булиб, 1 км² га 2-3 кишини ташкил этади.

10-жада

**Европа давлатларида ахоли зичлиги
(2005 й., 1 км² га тұғри келадиган киши)***

Давлаттар ва ҳудудлар	Ахоли зичлиги	
	1962 ы.	2005 ы.
<i>Шимолий Европа</i>		
Буюк Британия	219	244
Дания	108	126
Ирландия	40	59
Исландия	2	3
Латвия	34	35
Литва	44	52
Норвегия	11	14
Финляндия	13	15
Швеция	17	20
Эстония	27	29
<i>Гарбий Европа</i>		
Австрия	85	96
Бельгия	301	335
Германия	219	231
Лихтенштейн	-	187
Люксембург	124	167
Монако	-	10
Нидерландия	351	398
Франция	84	109
Швейцария	137	180
<i>Шарқий Европа</i>		
Белоруссия	40	47
Болгария	72	70
Венгрия	108	109
Молдавия	95	124
Польша	97	118
Россия	70	8
Руминия	79	91
Словакия	108	110
Украина	74	78
Чехия	108	129
<i>Жанубий Европа</i>		
Албания	60	110
Андорра	-	200
Босния-Герцеговина	-	76
Греция	64	83

жадвалнинг давоми

Давлатлар ва худудлар	Аҳоли зичлиги	
	1962 й.	2005 й.
Испания	61	84
Италия	167	192
Македония	-	77
Мальта	1096	1333
Португалия	98	114
Сан-Марино	-	500
Сербия ва Черногория	-	105
Словения	-	100
Хорватия	-	77

* Население мира. М., 1965. С.80, 85; ЮНФПА. Население мира 2005. БМТ маълумотлари.

✓ Осиёда дунё қишлоқ аҳолисининг катта қисми истиқомат этиб, улар қишлоқ хўжалиги, айниқса, дехкончилик учун кулагай ерлар - Хитойдаги йирик дарёлар, Ганг, Брахмапутра, Меконг водийларида, Кореяning жанубий қисми, Япония ва Ява оролларида жойлашган. Бу худудлар майдони $2,5$ млн. km^2 бўлиб, уларда тахминан 2 миллиарддан ортиқ аҳоли яшайди. Аҳоли зичлиги Ҳинд ва Ганга дарёлари водийларида, Хуанхэ ва Янцзи дарёлари дельталарида жуда зич бўлиб, 1 km^2 га 1000 - 1500 кишини ташкил этади.

✓ Осиё аҳолисининг $2/3$ қисми Хитой ва Ҳиндистон давлатларида жойлашган ва улар аҳоли сони буйича жаҳон давлатлари ичидаги биринчи ва иккинчи ўринда туради. 2005 йил маълумотига кура Хитоидаги 1 km^2 га ургача 135 киши тұғри келган; тог ва чул худудларида аҳолининг зичлиги 1 km^2 га 1 киши, денгиз соҳилиларидағы пасттекисликларда 1000 кишини ташкил этади.

Ҳиндистон худуди бўйлаб аҳоли нисбатан текисроқ жойлашган. 2005 йилда Ҳиндистон аҳолисининг зичлиги 1 km^2 га 330 кишини ташкил этган. 1975 йилда эса аҳоли зичлиги 182 кишини ташкил этган эди. Ҳиндистоннинг Ҳимолай худуди ва Тар чўлларида аҳоли сийрак жойлашган.

Индонезия худудида аҳоли бир хилда тақсимланмаган. Ява оролларида аҳоли зичлиги 1 km^2 га 1000 кишидан ортиқ бўлса, Калимантан ва Янги Гвинея оролларида бу қўрсаткич 1 кишини ташкил этади. Япония давлати ҳам дунёдаги аҳоли зич жойлашган худудларга киради. 1975-2005 йилларда Японияда аҳоли зичлиги 1 km^2 га 1000 кишини ташкил этган; тогли худудларда ва Хоккайдо оролида аҳоли сийрак жойлашган.

✓ Осиёда аҳоли доимий яшамайдиган тоғли ҳудудлар (Тибет, Ҳиндикүш, Ҳимолай тоғлари), чўллар ва чала чўллар (Руб-ал-Хали, Такла-Макон, Гоби чўллари, Даشت-Кабир) ҳам мавжуд Афғонистон, Сурия, Эрон, Туркия давлатлари ҳудудларида ҳам аҳоли жуда сийрак жойлашган, чунки бу жойларнинг табиий ўроити дәхқончилик учун унча кулай эмас ва аҳоли купрот кўчманчи чорвачилик билан шуғулланади.

✓ Осиёнинг 50 млн.дан кўп аҳолиси Вьетнам, Филиппин, Туркия, Эрон ва Таиланд давлатлари ҳудудида жойлашган бўлиб, уларда аҳоли зичлиги 1 km^2 га 60–80 кишини ташкил этади.

✓ Африка – инсон аждодларининг энг қадими масканлари шаклланган шу билан бир қаторда, аҳолиси ер шарининг бошқа қисмларига нисбатан жуда сийрак жойлашган ҳудуд. 1970–2005 йилларда Африка аҳолисининг ўртacha зичлиги 1 km^2 га 12 кишидан 29 кишига етган.

11-жадвал

✓ Осиё давлатларида аҳоли зичлиги
(2005 й., 1 km^2 га тўғри келадиган кишилар сони)*

Давлатлар ва ҳудудлар	Аҳоли зичлиги	
	1962 й.	2005 й.
Гарбий Осиё		
Озарбайжон	50	95
Арманистон	69	107
БАА	-	50
Бахрайн	-	700
Грузия	63-	6
Иордания	18	63
Ирек	16	59
Исроил	111	324
Қатар	-	64
Кипр	62	100
Кувайт	21	139
Ливан	177	450
Саудия Арабистони	4	12
Сурия	27	97
Туркия	37	92
Уммон	3	13
Фаластиин	-	609
Яман	27	38
Жанубий-Марказий Осиё		147
Афғонистон	22	44

Жафвалнинг давоми

Давлатлар ва худудлар	Аҳоли зичлиги	
	1962 й.	2005 й.
Бангладеш	-	981
Бутан	-	21
Кингизистон	12	26
Казакистон	4	6
Малдив ороллари	-	1000
Непал	68	168
Покистон	102	200
Тоҷикистон	16	46
Узбекистон	3,2	12
Әзбекистон	21	59
Индиштон	148	330
Сри-Ланка	-	297
Эран	13	41
Жаңа Шарқий Осиё		122
Бруней	-	67
Вьетнам	97	245
Фонезия	50	114
Камбоджа	32	72
Лаос	8	24
Малайзия	56	78
Мьянма (Бирма)	34	74
Сингапур	-	7000
Тимор	54	124 ✓
Филиппин	98	279
Шарқий Тимор	35	50
Шарқий Осиё		126
Гонконг-Хитой	-	6181
Южная Корея	269	487
Макао-Хитой	-	20000
Монголия	1	2
Тайвань	54	62
Хитой	70	135
Шимолий Корея	89	188
Япония	257	338

* Население мира. М., 1965, С.80; 86; ЮНФПА. Население мира 2005. БМТ маълумотлари.

✓ Африкада аҳолининг сийрак жойлашуви бир томондан, табиий шароитнинг қишлоқ ҳўжалиги учун кулаг эмаслиги, ичимлик ва сугориш учун сув танқислиги бўлса, иккинчи томондан, Африка давлатларининг жуда узок давр Европа давлатлари мустамлакаси бўлиб келганлигидир, чунки колония шароитида аҳолининг ижти-

моий-иқтисодий ривожланиши сөкін, үзіга хос боради. Ушбу жа-раён эса ахолининг табиий үсішига, умр күриш мұддатига салбай таъсир этади. Натижада ахоли сони сөкін күпаяді ва ахоли зічлигі ҳам шунга мос тарзда үзгәради. Жуда күп Африка давлатларида ахоли зічлигі 1 км^2 га 10 киши атрофида. Ахолининг энг юқори зічлигі Маврикий, Реюньон ва Виктория күли атрофида жойлаш-ған Руанда ва Бурунди давлатларида (1 км^2 га 400-450 киши), ахоли энг сийрак жойлашған ерлар эса Ботсвана, Ливия ва Намибия дав-латларида (1 км^2 га 1 киши) кузатилади.

✓ Африкада ҳам ахоли жойлашувида сув ресурсларининг асосий омил эканлиги яққол кузатилади. Нил дарёси водийларида, Гвинея құлтиғи, Тунис, Жазоир ва Марокашнинг соҳил бүйтарида ахоли зич ва аксингча, Сахрои Кабир, Калахари ва Ливия чүлларидан, шу-нингдек, тропик үрмөнларда ахоли жуда сийрак, баъзи чүлларда эса умуман, ахоли яшамайды.

✓ Африканинг баъзи худудларида, айниқса, шимолий қисмida, ахоли жуда нотекис жойлашған. Бу ерда ахоли энг зич жойлашған - Үрта деңгиз соҳиллари билан ахолиси жуда сийрак Сахрои Кабир чули мавжуд. Марокашнинг шимоли-гарбидан ушбу давлат ахолисининг 90 фоизи истиқомат этади ва ахоли зічлигі 1 км^2 га 200 кишидан ортиқ, жануби-шарқий қисмидаги төг ва чул худудларида эса ахоли сийрак жойлашған ва 1 км^2 га 1 кишини ташкил этади.

✓ Ахоли жойлашуви бүйті Нигерия Африкадаги үзіга хос худуд саналади ва бу ерда ахоли нисбатан бир текис жойлашған. 1962-2005 йилларда Нигерияда ахоли зічлигі 39 дан 148 га етди ёки 3 баробарга ошди. Ахоли энг зич жойлашған худуд - Нигериядаги Лагос агломерациясыдір. Миср давлатида эса ахоли жойлашуви анча нотекис; ахолининг асосий қисми Нил водийсіда яшаб, зічлик 1 км^2 га 1000 кишидан ортиқ. Қохира агломерациясыда ҳам ахоли зич жойлашған. Мисрнинг гарбий ва шарқий қисмларидан ахоли сийрак тарқалған. Эфиопия, Конго, Гамбиз, Комор ороллары, Руанда, Уганда каби давлатларда ҳам ахоли зічлигі 1 км^2 га 60-350 кишини ташкил этади.

12-жадвал

**Африка давлатларида аҳоли зичлиги
(1 км²га тұғри келадиган киши)***

Давлаттар да худудлар	Аҳоли зичлиги	
	1962 йил	2005 йил
Африка	-	29
Шығын Африка	-	18
Республика Сахрои Кабир	-	0.1
Ж	5	13
Ливия	1	3
Македония	28	68
Мал	27	73
Судан	5	16
Того	34	61
Шығын Африка		43
Бенин	28	65
Буркина-Фасо	-	50
Гамбия	31	136
Гана	30	89
Гвинея	13	37
Гвинея-Бисау	15	42
Кабо-Верде	61	125
Кот-д'Ивуар	8	52
Либерия	9	31
Мавритания	1	3
Мали	4	11
Н	2	10
Нигерия	39	148
Сенегал	17	55
Сьерра-Леоне	35	72
Того	27	98
Шығын Африка		40
Бурнунди	90	221
Жибути	-	30
Замбия	5	14
Зимбабве	18	32
Кения	15	56
Комор ороллари	86	350
Мадагаскар	10	30
Майотта	-	530
Малави	25	100
Мозамбик	9	24
Морис	-	600
Реюньон	142	320
Руанда	106	323

жадвалнинг давоми

Давлатлар ва худудлар	Аҳоли зичлиги	
	1962 йил	2005 йил
Сейшель ороллари	-	222
Сомали	3	13
Танзания	8	38
Уганда	29	108
Эритрея	-	37
Эфиопия	18	65
<i>Марказий Африка</i>		16
Ангола	4	11
Габон	2	5
Камерун	9	34
Конго	2	11
Конго Демократик Респ.	6	25
Марказий Африка Респ.	2	6
Сан-Томе ва Принсипи	-	200
Чад	2	7
Экваториал Гвинея	7	18
<i>Жанубий Африка</i>		20
Ботсвана	-	3
Жанубий Африка Респ.	14	38
Лесото	21	60
Намибия	-	2
Свазиленд	16	70

* Население мира. М., 1965. С.76; ЮНФПА. Население мира 2005. БМТ маълумотлари.

✓ Америка ҳам ер шаридаги аҳолиси нисбатан сийрак жойлашган худуддир. Бу ерда аҳоли зичлиги 1970-2005 йилларда 12 кишидан 22 кишига еттан ва аҳоли зичлиги буйича дунёдаги тутган ўрни Африкага якиндири. Шимолий Америкада аҳоли Жанубий Америкага нисбатан сийракроқ жойлашган. АҚШнинг Атлантика океани соҳилларида Род-Айленд, Нью-Жерси, Пенсильвания штатларида аҳоли зич жойлашган ва Фарбга борган сари аҳоли зичлиги камая боради. Миссисипи водийсидан сунг тоғли худудлар бошланади ва бу ерларда аҳоли жуда сийрак бўлиб, 1 км² га 1 кишидан тўғри келади. Тинч океани соҳилларида айнинса, Калифорнияда аҳоли зичлиги яна ортиб боради. Канадада ҳам аҳоли нисбатан сийрак жойлашган бўлиб, 1 км² га 3 кишидан тўғри келади. Ўзига хос томони жуда катта майдонни тайга ва тундра зоналари эгаллаган. Канада нинг шимолий кисми, арктик оролларда, АҚШ га тегишли Аляска ярим оролида ҳам аҳоли жуда сийрак жойлашган.

✓ Жану бий Америкада ҳам аҳоли асосан сув ресурсларига якин, океан соҳиллари бўйлаб жойлашган. Бразилияning Сан-Пауло штатида ва шарқий қисмида, Парана пасттекислигига аҳоли нисбатан зичрок жойлашган бўлиб, 1 км² га 50-55 кишини ташкил этади. Караб денизин ороллари ва Бермуда оролларида ҳам аҳоли зич 1 км² га 300-400 кишидан ортик. Амазонка водийсининг тропик ўрмонлар ва ботқокликлар билан қопланган қисми, баланд Анд тоғлари ва Атакама чўлида эса аҳоли деярли яшамайди.

✓ Аҳоли жойлашуви бўйича Лотин Америкаси демографик вазиятида XX-XXI асрларда кескин ўзгариш бўлган. Ушбу даврда Лотин Америкаси аҳолиси деярли 8 баробарга кўпайган. 1900 йилда мазкур худудда 65 млн. аҳоли яшаган бўлса, 2005 йилда аҳоли сони 530 млн.дан ошиб кетган ва бу кўрсаткич сайёрамиз аҳолисининг 8,8 фоизини ташкил этган Мазкур худудда аҳоли кўпайиши билан унинг зичлиги ҳам ортиб борган; 2005 йилда Лотин Америкаси ва Кариб ҳавзаси давлатларида аҳоли зичлиги 1 км² га 29 кишини ташкил этган.

✓ Шимолий Америкада эса АҚШ ва Канада давлатлари жойлашган бўлиб, уларда аҳоли зичлиги 1 км² га 2005 йилда 17 кишини ташкил этган. Бу кўрсаткич мос равишда Канадада – 3, АҚШда – 31 кишига етган. Америкада аҳоли энг зич жойлашган давлатлар қаторига Барбадос, Пуэрто-Рико, Сальвадор, Ангил ороллари киради.

✓ Океания ва Австралия аҳоли зичлиги бўйича дунёда энг охириги ўринда туради ва 1970-2005 йилларда бу ерда аҳоли зичлиги 1 км² га 2 кишидан бор-йуғи 3,8 кишига етган холос. Лекин материкнинг ичига аҳоли жуда хотекис жойлашган. Океания оролларида аҳоли зичлиги нисбатан юкори.

13-жавадал

✓ Америка давлатларида аҳоли зичлиги (1 км² га туғри келадиган киши)*

Давлатлар ва худудлар	Аҳоли зичлиги	
	1962 йил	2005 йил
Шимолий Америка	-	17
АҚШ	20	31
Канада	2	3
Лотин Америкаси ва Кариб ҳавзаси давлатлари		
Марказий Америка		
Белиз	-	13

жадвалнинг давоми

Давлатлар ва худудлар	Аҳоли зичлиги	
	1962 йил	2005 йил
Гватемала	37	116
Гондурас	17	62
Коста-Рика	25	82
Мексика	19	54
Никарагуа	11	43
Панама	6	42
Салвадор	123	319
<i>Карип ҳаёзаси давлатлари</i>		166
Антигуа ва Барбуда	-	250
Антил ороллари (Нидер.)	250	250
Багама ороллари	10	21
Барбадос	-	750
Гаити	157	289
Гваделупа	162	235
Гренада	-	333
Доминикана Респ.	66	180
Куба	62	102
Мартиника	270	363
Пуэрто-Рико	276	433
Сент-Висент ва Гренада	-	250
Сент-Кристофер ва Невис	-	125
Тринидад ва Тобаго	174	260
Ямайка	150	236
<i>Жанубий Америка</i>		20
Аргентина	8	13
Боливия	3	8
Бразилия	9	21
Венесуэла	9	29
Гвиана (Франц.)	0,3	2
Колумбия	13	40
Парагвай	5	14
Перу	9	21
<i>Суринам</i>	-	2
<i>Уругвай</i>	16	19
Чили	11	21
Эквадор	17	47

* Население мира. М., 1965. С.87; ЮНФПА. Население мира 2005. БМТ маълумотлари.

Гуам оролларида аҳоли зичлиги 1 км^2 . га 200 кишидан ортиқ бўлса, Фарбий Самоада – 50 кишидан ортиқдир. Океания худудида 25 та мустақил ва қарам давлат жойлашган. Лекин, 90 фоиздан кўп аҳолиси асосан уч давлат – Австралия (19,4 млн.киши), Папуа-Янги

Гвинея (5,0 млн.киши) ва Янги Зеландия (3,9 млн.киши) да жойлашган.

✓ Австралия – дунёдаги аҳоли энг нотекис жойлашган давлат булиб, унда бутун худуд аҳолисининг 2/3 қисми истиқомат килади ва майдони эса худуд майдонининг 10 фоизини ташкил этади.

✓ Австралияда аҳоли унинг Шаркий, Жануби-Шаркий ва Жануби-Ғарбий қисмиди, Янги Жанубий Уэльс, Виктория ва Квинсленд штатларида зич жойлашган. Бу худудларда Австралиянинг 90 фоиздан кўп аҳолиси истиқомат этади. Аҳоли зичлиги 1 км² га 20 кишидан тўғри келади. Австралия бўйича ўртacha аҳоли зичлиги эса 1 км² га 2 кишини ташкил этади. Марказий ва Шимолий Австралияда жойлашган чўл худудларида маҳаллий туб аҳоли- австралиялик аборигенлар яшайдилар. Улар сон жиҳатдан жуда кам булиб, зичлик ҳам нисбатан пастдир. Шунингдек, Янги Гвинеяниң жанубий қисмida ҳам аҳоли сийрак жойлашган. Чунки бу худудлар майдонида ҳам табиий шароит инсон яшаши учун ноқулай булиб, тропик ўрмонылар ва боткоқликлардан иборат.

14-жадвал

Австралия ва Океания давлатларида аҳоли зичлиги (1 км² га тугри келадиган киши)*

Давлатлар ва худудлар	Аҳоли зичлиги	
	1962 йил	2005 йил
Австралия	1	3
Вануату	-	17
Дом	121	333
Китобати	-	125
Мосхалли ороллари	-	500
Микронезия	-	143
Нору	-	500
Пакистон	-	40
Папуа-Янги Гвинея	6	12
Самоа	41	67
Соломон ороллари	-	3
Тонга	95	125
Тувалу	-	500
Фиджи	23	44
Франция Полинезияси	20	77
Лити Зеландия	9	15
Янги Каледония	4	10

* Население мира. М., 1965. С.87; ЮНФПА. Население мира 2005. БМТ маълумотлари.

МДХ давлатлари аҳолиси ҳам бир текис жойлашган. Россия-дунёдаги аҳоли сийрак жойлашган давлатлардан хисобланади. Бу ўлкада аҳоли сони кўп бўлса-да, бироқ ҳудуди ҳам катта (17095 минг кв.км.), у дунё қуруқлик қисмининг 12,7 фоизини ташкил этади. Аҳолиси асосан гарбий ва жанубий қисмларида истиқомат қилади. Россияда табиий ўсиш жуда суст бўлганидан, аҳоли секин кўпайган. Ушбу жараёнга мос равишда аҳоли зичлигида ҳам кескин ўзгариши сезилмайди. 1962–2005 йилларда аҳоли зичлиги 1 km^2 га 7 кишидан 8 кишигача етган холос. Буни дунё давлатлари билан таккослаганда энг паст кўрсаткич саналади.

✓ МДХ давлатлари аҳоли зичлиги бўйича бир-биридан фарқ қилади. Аҳолиси энг зич давлатларга (1 km^2 га 50 кишидан ортик) Молдавия (124 киши 1 km^2 га), Украина (129 киши 1 km^2 га), Арманистон (107 киши 1 km^2 га), Озарбайжон (95 киши 1 km^2 га) киради. Мазкур давлатларда инсон яшаси учун табиий шароит жуда қулай. Қирғизистон (26 киши 1 km^2 га), Тожикистон (46 киши 1 km^2 га) ва Узбекистон (59 киши 1 km^2 га) Республикаларида аҳоли зичлиги ўртacha мавқени ташкил этади. МДХ давлатлари таркибида аҳолиси энг сийрак жойлашган давлатлар қаторига Туркманистон (12 киши 1 km^2 га) ва Қозоғистон (6 киши 1 km^2 га) киради. Ушбу давлатлар ҳудудининг асосий қисми чўллардан иборат бўлиб, табиий шароити инсон яшаси учун анча нокулайдир.

✓ Аҳолининг ер юзи бўйлаб жойлашуви қатор омиллар билан боғлиқ. Уларга табиий шароит ва аҳоли манзилгоҳлари шаклнининг тарихий хусусиятлари, демографик ўтишининг ҳозирги босқичи, ривожланиш даражаси ва хўжалик таркиби каби ижтимоий-иктисодий омилларни киритиши мумкин. Аҳолининг жойлашувида энг асосий омил бу табиий шароитдир. Дунё аҳолисининг асосий қисми инсон яшаси учун қулай табиий шароитга эга бўлган мўтадил, субтропик ва тропик иқлим зоналарининг қишлок хўжалиги билан шугулланиш имконияти бор ҳудудларида жойлашган.

✓ Аҳоли жойлашувида асосий табиий омил бу – сув ресурсларидир. Чунки инсоннинг яшаси ва хўжалик юритишида сув энг зарур. Дунё аҳолисининг $1/3$ қисми дунё океани соҳиллари бўйлаб (океандан 50 км узоклиkkача) жойлашган ва мазкур ҳудуд дунёдаги қуруқликнинг 12 фоизини ташкил этади холос. Дунё аҳолисининг яриидан кўли эса океандан 200 км узоклиkkача бўлган ҳудудда

жойлашган. Ер шари бүйича дунё океани соҳилларида, дарё водий-тирадаги пасттекисликларда яшовчи аҳоли салмоғи мунтазам ошиб бормоқда. XX аср охири – XXI аср бошларида дунё китъаларининг барчасида аҳолининг 42-73 фоизи денгиз сатҳидан 200 м баланд булган пасттекисликларда жойлашгани аниқланди.

Океан ва денгиз соҳиллари, дарё водийларида пасттекисликларда жойлашган аҳоли салмоғи дунё аҳолисининг таркибида мунтазам ортиб бормоқда. Бу ҳол сув ресурсларининг инсон ҳаёти учун нақадар муҳимлиги билан боғлиқдир. Аҳоли манзилгоҳларининг шаклланишида денгиз ва океанлар муҳим аҳамият касб этади, Чунки қадим замонлардан бошлаб, инсонлар дарё водийлари, денгиз ва океан соҳилларида унча узоқ бўлмаган жойларда масканлар курганилар, кишилоқ ва шаҳарлар ривожланиб борган. Денгиз ва океанлар ўз бойликлари билан аҳолининг катта кисмини бокиб келган. Шунингдек, улар алоқа ўринатишда муҳим вазифа бажарган. Натижада денгиз орқали кўчишлар материкларнинг ички қисмларида ҳам аҳоли манзилгоҳларининг шаклланишига олиб келган, меҳнат таҳсимоти содир бўлган, ирклар пайдо бўлиб, миллатлар ассимиляцияси (аралашиб кетиши) жараёни кенгайиб борган.

Денгиз миграцияси халклар шаклланишига алоҳида хизмат кўрсатган. Бунга Америка халқи яққол мисол була олади. Уларнинг этник компонентларининг шаклланишида Европа ва Африкадан сув орқали аҳолининг Америкага кириб келиши асосий омил бўлган.

Америкаликлар этногенезида инглиз-саксонлар этник компонентларининг ролини алоҳида таъкидлаш лозим, чунки америкаликларнинг инглиз тилини, инглиз урф - одатлари ва жамият тизимларини қабул килишининг асосий сабаби ҳам иммиграция оқимларининг Европадан доимий равишда турли тарихий даврларда мавжудлиги, натижада Атлантиканинг гарбий қирғоғида 13 та инглиз колониясининг ташкил топганлиги бўлди. Кейинчалик эса улар бирлашиб, Америка давлатининг шаклланишида ўз аксини топди. Миллатларнинг ташкил топишида йил давомида узлуксиз мавжуд сув йўлларидан ташқари, қишида сув музлаб, куруқлик билан боғлайдиган “муз кўприкларининг” пайдо булиши ҳам алоҳида роль ўйнаган (масалан, саамларнинг айниқса, финларнинг Швеция шимолини Ботника қўлтиғи музлаган пайтда забт этишгани).

Ер шари бўйлаб аҳоли жойлашиши XX асрнинг ўрталарида поляк олими И.Сташевский томонидан ҳисоблаб чиқилди. У статистик-демографик ва картографик маълумотлар асосида ҳар битта алоҳида давлат ва ер юзининг барча китъалари учун дengиздан ичкарига маъдум бир масофада қанча одам яшашини ҳисоблаб чиқди. Мазкур ҳисоблар натижасида, дengиздан 50 км, 50-200 км, 200-500 км, 500-1000 км, 1000 км дан узокда деган градацияларга ажратилган дengизнинг ва одамларни қай даражада ўзига тортиш кучига эга эканлигини таҳлил қилиш учун имконият яратилган.

15-жадва

XX аср охирида дунё аҳолисининг баландлик зоналари бўйича жойлашуви*

Материклар	Дengиз сатҳидан баланд зоналарда жойлашган аҳоли салмоғи, фоизда					
	200 м. гача бўлган текис-ликларда	200-500 м.бўлган баланд-ликларда	500-1000 м. бўлган паст тогларда	1000-2000 м. бўлган ўртача баланд-ликларда	2000 м. дан ба-ланд-ликларда	Жами
Европа	69	24	7	0	0	100
Осиё	56	24	12	7	1	100
Африка	32	24	21	21	21	100
Шимолий Америка	47	33	8	8	4	100
Жанубий Америка	42	15	23	9	11	100
Австралия ва Океания	73	18	8	1	0	100
Жами қурукликларда (Антарктида ва Гренландиядан ташкири)	56	24	12	7	1	100

*Максаковский В.П. Географическая картина мира. Ч.1. Ярославль: Верхне-волжское издательство, 1996; Симагин Ю.А. ТERRITORIALНАЯ ОРГАНИЗАЦИЯ НАСЕЛЕНИЯ. М., 2004. С.48.

Дengиздан 50 км гача бўлган масофа, ҳозирги транспорт воситаларини ҳисобга олганда, dengiz бўйи аҳоли манзилгоҳлари зонаси дейилади. Жаҳон аҳоли масканларидан қўп қисми, шу жумладан, йирик шаҳарларнинг ҳам асосий қисми шу зонага тұғри келади.

Денгиздан 50-200 км. масофада жойлашган аҳоли манзиллари қирғок билан бевосита боғланган жойлар дейиллади ва улар қирғок билан бевосита иқтисодий боғланган бұлади. Үндаги аҳоли масканлари жойлашиши қирғок бүйінга үшшамаган бұлса ҳам (чунки қирғок бүйінде шаҳарлар, қышлоқтар қирғоқнинг конфигурациясига қараб жойлашади), хұжалик жиҳатдан бу ердаги аҳоли дengizning таъсирини ҳар куни сезіб туради.

Уңдан кейинги масофаларда (зоналарда), дengиздан узоклашган сары уннинг таъсири аста-секін камайіб боради.

Аҳоли жойлашишига қыттыларнинг мавжудлиги, навигация күлайлігі, материкнинг қайсы қирғоғыдан қай бир дengизге чиқиши мүмкінлігі мұхым аҳамият касб этади (масалан, Россиянинг шимолий қирғоқларидан артика дengизларига чиқиши мұхым аҳамият касб этса-да, лекин мазкур дengизлар йил бүйі тұлық ишламасдан, балки мавсумий, асосан, баһордан қысқа навигация учун яроқлидір. Американың шимолий қирғоқлари, Канада архипелаги ороллари ҳам худди шундай ҳолатта зға; қирғоқлари камроқ емірілген).

Африкада бевосита қирғоқларда яшовчи аҳоли барча аҳолининг 1/5 қисмини ташкил қылады, мамлакат ичкарисида эса аҳолининг 1/3 қисми яшайды, чунки мамлакат ичкарисининг күп жойлары аҳоли яшашы учун қулай. Қирғоқлари эса күпроқ емириліб, әгри-бүгри булиб қолған.

Европада аҳолининг 2/3 қисми 200 км масофагача бұлған дengиз бүйларыда яшашади.

Осиё қитъасининг шарқий қисмидеги катта худудда (Япония, Филиппин, Хитойнинг шимоли – шарқий қисми, Ҳиндистон ва Бангладешнинг жанубида одамларнинг зичлиги жуда юқори 1000-1500 киши). Ушбу мамлакаттар ҳисобига Осиёда дengиздан 200 км.гача бұлған масофада аҳолининг катта қисми яшайды.

Шимолий Америкада ҳам океандан 200 км.гача бұлған масофадаги ерларда, асосан Атлантика бүйі ҳисобига, аҳолининг 1/2 қисмидан күпроги яшайды. Жанубий Америка аҳолисининг 2/3 қисми (Бразилия, Уругвай, Аргентина), Австралия аҳолисининг 4/5 қисми дengиз ёқасида яшашади. Океания ороллари давлатлари аҳолисининг аксарияти ҳам дengиз бүйінде күн күради.

Хозирғи вактда дengиз бүйінде 200 км.гача бұлған масофада жағон аҳолисининг қарийб 60 % гача қисми яшайды. Ушбу жой

куруқлик майдонининг атиги 1/5 қисмини ташкил қилади, аҳоли зичлигиги эса 1 км² га 80 киши. Бу ер шари аҳолиси зичлигидан 3 биробар кўп демакдир. Кўриниб турибдики, одамлар қадимдан океан бўйларига, дengиз ёқаларига келиб ўрнашганлар, чунки инсонни яшаш учун кулай бўлган дарё ҳамда дengиз ёқаларига интилган.

Жаҳондаги энг йирик миллионер ва мультимиллионер (аҳолиси 3 млн.дан ортик) шаҳарларнинг асосий қисми ҳам бевосита дengиз ёқасида ёки дengизга яқин жойда жойлашган.

Хозирги пайтда жаҳонда 136 та мамлакатнинг пойтахти дengизга чиқиши имкониятига эга ёки ҳаётি дengиз билан бевосита боғланган. Шуларнинг 80 таси бевосита дengиз бўйида ёки дengиз эстуарияси (дарёнинг дengизга куйилиш жойи) да жойлашган. Ушбу пойтахтларга дengиз кемалари бемалол кириб кела олади. Жаҳоннинг 11 та пойтахти бевосита дengиз бўйида жойлашган. Кўпгина пойтахт шаҳарлар авваламбор порт шаҳарлар вазифасини ўтаб, улар ўз вақтида мустамлака қилувчи давлатларнинг муҳим таъянч базаси булиб хизмат қилган; кейинчалик эса пойтахти шаҳарларга айланган (масалан, Хиндистоннинг биринчи пойтахти Калкутта, Африкадаги жуда кўп ривожланган давлатларнинг пойтахтлари ҳам дарё эстуарияларида (куйилиш жойида) ёки булмаса дengиз ёқасида жойлашган Лондон, Буэнос-Айрес, Монровия).

Шимолий Американинг шаркий кирғоқлари бўйлаб аҳоли масканларининг жойлашиши эса ўзига хос, яъни мазкур 1000 км масофада Бостондан-Вашингтонгача чўзилган оралиқ бир-бири билан боғланниб кетган шаҳарлар агломерацияларини ўз ичига олади. Бу жойлар урбанизациялашган ва унда 50 млн.га яқин одам яшайди. Географик адабиётларда ушбу минтақани Бос-Ваш мегалополиси деб номлаганлар. Американинг бу кирғоқ қисми бутунлай кўчиб келганлар ҳисобига ўзлаштирилган. Масалан, Америкага кўчиб келган ҳар учта одамнинг биттаси Нью-Йорк орқали мамлакат ичкарисига ўтган. Кирғоқ бўйидаги миллионер шаҳарлар ва уларнинг агломерациялари (Нью-Йорк, Филадельфия, Бостон, Балтимор, Вашингтон ва ҳ.к.). Мана шу узунлиги 1000 км га чўзилган кирғоқ минтақаси (фараз қилинг тахминан Тошкентдан то Термизгача оралиқда) бир-бирига уланиб кетган шаҳарлар ва қишлоқлар, аэропортлар, омборлар, портлар, кемалар тўхтайдиган бандарлардан иборат.

Американинг ғарбий Тинч океани кирғок минтақасидаги ахоли масканлари эса бошқача жойлашишга эга. Маълумки, Американинг Тинч океани кирғоги шарқий кирғоқдан 300 йил кейин ўзлаштирила бошлаган ва аҳолининг жойлашиши мазкур кирғоқ қисмда ҳар жой-ҳар жойга тұғыр келади, яъни шарқий кирғоққа ўхшаш узлуксиз әмас.

Бу минтақада пайдо бүлган шаҳарлар бир-биридан минглаб километр узокда. Кейинчалик Панама каналининг қурилиши ва бу ерларда электроника, космик ракета, самолётсозлик саноатининг ривожланиши туфайли Сан-Франциско-Лос-Анжелес мегалополиси пайдо бүлди. Географик адабиётларда буни Сан-Сан мегалополиси деб аташмокдалар.

Кирғоқ бүйлаб چүзилған Лос-Анжелес шаҳри ҳозирги кунда катталиги жиҳатдан Американинг иккинчи шаҳри ҳисобланади. Демак, Американинг Атлантика ва Тинч океани кирғоқлари бүйлаб ахоли масканларининг жойлашиши ва ривожланиши, океан ва денгиз қирғоқларининг қиёфаси, иқлим шароити, табиий ресурслари, шаҳар қуриш учун яроклилiği, кулай күлтиқтарнинг мавжудлиги каби омиллар билан бевосита болғылқиди.

Маълумки, Япония аҳолисининг 4/5 қисми кирғоқ бүйі паст текисликларида истиқомат қилишади. Тинч океанига қараган Канто текислигига ахоли жуда зич жойлашған. Япониянинг энг катта миллионер шаҳарлари Токио, Йокогама, Кавасаки, Тиба ва бошқалар ушбу текислиқда пайдо бүлган ва ривожланған. Умуман, Япония харитасига назар ташласак, унинг ҳамма йирик шаҳарлари океан кирғоқларида жойлашған бўлиб, Токайдо мегалополисини ташкил қилишади. Оролларнинг ички қисми асосан тоғлардан иборат бўлиб, ахоли жуда зич сийрак жойлашған.

✓ Осиё китъасининг шарқий кирғоқлари ҳам текисликлардан иборат. Ушбу текисликларда Хитой аҳолисининг асосий қисми, энг йирик шаҳарлари жойлашған.

✓ Индонезия оролларидағи ахоли масканларининг жойлашиши эса жуда турли-тумандир, чунончи, Ява ороли дунёдаги аҳолиси энг зич орол ҳисобланади. Бу ерда жуда йирик шаҳарлар билан бир қаторда, зич жойлашған, бир-бири билан туташиб кетган кишлоқ ахоли масканлари ҳам мавжуд.

Жанубий Осиёда Ҳиндистон ярим ороли дengiz қирғоқларида ахоли зич жойлашған иккита минтақа бор: биринчиси -

Ҳиндистоннинг Бенгалия штати, ўз вақтида, бу ерда Ҳиндистоннинг биринчи пойтхати мустамлакачилик пайтида таянч марказ бўлган Калкутта жойлашган ва у ҳозир дунёдаги энг йирик шаҳар агломерацияларидан биридир; иккинчиси - асосан кирғоқ буйи текисликларидан иборат Ганга ва Браҳмапутра дарёларининг irmoқлari окиб ўтувчи Бангладеш Республикасидир.

Африкада аҳоли масканлари асосан, унинг шимолий қисмида, айниқса Нил дарёси дельтасида жойлашган. Шаркий Африка кирғоқларида эса аҳоли зич жойлашган учта ареал мавжуд (Ҳинд океани кирғоги, Ички Нигерия ва Африка Буюк кўллари атрофи).

АҲОЛИНИНГ ТАКРОР БАРПО БЎЛИШИ

Жамиятда инсонларнинг кўпайиб, янгиланиб туришини таъминловчи туғилиш, ўлим ва табиий ўсиш жараёнларининг йиғиндиси аҳолининг такрор барпо бўлиши дейилади¹. Аслида туғилиш, ўлим, табиий ўсиш асосан биологик жараёнлар бўлса-да, лекин улар қатор ижтимоий, иқтисодий, табиий-биологик ва демографик омиллар таъсирида шакланади. Мазкур омилларнинг ҳар бири ўз навбатида ижтимоий ҳаётнинг турли қирраларини қамраб олади.

Ижтимоий-иқтисодий омиллар: ишлаб чиқариш муносабатларининг хусусиятлари, ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланиши, аҳолининг турмуш тарзи, маълумотлилик ва маданият даражаси, аёлларнинг ижтимоий ҳаётда тутган ўрни, бандлиги, дин, урфодат ва қадриялар.

Табиий-биологик омиллар: табиий шароит, табиий оғатлар, эркак ва аёл организмининг ташки муҳитга мослашиш даражаси, иқлим ва унинг жинсий етукликка, фарзанд кўриш даврига, турли эпидемия ва касалликларга таъсири.

Демографик омиллар: аҳолининг ёш-жинсий таркиби, никоҳ ва ажralиш жараёнлари. Агар аҳоли таркибида ёшлар салмоғи юкори ва жинсий мутаносиблик бўлса, никоҳга кириш, яъни оилалар пайдо бўлиши учун демографик имконият мавжуддир. Бу ҳол, ўз навбатида туғилишга ижобий таъсир этади. Аксинча, аҳоли таркибида қариялар салмоғи юкори бўлса, туғилиш камайиб, ўлим ҳоллари кўпаяди.

¹ Капылов В. А. География населения. М., 1999. С. 24.

Аҳоли тақрор барпо булишининг икки тури мавжуд.

I тур – аҳоли тақрор барпо булишининг қисқарған тури. Бу турдаги авлодлар алмашинуви жараённида аҳоли сони күпаймайди, чунки туғилғанларга нисбатан ўлғанлар сони юқори бўлади.

II тур – аҳоли тақрор барпо булишининг кенгайған тури, бунда, аксинча, туғилғанлар сони ўлғанлар сонидан юқори бўлади ва натижада кейинги авлод вакилларининг сони олдинги авлод вакиллари сонидан кўп бўлади. Бундай ҳолда аҳоли мунтазам кўпайиб бора беради.

Жамиятда авлодлар алмашинуви, аҳоли сонидаги ўзгаришлар туғилиш ва ўлим жараёнларига бевосита боғлиқдир. Туғилиш ва ўдимнинг ўзаро фарқи эса аҳолининг табиий ўсишини белгилайди.

Юқорида қайд этилганидек, кейинги 20-30 йил давомида дунё аҳолисининг кўпайиш суръати анчагина секинлашди. Бу жараённинг асосий сабаби сайёрамиздаги қатор давлатларда туғилишнинг камайиб боришидир ва у тарихий жараён бўлиб, ҳар бир халқнинг ижтимоий-иктисодий тараққиёт даражаси билан боғлиқ. Маълумки, инсоният ўз тараққиётни давомида бир неча ижтимоий-иктисодий босқичларни босиб ўтган.

Туғилиш даражаси жамият тараққиётининг ҳамма босқичларида ҳам бир хил бўлавермаган. Капиталистик формация-гача мавжуд бўлган даврларда туғилиш биологик характерга эга бўлган, яъни чекланмаган. Кўпболалик ҳолати жамият томонидан кувватланган. Буни ҳозирги жамият тараққёти босқичида яшаб тасаввур қилиш қийин. Масаланинг туб моҳиятига назар ташланса, бу ўтмиш замонлардаги ижтимоий-иктисодий тараққиётни билан бевосита боғлиқдир. Қулдорлик даврида ҳам, феодализмда ҳам кўпболаликсдан ҳар бир оила ва шу билан бирга жамият ҳам манфатдор эди. Нега шундай? Энг аввал оиласда боланинг иктисодий ўрни нисбатан юқори эди. Кўпгина мамлакатларда оиласа юму шларида, хунармандчилликда, дехқончиликда ва чорвачиликда болалар меҳнатидан фойдаланилган. Оиласда иктиносидий даромаднинг бир қисми бевосита болаларнинг меҳнати орқали яратилган. Демак, бола меҳнати миллий даромаднинг маълум улушкини ташкил этгани сабабли, у жамият томонидан кўллаб-куватланган. Ҳатто, баъзи давлатларда, масалан, Россияда дехқонларга ишлаш учун бериладиган ер ҳам болалар сонига қараб тақсимланарди. Бундай шароит-

да ҳар бир оила болалар сонини күпайтиришдан манфаатдор бўлган.

Капиталистик ишлаб чиқариш усулининг вужудга келиши билан саюот тез ривожлана бошлади, янги-янги шаҳарлар пайдо бўлди. Кўпчиллик аҳоли иш қидириб, қишлоқдан шаҳарга кўчиб кела бошлади. Шаҳар аҳолисининг ўсиб бориши натижасида бир томондан, шаҳарларда тураржой, озиқ-овқат муаммолари келиб чиқкан бўлса, иккинчи томондан, фан-техника тарақкий этиб, ишсизлик вужудга келди. Учинчидан, капиталистик ишлаб чиқаришда аёллар ва болалар меҳнатига жуда кам ҳақ тўланар эди. Жамиятда бундай ўзгаришлар оиласа болалар сонини чеклашга, туғилишнинг қисқаришига олиб келди. Аҳолисининг асосий қисми шаҳарларда яшовчи Европа мамлакатларида туғилиш айниқса камайиб кетди. Масалан, Англияда 1850 йилларда аҳолининг 50 % шаҳарларда яшаган ва ҳар минг киши ҳисобига туғилган болалар сони ўртача 32,6 % ни ташкил қилган бўлса, ҳозирги аҳолининг 80 % га яқини шаҳарларда яшайди ва ҳар минг кишига нисбатан туғилган болалар сони 10 тани, яъни 10 промиллени¹ ташкил қиласди. Масалан, Францияни олиб қарайдиган бўлсақ, бу мамлакат-да 1850 йилдан то ҳозиргача шаҳар аҳолиси 25,5 % дан 74 % га кўпайди. Ҳар минг киши ҳисобига туғилган болалар сони эса 26,2 дан 13,7 гача (ёки 26,2 % дан 13,7 % гача) камайди. Германияда эса, аҳолининг 94 % шаҳарларда истикомат қиласди, туғилиш кўрсаткичи 9 % ни ташкил этади холос ва дунёда туғилиш энг кам давлатлардан ҳисобланади.

Ер юзида туғилишнинг камайиши жаёни, асосан, XVIII асрнинг иккинчи ярмида Фарбий Европа давлатларида бошланиб, кейинчалик бу китъанинг бошқа мамлакатларига, ундан сўнг эса АҚШ, Канада, Австралия ва Японияга тарқалди. Айниқса, иктисадий жиҳатдан тарақкий этган давлатларда туғилиш тез камая бошлади. Ушбу давлатларда 1750–1800 йилларда ҳар минг киши ҳисобига 35–38 та бола туғилган бўлса, 1970–1990 йилларда бу кўрсаткич 15–16 ни, 2005 йилда эса 9–10 тани ташкил қиласди. Бошқача килиб айтганда, туғилиш 3 мартадан кўпроқ қисқарган. Энди ана шу давлатлар билан ривожланаётган мамлакатлардаги туғилишни қиёслайдиган бўлсақ, бошқача аҳволнинг гувоҳи бўламиз. Уларда

¹ Туғилиш, ўлим, никоҳ ва ажralиш каби демографик жараёнларни ўрганишда, уларни турли давлатлар, ҳалкларда, ҳудудлар доирасида таққослаш учун мазкур жараёнларни ҳар 1000 та аҳолига нисбатан олинади ва промилле сўзи ёки % белгиси билан ифодаланади.

1750–1790 йилларда ҳар минг киши ҳисобига 40–42 тадан бола туғилган ва 1970–1990 йилларда эса ҳар 1000 киши ҳисобига туғилган бола 30–34, 2005 йили эса 20–25 тани ташкил қилган. Демак, ривожланётган давлатларда туғилишнинг камайиши нисбатан олиб караганда анча секин борган. Ҳозирги даврда туғилиш ер юзи бўйлаб бир хил эмас.

16-жадвалда келтирилган маълумотларга кўра, дунё қитъалари бўйлаб энг юкори туғилиш Африкада, энг гости эса Европа давлатларида кузатилади.

Сайёрамизда туғилишнинг ҳудудлар бўйлаб фарқ қилиши, аввало, маълум давлат ахолисининг моддий ва маданий турмуш даржаси, аёлларнинг ижтимоий ишлаб чиқаришда баандлиги ҳамда шу давлат ҳалқининг асрлар давомида шаклланиб, сақланиб келаётган миллий урф-одатлари ва дини билан боғлиқ. Булардан ташқари, туғилишга ахолининг жинс ва ёш бўйича тақсимланиши, никоҳдан ўтиш ва ажралиши каби демографик омиллар, психологик омиллар, тиббиётнинг ривожланиши ҳамда ҳар бир давлат томонидан олиб борилаётган демографик сиёsat ҳам таъсир қиласди.

16-жадвал

Дунё ҳудудлари бўйича туғилишнинг умумий коэффициенти
(1960–2004 йиллар) (ҳар 1000 ахолига нисбатан
туғилганлар сони)*

Дунё ҳудудлари	Йиллар			
	1960–1965	1965–1970	2001	2004
Инё бўйича	35,1	33,8	22,0	21,0
Африка	46,9	46,8	38,0	38,0
Америка	31,3	29,7	20,0	19,5
Осиё	39,9	38,4	22,0**	20,0**
Европа	18,7	18,0	10,0**	10,0**
Океания	27,1	24,5	18,0	17,0
Собиқ СССР	21,7	17,6	-	-

* Народонаселение стран мира. М., 1974. С.61; Население и общество. Информ. бюллетень России, РАН, 2001. № 56; 2004 World Population Data Sheet (БМТ маълумотлари).

** Собиқ СССР таркибига кирган давлатлар билан бирга.

Юқорида қайд этилганидек, умуман, статистик маълумотларга Караганда, кейинги 20–25 йил ичидаги дунёнинг деярли ҳамма кисмида туғилишнинг камайиб бориши кузатилмоқда.

1970–2005 йиллар давомида түғилишнинг энг тез камайиши Шимолий Америкага тұғри келади (шу давр ичіда 1,7 марта камайды). Унинг асосий сабабларидан бири, шаҳар аҳолисининг үсиши бўлган. Масалан, АҚШ ва Канадада шаҳар аҳолиси 1950–2001 йилларда 64 % дан 75–79 % гача ўсган. Бундан ташқари, түғилишнинг камайишига аёлларнинг ижтимоий ишлаб чиқаришда, ёлланма ишларда қатнашиши ҳам сабаб бўлган. Масалан, Канадада 1931 йил моддий ишлаб чиқаришда қатнашувчи аҳолининг 17 % аёлтар бўлса, 1980–2005 йилларда бу кўрсаткич 42 % дан ошиб кетди. Шимолий Америкада түғилишнинг камайишига олиб келган муҳим сабаблардан яна бири, ажралишнинг никоҳдан кўплигидир.

17-жадвал

Дунё ҳудудларида түғилишнинг йигинди көфициенти динамикаси (хар бир 15–49 ёшдаги аёлга нисбатан туғилганлар сони)*

Давлатлар	Йиллар			
	1950–1954	1975–1979	2001	2005
Европа				
<i>Шарқий Европа</i>				
Болгария	2,50	2,20	1,2	1,23
Белоруссия			1,3	1,23
Венгрия	2,74	2,18	1,3	1,29
ГДР	2,37	1,77	-	-
Молдавия Республикаси	3,57 ¹	2,38 ¹	1,4	1,22
Польша	3,63	2,26	1,4	1,25
Руминия	2,87	2,56	1,3	1,26
Россия Федерацияси	2,63 ¹	1,90 ¹	1,2	1,37
Словакия	2,89 ²	2,39 ²	1,3	1,19
Чехия			1,1	1,19
Украина	2,30 ¹	1,96 ¹	1,1	1,13
<i>Жанубий Европа</i>				
Албания	5,57	4,18	2,8	2,23
Босния-Герцеговина		-	1,6	1,31
Греция	2,27	2,31	1,3	1,25
Испания	2,55	2,62	1,2	1,31
Италия	2,32	1,96	1,3	1,33
Македония		-	1,9	1,49
Мальта	4,16	2,19	1,7	1,50
Португалия	3,02	2,42	1,5	1,47

жадвалнинг давоми

Давлатлар	Йиллар			
	1950–1954	1975–1979	2001	2005
Словения		-	1,2	1,21
Хорватия		-	1,4	1,35
Югославия	3,69	2,19	1,6	--
<i>Гарбий Европа</i>				
Англия	2,09	1,68	1,3	1,40
Бельгия	2,34	1,71	1,6	1,66
ФРГ	2,09	1,41	-	-
Германия	-	--	1,3	1,33
Люксембург	1,97	1,50	1,7	1,74
Нидерландия	3,08	1,61	1,7	1,72
Франция	2,73	1,86	1,9	1,86
<i>Шимолий Европа</i>				
Блок Британия	2,19	1,73	1,7	1,66
Испания	2,53	1,72	1,7	1,76
Ирландия	3,36	3,30	1,9	1,94
Иcelandия	3,70	2,46	2,0	1,95
Латвия	1,94 ¹	1,87 ¹	1,2	1,27
Литва	2,63 ¹	2,07 ¹	1,3	1,27
Норвегия	2,60	1,83	1,8	1,79
Панама	2,98	1,68	1,7	1,72
Швеция	2,22	1,68	1,5	1,68
Эстония	1,95 ¹	2,01 ¹	1,3	1,40
<i>Африка</i>				
<i>Шимолий Африка</i>				
Жазоир	7,28	7,17	3,1	2,46
Ливия	6,87	7,38	3,9	2,88
Марокко	7,17	5,90	3,4	2,67
(Ифни билан)				
Миср	6,56	5,27	3,5	3,14
Судан	6,68	6,68	4,9	4,20
Тунис	6,87	5,64	2,3	1,93
<i>Гарбий Африка</i>				
Бенин	6,74	7,00	6,3	5,64
Буркина-Фасо	6,52	6,50	6,8	6,51
Гамбия	5,87	6,39	5,9	4,46
Гана	6,37	6,50	4,3	4,11
Либерия	6,22	6,90	6,6	6,79
Кабо-Верде	6,50	5,18	3	3,57
Кот-д'Ивуар	6,65	6,70	--	4,76
Мавритания	6,71	6,90	6,0	5,62
Мали	6,36	6,70	7,0	6,75
Нигер	6,86	7,10	7,5	7,71

жадвалнинг давомати

Давлатлар	Йиллар			
	1950–1954	1975–1979	2001	2005
Нигерия	6,77	7,10	5,8	5,58
Сенегал	6,64	6,50	5,7	4,75
Сьерра-Леоне	6,12	6,13	6,3	5,08
Того	6,14	6,09	5,8	4,9
<i>Шарқий Африка</i>				
Бурунди	5,44	6,44	6,5	6,80
Замбия	6,59	6,76	6,1	5,42
Зимбабве	6,61	6,60	4,0	3,37
Кения	8,20	8,22	4,4	4,98
Комор ороллари	6,27	6,29	6,8	4,59
Мадагаскар	5,70	6,09	5,8	5,15
Малави	6,78	7,00	6,4	5,89
Мозамбик	5,42	6,09	5,6	5,31
Реюньон	5,69	3,35	2,3	2,47
Руанда	5,97	7,31	5,8	5,45
Сомали	6,60	6,60	7,3	6,24
Уганда	6,91	6,90	6,9	7,10
Эритрея	-	-	6,0	5,29
Эфиопия	6,70	6,70	5,9	5,65
<i>Марказий Африка</i>				
Ангола	6,39	6,39	6,9	6,59
Габон	4,06	4,06	4,3	3,78
Камерун	5,76	5,79	5,2	4,36
Конго	5,69	5,99	6,3	6,29
Конго Демократик Респ.(Заир)	-	-	7,0	6,70
Марказий Африка Респ.	5,52	5,89	5,1	4,77
Чад	5,77	5,89	6,6	6,65
Экваториал Гвинея	5,50	5,66	5,9	5,89
<i>Жанубий Африка</i>				
Ботсвана	6,27	6,50	3,9	3,06
Жанубий Африка Респ.	5,55	5,07	2,9	2,72
Лесото	5,84	5,74	4,3	3,46
Намибия	5,87	6,09	5,0	3,71
Свазиленд	5,96	6,50	5,9	3,72
<i>Осциё</i>				
<i>Фарбий Осиё</i>				
Озарбайжон	5,01 ¹	3,48 ¹	2,0	1,85
Арманистон	4,73 ¹	2,46 ¹	1,1	1,34
Бахрайн	6,97 ¹	5,23 ¹	2,8	2,37

жадвалнинг давоми

Давлатлар	Йиллар			
	1950-1954	1975-1979	2001	2005
Бирлигиган Араб Демократиги	6,97	6,76	3,5	2,45
Гана	2,59 ¹	2,29 ¹	1,2	1,44
Израиль	7,17 ¹	7,28 ¹	3,6	3,33
Ирак	7,17	6,97	5,3	4,54
Иордания	4,16	3,50	3,2	2,76
Катар	6,97	6,76	3,9	2,91
Кипр	3,69	2,31	1,8	1,62
Кувейт	7,28	6,46	4,2	2,32
Ливан	5,74	4,30	2,5	2,26
Саудия Арабистони	7,17	7,28	5,7	3,84
Сирия	7,09	7,44	4,1	3,28
Туркмания	6,15	4,30	2,5	2,39
Уммон	7,17	7,17	6,1	3,50
Фаластин	--	--	5,9	5,28
Яман Араб Республикаси	6,97	6,97	7,2	5,93
Яман Халқ Демократик Республикаси	6,97	6,97	--	--

Жанубий-Марказий Осиё

Афғонистон	6,70	6,90	6,0	7,27
Бангладеш	5,72	6,66	3,3	3,10
Покистон	6,96	6,66	5,6	4,00
Бутан	6,02	5,74	5,6	4,12
Марғизистон	4,32 ¹	4,41 ¹	2,4	2,59
Монголистон	4,46 ¹	3,03 ¹	1,8	1,90
Мальдив	--	-	5,8	4,06
Непал	5,64	6,54	4,8	3,50
Тоҷикистон	3,93 ¹	5,97 ¹	2,4	3,58
Туркманистон	5,12 ¹	5,27 ¹	2,2	2,63
Узбекистон	4,46 ¹	3,03 ¹	2,7	2,61
Ҳиндистон	5,97	4,83	3,2	2,92
Шри-Ланка	5,70	3,76	2,1	1,92
Эрон	8,50	6,05	2,6	2,08

Жанубий-Шарқий Осиё

Бруней	38,5	33,6	2,7	2,40
Вьетнам	5,03	5,59	2,3	2,23
Индонезия	5,49	4,81	2,7	2,28
Камбоджа			4,0	3,93
Кампучия	6,29	4,0	--	--
Лаос	5,75	6,15	5,4	4,55

жасалынчы давомы

Давлаттар	Йилар			
	1950-1954	1975-1979	2001	2005
Малайзия	6,80	4,14	3,2	2,78
Мьянма (Бирма)	-	-	3,3	2,27
Сингапур	6,32	4,14	1,6	1,33
Тайланд	6,62	4,27	1,8	1,90
Филиппин	7,27	4,94	3,5	3,03
Шаркый Тимор	6,44	4,30	4,4	7,48
<i>Шаркый Осіө</i>				
Гонконг	3,60	2,30	1,0	0,95
Жанубий Корея	5,15	3,14	1,5	1,22
Макао	--	4,0	1,2	--
Монголия	5,75	5,35	2,2	2,33
Хитой	6,21	2,89	1,8	1,72
Шимолий Корея	5,15	4,53	2,3	1,97
Япония	2,77	1,84	1,3	1,35
<i>Америка</i>				
<i>Шимолий Америка</i>				
АҚШ	3,34	1,77	2,1	2,04
Канада	3,71	1,77	1,4	1,49
<i>Марказий Америка</i>				
Белиз	--	--	3,2	3,01
Гватемала	7,09	5,40	4,8	4,38
Гондурас	7,05	7,13	4,4	3,52
Коста-Рика	6,72	3,73	2,6	2,19
Мексика	6,74	5,39	2,8	2,27
Никарагуа	7,34	6,31	4,3	3,12
Панама	5,68	4,06	2,6	2,63
Салвадор	6,46	6,01	3,5	2,78
<i>Кариб ҳаузасы давлатлари</i>				
Антил ороллари	--	--	2,1	2,08
Багама ороллари	--	--	2,4	2,25
Барбадос	4,65	2,23	1,6	1,50
Гаити	6,15	5,92	4,7	3,79
Гваделупа	5,57	2,88	1,9	2,02
Доминика	--	--	1,8	--
Доминикана Респ.	7,50	4,80	3,1	2,64
Куба	4,01	2,25	1,6	1,62
Мартиника	5,67	2,55	1,8	1,94
Пуэрто-Рико	5,02	2,75	1,9	1,89
Тринидад ва Тобаго	5,33	3,07	1,7	1,61
Ямайка	4,24	3,96	2,4	2,38
<i>Жанубий Америка</i>				

жадвалнинг давоми

Давлатлар	Йиллар			
	1950-1954	1975-1979	2001	2005
Аргентина	3,16	3,37	2,6	2,30
Боливия	6,74	6,40	4,2	3,73
Бразилия	6,15	4,20	2,4	2,30
Венесуэла	6,46	4,45	2,9	2,64
Гайана	6,64	3,91	2,5	2,20
Гвиана (франц.)	—	—	3,4	—
Колумбия	6,72	4,30	2,6	2,54
Парагвай	6,62	5,21	4,3	3,71
Перу	6,87	5,37	2,9	2,76
Сальвадор	6,56	4,63	3,0	2,52
Уругвай	2,73	2,93	2,3	2,26
Чили	4,90	2,69	2,3	1,97
Эквадор	6,91	5,39	3,3	2,70
Австралия ва Океания				
Австралия	3,19	2,01	1,7	1,75
Намибия	—	—	4,6	3,92
Папуа-Янги Гвинея	—	—	4,2	2,81
Микронезия	—	—	4,6	3,31
Меланезия				3,69
Папуа-Янги Гвинея	6,21	6,25	4,8	3,85
Самоа	—	—	4,5	4,17
Соломон оролари	—	—	5,7	4,06
Фиджи	6,59	3,59	3,3	2,81
Франция Полинезияси	—	—	2,6	2,32
Янги Зеландия	3,54	2,21	2,0	1,96
Янги Каледония	—	—	2,6	2,37

* Жадвални тузицда куйидаги нашрлар маълумотларидан фойдаланилди: Население мира. М., 1989. С.50; 63; 85; 91; 100; Население и общество / Информ. бюллетень России РАН, 2001. № 56, август 2001; ЮНФПА, Народонаселение мира в 2005 году. С.131-136.

¹ 1958-1959 ва 1978-1979 йиллар маълумоти.

² Чехословакия давлати маълумоти.

Хозирги даврда АҚШда ҳар йили қайд этилган никоҳларнинг деярли ярми узилганинги маълум. Табиий ҳолки, никоҳнинг кисқа вақт давом этиши оилада бола сонининг ўз-ўзидан камайишига олиб келади. Бундан ташқари, ишсизлар сонининг ортиб бориши ва эртанги кунга ишончсизлик билан қараш кабилар ҳам туғилишини камайтиради.

Баъзи жойларда давлат томонидан олиб борилаётган тугилишни чеклашга каратилган демографик сиёсат ҳам тугилишнинг камайишкага олиб келмоқда. Буни Осиёнинг энг йирик давлатлари – Хитой ва Ҳиндистон мисолида кўришимиз мумкин.

Хитойда оиласадаги болалар сонини чеклаш давлат дастурига киритилган. 1970 йиллардан болалаб, аҳоли ўртасида тугилишни камайтириш учун қатор тадбирлар кўллана бошланди, натижада Хитойда тугилиш кескин камайди. БМТ маълумотларига қараганда, 1970–1974 йил ҳар бир аёл ўзининг фарзанд кўриш даврида ўртача 4,8 фарзанд кўрган бўлса, 1986–1990 йилларда 2,1, 2005 йили 1,7 тадан фарзанд кўришган.

Ҳиндистонда ҳам тугилиш давлат томонидан назорат қилинади. Оиласадаги болалар сонини чеклаш давлат дастурига киритилган. Бу масала юзасидан бир қанча ташкилотлар маҳсус тадқиқот олиб борадилар. Улар жумласига оиласи режалаштириш ассоциацияси, Ҳиндистон тиббиёт ассоциацияси, Ҳиндистон Кизил ярим ой жамияти каби ташкилотлар киради.

Ҳиндистонда тугилишнинг камайишига аҳоли саводлилик даражасининг ошиши ҳам таъсир этмоқда. Масалан, 1971 йили Ҳиндистон аҳолисининг 29,4 % саводли эди. Ҳозирги даврда 40 % дан юкори аҳоли саводлидир.

Тугилишни назорат қилиш ҳамда халқнинг завод даражасини кўтариш, тиббиётни ривожлантириш натижасида Ҳиндистон давлати тугилишни анча камайтиришга эришган. Масалан, 1970–2005 йилларда ҳар бир аёл ўз умри давомида кўрган фарзандлари сони 5,4 дан 2,9 гача камайди.

Маълумки, Осиё аҳолисининг 70 % дан кўпроғини Хитой ва Ҳиндистон аҳолиси ташкил этади. Шунинг учун Хитой ва Ҳиндистонда тугилишнинг нисбатан камайиши бутун Осиё бўйича тугилиш кўрсаткичига таъсир қилди. 1970–2005 йилларда тугилиш Осиёда деярли 2 баробар камайди ва тугилишнинг йигинди коэффициенти 2005 йилда 2,4 ни ташкил этди.

Мазкур даврда тугилишнинг йигинди коэффициенти Европада 2,1 дан 1,4 га, Океанияда 3,1 дан 2,2 га, Африкада 6,5 дан 4,8 га камайган.

Тугилишнинг бу тарзда камайиб бориши Россия, Украина, Белоруссия, Молдавия давлатларида ҳам кузатилади. 1970 йилда

туғилишнинг умумий коэффициенти Россияда 14,6 %, Украинада 15,2 %, Белоруссияда 16,2 % ва Молдавияда 19,0 % бўлган. 2001 йилда бу қўрсаткич мос равишда Россия ва Белоруссияда 9,1 %. Украинада 8 %, Молдавияда 11 % ни ташкил этди.

Болтиқбўйи, Кавказорти ва Марказий Осиё республикаларида ҳам кейинги 30–40 йил ичида туғилиш кескин камайганлитининг гувоҳи бўламиз.

18-жадвал

Болтиқбўйи, Кавказорти ва Марказий Осиё республикаларида туғилиш динамикаси (ҳар 1000 аҳолига нисбатан туғилганлар сони)*

Республикалар	1960 йил	1980 йил	2004 йил
Литва	22,5	15,1	9,0
Латвия	16,7	14,0	9,0
Эстония	16,6	15,0	10,0
Озарбайжон	42,3	25,2	14,0
Узбекистон	40,1	22,7	10,0
Грузия	24,7	17,7	11,0
Узбекистон	39,8	33,8	24,0
Казакистон	37,2	23,8	17,0
Тажикистан	38,6	37,0	25,0
Киргизистон	36,9	29,3	21,0
Туркманистан	42,4	34,5	25,0

* Жадвални тузипда куйидаги нашрлар маълумотларидан фойдаланинди: Бўриева М. Оиласда нечта фарзанд бўлгани маъқул. Т., 1995. 34 бет; Население и общество. М., 2001. №56; Естественное движение населения Республики Узбекистан за 1999 год. Ташкент, 2000. С.8; 2004 World Population Data Sheet. (БМТ маълумотлари).

Шундай килиб, сайёрамизда истиқомат килувчи аксарият халқларда XX аср иккинчи ярмидан бошлаб, туғилиш кескин камая бошлади. Дунёдаги давлатларни туғилишнинг бугунги ҳолатига қараб шартли равишида уч гурухга ажратиш мумкин.

Маълумки, туғилишнинг йигинди коэффициенти 2,1дан паст бўлса, туғилиш даражаси паст саналади, 2,1–4,0 бўлса, туғилиш даражаси ўртача бўлади, 4,1 ва ундан юқори бўлса, туғилиш даражаси юқори ҳисобланади. Ушбу демографик мезонга асосан дунё давлатларини туғилиш ҳолати бўйича гурухларга ажратиш мумкин.

Биринчи гурух – туғилиш даражаси юқори бўлган давлатлар: Африка давлатлари (МСР, Тунис, Морис ва Сейшел оролтаридан ташқари), Осиё ва Жанубий Америкадаги қатор давлатлар ҳамда

Австралия ва Океаниядаги баъзи мамлакатлар. Улардаги оиласарда фарзандлар сони ўртача 4,1дан то 7,0 гача, баъзи ҳолларда эса ундан ҳам юқори бўлган. Туғилиши энг юқори саналган давлатлардан Афғонистон, Гвинея-Бисау ва Нигер бўлиб, уларда туғилишининг йигинди коэффициенти 7,1-7,7 ни ва Яманда 6,7 ни, Мали ва Конгода 6,2 ни ташкил этади. Ушбу давлатлардаги оиласарда туғилиш даражасининг бундай юқори бўлишига олиб келувчи қатор омиллар мавжуддир. Улардан асосийлари қуйидагилар: юқорида зикр этилган давлатлар, асосан, иқтисодий жиҳатдан ривожланаётган давлатлар бўлиб, айниқса, аёлларнинг маълумотлилиги нисбатан паст; кўп болаликни қўллаб-куватловчи анъаналар кўпроқ сақланиб қолган; аёллар ижтимоий ишлаб чиқаришда кам иштирок этади; шаҳар турмуш тарзининг шаклланиши суст; туғилишни чеклаш ҳақида тушунчалар ва унга керакли тиббий воситалар кенг тарқалмаган.

Таъқидлаб ўтиш лозимки, туғилиш даражасининг юқорилиги баъзи демографик оқибатларни келтириб чиқарди. Жумладан, аҳолининг сони тез кўпая бориб, кўплаб янги оиласар вужудга келади, аҳоли таркибида болалар сони юқори бўлади. Бу демографик оқибатлар эса ўз ўрнида қатор ижтимоий-иқтисодий муаммомларга сабаб бўлади.

Туғилиши юқори бўлган давлатларда кейинги 15-20 йил ичидаги аҳоли сони йилига 2,5-3,2 фойиздан кўпайиб бормоқда. Бугунги кунда 40 дан ортиқ давлатда туғилишининг йигинди коэффициенти 4,1-7,5 ташкил этмоқда. Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, кейинги 10 йил ичидаги дунёдаги туғилиш юқори бўлган давлатлар сони камайди. 1989 йили бундай давлатлар сони 79 ни ташкил этган бўлса, 2005 йили уларнинг сони 27 тага камайди ва 42 тани ташкил этди. Агар 1989 йили ушбу давлатларда истиқомат этувчи аҳоли салмоғи дунё аҳолисининг 23 фойизини ташкил этган бўлса, 2005 йилга келиб, бу кўрсаткич деярли 14 фойизни ташкил этди.

Иккинчи гурӯх – оиласада туғилиш даражаси ўртача бўлган давлатлар, ушбу давлатларда туғилишининг йигинди коэффициенти 2,1-4,0 ни ташкил этади. 1989-2005 йилларда дунёда туғилиш даражаси ўртача бўлган давлатлар сони 44 тадан 57 тага етди, яъни 13 тага кўпайди. 1989 йили Ўзбекистон давлати ҳам туғилиш юқори бўлган давлатлар гурухига кирган бўлса, 2005 йилга келиб, у туғилиш даражаси ўртача бўлган давлатлар гурухидан жой олди

Туғилиш даражаси ўртача бўлган гурухда истиқомат этувчи аҳоли 2005 йилда дунё аҳолисининг 37,0 фоизини ташкил этди. Мазкур давлатларда туғилишнинг бундай даражада бўлиши уларнинг тарихан таркиб топиб келган ижтимоий-иктисодий омиллари билан боғлиқдир. Туғилиш даражаси ўртача бўлган жойларда аҳолининг ўсиш суръати бир текис сакланиб туради. Уларда аҳолининг кескин кўпайиб кетиши ёки камайиб кетиши ҳоллари кутилмайди. Аҳоли тараққиётини бошқариш, иктиносидётни ривожлантириш борасида-ги муаммоларни ҳал этиш бирмунча енгил кечади.

Учинчى гуруҳ – туғилиш даражаси паст бўлган давлатлар. Бу давлатларда аҳоли йилига 0,7–0,9 фоизга кўпайиб боради. Оиласарнинг аксарият кисмида 1 ёки 2 тадан бола бор, холос. Шунни таъкидлаш лозимки, 1989–2005 йилларда туғилиш даражаси кам бўлган давлатлар сони 32 тадан 71 тага кўпайди ёки 2 баробардан зиёд ўсади. Ҳозирги даврда ушбу давлатларда дунё аҳолисининг деярли ярми истиқомат этмоқда. Демак, XXI аср бошларига келиб, дунё аҳолисининг деярли ярми кам болали оиласарда истиқомат этмоқдалар. Сўнгги гуруҳ давлатларида истиқомат этувчи оиласарда туғилишнинг бундай камайиб кетиши, биринчи навбатда, капиталистик муносабатлар кенг тарқалиши билан боғлиқдир. Таъкидлаб ўтганимиздек, капиталистик ишлаб чиқариш шароитида саноат ривожланиб, шаҳарлар сонининг ўсиши ва шаҳар турмуш тарзининг кенг тарқалиши учинчи гурухга мансуб давлатларда туғилишнинг қисқаришига олиб келди. Айниқса, аҳолининг асосий қисми шаҳарларда яшовчи Европа мамлакатларида туғилиш жуда камайиб кетган.

Ушбу гуруҳ давлатларида ҳозирги даврда туғилиш даражасининг камайиб кетишига олиб келган навбатдаги омил аёлларнинг ижтимоий ишлаб чиқаришда, ёлланма ишларда кўпроқ қатнашишидир. Иктиносидий ривожланган давлатларда туғилишнинг камайишига олиб келган омиллардан яна бири, оиласанинг бузилиши, яъни никоҳдан чиқиш ҳолларининг ниҳоятда кўплигидир. Юқорида қайд этилганидек, никоҳнинг қисқа вакт давом этиши оиласада бола сонининг ўз-узидан камайишига олиб келади. Бундан ташқари, барча иктиносидий тараққий этган давлатлар қатори, Шимолий Америкада ҳам фан-техника ривожланиб, ишлаб чиқариш соҳаларига кириб бориши натижасида аҳолининг таркибида ишсизлик тобора кўпайиб бормоқда. Ишсиз, бошпанасиз аҳолининг оила

қуриш ва фарзанд тарбия қилишига иктисодий имконияти бўлмайди. Шундай ҳолатлар ҳам туғилишининг камайиб кетишига олиб келади. Умуман олганда, капиталистик муносабатларнинг кенг тарқалиши ва ривожланиши оиланинг фарзандларга бўлган ҳам иктисодий, ҳам маънавий эҳтиёжини пасайтириб юборади. Фикримизнинг далили сифатида ривожланган капиталистик давлатлардан бири АҚШ оиласаридаги туғилиш курсаткичларига муружаат қиласиз. Агар 1950 йили ҳар бир Америка оиласарида ўртача 3-4 тадан бола туғилган бўлса, 1970 йили бу курсаткич 2-3 тага камайди. Кейинги вактларда АҚШда фарзандсиз оиласалар кўпайиб бормоқда. Бу давлатда ўтказилган тадқиқотларнинг кўрсатишича, кўтгчилик оиласаларда факат биттадан фарзанд бўлиб, уларнинг 44 % кутилмаганда, 15% эса хоҳламаган ҳолда туғилган экан. Мутахассислар бу аҳволни “Америка оиласида инкиroz” деб аташмоқда. Бу инкиroz Америка Қўшма Штатлари учун муаммоли, йўқми? Уни шу давлат аҳолисининг тараққиёт тарихидан келиб чиқиб аниқламоқ лозим.

Шундай қилиб, биз юқорида жаҳон мамлакатларининг оиласарида туғилиш жараёнидаги ўзгаришлар билан танишиб чиқдик. Маълум бўлдики, ҳозирги пайтда ер юзидағи халқларнинг туғилиш жараёни бир хил эмас экан. Бир тоифа мамлакатларда оиласаларнинг туғилиши жуда камайиб кетган бўлса, иккинчи бир хилида жуда юқори. Бу ҳол юқорида айтилганидек, турли ижтимоий-иктисодий омиллар билан боғлиқ.

Дунё аҳолиси сонининг ўзгаришида ўлим ҳам асосий омил ҳисобланади. Аҳоли ўлими жамият ривожланиши давомида қатор ижтимоий-иктисодий омиллар таъсирида содир бўлиб келган. Моддий шарт-шароитларнинг яхшиланиб бориши ўлим ҳолларининг камайишига, акси эса кўпайишига сабаб бўлган. Соғлиқни сақлаш тизимишининг ривожланиши, аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражасининг ошиб бориши ҳам ўлимга бевосита таъсир этувчи омиллардандир. Шунингдек, туғилиш биологик имконияти даражасида бўлганда, кўтболалик аньянаплари ривожланган даврларда туғилган фарзандлар орасидаги давр, муддат (протогенетик давр: никоҳга киргандан биринчи фарзанд туғилгунига қадар ўтган вакт; интергентик давр: биринчи ва иккинчи, иккинчи ва учинчи, учинчи ва тўртинчи ва ҳ.к. фарзандлар туғилиши орасида-

ги давр, йил) киска (1,2-2 йил) бўлган ҳолларда ҳам гўдаклар, оналар ўлими юкори булади.

XX аср 50-йилларига қадар дунёнинг барча ҳудудларида ҳам ўлим юкори даражада эди. Ушбу даврга қадар аҳоли ўлимида кўпроқ экзоген (ташки мухит таъсиридаги омиллар: урушлар, эпидемиялар, баҳтсиз ҳодисалар, табиий оғатлар) омиллар сабаб бўлган. Аҳолининг жуда кўп кисми, айниқса Осиё, Африка ҳудудларида юкумли инфекцион касалликлардан болалик даврида куз юмишган. Қадимда ер шарида гўдаклар ва аёллар ўлими айниқса, юқори бўлган. Кўпчиллик аёллар фарзанд куриш даврларида турли касалликлар айниқса, қон йўқотиш туфайли ҳалок бўлганилар. Марказий Осиё давлатларида XIX аср охири – XX аср бошларида ҳар 1000 та туғилган чақалоклардан бир ёшгача бўлган даврда 300-400 таси, бальзи даврларда эса 500-600 таси нобуд бўлган. Қадимда аҳоли ўлимининг юкорилиги, қайд этилганидек, аҳолининг турмуш даражасига, тиббий хизматларнинг етишмаслигига, аҳолининг маълумотлик даражасининг пастлигига, фарзандлар туғилишининг юкорилиги ва фарзандлар туғилиши орасидаги даврнинг нисбатан кискалиги каби омиллар билан боғлик эди.

XX аср иккинчи ярми – XXI аср бошларига келиб, аҳоли ўлими дунё ҳудудлари бўйича кескин фарқ қилмоқда.

19-жадвал

Дунё ҳудудларида аҳоли ўлими динамикаси (ҳар 1000 аҳолига нисбатан ўлганлар сони)*

Ҳудудлар	1958–1962 йй.	2001 йил	2004 йил
Дунё бўйича	17	9	9
Европа	10**	11	12
Осиё	20**	8	7
Африка	23	14	14
Шимолий Америка	13	8	7
Лотин Америкаси	—	—	6
Австралия ва Океания	8	7	7

*Население мира. М., 1965. С.12; Население и общество /Информ. бюллетень РАН. 2001. № 56; 2004 World Population Data Sheet. (БМТ маълумотлари).

** Собир СССР таркибидаги давлатлариз.

Хозирги даврда дунё бўйича аҳоли ўлим кўрсаткичлари Осиё, Африка, Америка, Океания ҳудудларида камайиб, Европа ҳудудида эса ортиб бораётганлиги кузатилади. Умуман, сайёрамиз аҳолисида

ұлым жараёни XX аср иккінчи ярми – XXI аср бошларида 2, 2,5 марта камайған. Ҳозирги даврда ұлымга эндоген омыллар (организмнің кариши ва уннің касалланиши туфайли содир бұлған ич-ки мухит омыллари). Бу ҳол, албатта, жамияттің іктимоіт-иктисодий ривожланиши, турмуш тарзининг яхшиланиши, ахолига тиббий хизмат күрсатышининг ошиб бориши билан бағылана. Лекин Европа давлатларида ахоли ұлым күрсаткышларининг бирмунча күтарилишига демографик омыл, яғни ахоли таркибіда қариялар (60-65 ёш ва ундан юкори) салмоғининг ортиб бориши таъсир этті. Маълумки, ахоли ұлымининг умумий коэффициенти ахолининг ёш таркибига бевосита бағылана. Агар ахоли таркибіда болалар (0-14 ёш) ва ёшлар (16-29 ёш) салмоғи юкори бұлса, ұлым коэффициенти камаяди. Дунёның жуда күп давлатларда XX аср бошларида ахоли ўртаса 35-40 йил умр күрган бұлса, ҳозирги вактда ўртаса 63-68 ёш умр күриши күзатылади. Европада эса бу күрсаткыш 70-79 га етди. Мазкур ҳудудда түгелишнің кескін камайиши ахоли таркибіда болалар ва ёшлар салмоғининг кескін камайишига олиб келген бұлса, ахолининг умр күриши мұддатиниң узайғанлығы қариялар салмоғининг ошиб боришига олиб келди. Натижада Европада ұлым күрсаткышлари күтарилди.

Ахоли ұлымининг умумий коэффициенти бүйіча энг юкори күрсаткыш (2004 й.) ривожланаеттан давлатларда (Съерра-Леоне – 29 %, Ботсвана – 26 %, Мозамбик – 23 %), энг паст күрсаткыш ривожланған давлатлар ва шу билан бирга қатор ривожланаеттан давлатларда күзатылди (АҚШ ва Японияда – 8 %, Австрия ва Францияда – 9 %, Жазоир, Коста-Рикада – 4 %, Панама, Гондурас, Ни-карагуа ва Мексикада – 5 %). Ушбу күрсаткышлар ахоли ұлымининг умумий коэффициентінде ахоли ёш таркибининг бевосига таъсири ни яққол ифодалайды.

Ахоли ұлыми бүйіча аник маълумотларни, ахолининг түрли ёш гурухлари бүйіча алохіда ҳисобланған умумий коэффициентлари ҳамда ахолининг күтилаёттан ўртаса умр күриш күрсаткышлари оркали аниқлаш максадға мувофиқдір.

Күтилаёттан ўртаса умр күриш мұддати янги түгілғанлар учун ҳисобланади. Бу ҳолда түгілған болаларни улғайып боришида ёки бир ёш гурухидан иккіншін ёш гурухига үтища шу ёш гурухларыда ўрганилаёттан даврдаги ұлым ҳолати ҳисобға олинади. Олинған натижка ахоли ўртаса умр күриш мұддатини назарий

хисоби булиб хизмат қилади. Масалан, Россияда 1993 йил ўғил болалар үчун гұдаклар үліми 20,0 % әди. Демек, туғилған 1000 та боладан 20 таси 1 ёшгача яшамайды. Иккى ёшли ўғил болалар да зса шу иили үлім әхтимоли 6 кишини ташкил эттан. Күриниб турибдикі, 1000 та туғилған боладан 1 ёшга 980 таси, 2 ёшга эса 974 таси үтди. Ана шундай усул билан авлоднинг охиригача умр күриш әхтимоли хисоблаб чиқылади. Юкорида қайд этилганиңдек, олдинги асрда аҳоли үртача 30-35 йил умр күрган. Ҳозир эса бу күрсаткыч иккى баробарга ошган. 2005 йилда аҳоли умр күриши бүйича энг паст күрсаткычлар Марказий ва Жанубий Африка давлатларида кузатылмокда (эркаклар 42-44, аёллар 45-46 ёш).

20-жавдал

Аҳолининг үртача умр күриш ёши динамикаси

Давлатлар	1950-1954		2001		2005	
	эркаклар	аёллар	эркаклар	аёллар	эркаклар	аёллар
<i>Шарқий Европа</i>						
Болгария	62,2	66,1	68	75	69,3	75,9
Боруссия	68,1 ¹	75,8 ¹	62	74	62,8	74,3
Греция	62,1	65,9	66	75	69,1	77,2
ГДР	65,1	69,1	--	--	--	--
Молдавия	66,0 ¹	71,8 ¹	64	72	64,9	72,1
Союзнынг республикаси						
Польша	58,6	64,2	68	77	70,7	78,7
Литва	59,4	62,8	67	74	68,2	75,3
Россия Феде- ративияси	63,1 ¹	73,3 ¹	59	72	58,9	72,0
Словакия			69	77	70,5	78,3
Чехия	63,6	68,4	71	78	72,6	79,0
Украина	66,5 ¹	74,4 ¹	63	74	60,4	72,5
<i>Жанубий Ев- ропа</i>						
Албания	54,4	56,1	69	75	71,3	77,0
Босния- Герцеговина	--	--	65	72	71,7	77,1
Греция	64,3	67,5	76	81	75,8	81,1
Испания	61,6	66,3	74	82	76,2	83,5
Италия	64,3	67,8	76	82	77,2	83,3
Македония			77	75	71,6	76,6
Мальта	64,2	67,7	74	80		
Португалия	56,9	61,9	72	79	74,2	80,8
Сан-Марино	--	--	76	83	--	--

жадвалнинг давоми

Давлатлар	1950-1954		2001		2005	
	эркаклар	аёллар	эркаклар	аёллар	эркаклар	аёллар
Серб. ва Черногор.	--	--	--	--	71,3	76,0
Словения	--	--	72	79	73,0	80,3
Хорватия	--	--	70	77	71,8	78,8
Югославия	56,9	59,3	70	75	--	--
<i>Гарбий Европа</i>						
Австрия	63,2	68,4	75	81	76,4	82,1
Бельгия	65,0	70,1	75	81	86,1	82,3
ГФР	65,4	69,8	--	--	--	--
Германия			74	81	76,0	81,8
Люксембург	63,1	68,9	75	81	75,5	81,8
Нидерландия	70,9	73,4	75	81	75,9	81,3
Франция	63,7	69,5	75	83	76,2	83,2
Швейцария	67,0	71,6	77	83	77,9	83,5
<i>Шимолий Европа</i>						
Буюк Британия	66,7	71,8	75	80	76,3	80,9
Дания	69,6	72,4	74	79	75,1	79,7
Ирландия	65,7	68,2	74	79	75,5	80,7
Шим. Ирландия	65,5	68,8	--	--	--	--
Латвия	65,0 ¹	74,4 ¹	65	76	66,4	77,3
Литва	67,0 ¹	74,9 ¹	67	77	67,2	78,2
Норвегия	70,9	74,5	76	81	77,3	82,2
Финляндия	63,2	69,6	74	81	75,5	82,0
Швеция	70,4	73,3	77	82	78,2	82,7
Эстония	65,5 ¹	74,5 ¹	65	76	66,2	77,4
<i>Шимолий Африка</i>						
Жазоир			68	70	70,3	73,0
Ливия	--	--	73	77	72,0	76,6
Миср	41,2	43,6	65	68	68,2	72,7
Судан	36,1	38,3	55	57	55,2	58,0
Тунис	44,1	45,1	70	74	71,6	75,8
<i>Гарбий Африка</i>						
Бенин	31,1	34,0	49	51	54,0	55,6
Буркина-Фасо	31,1	34,0	47	47	47,6	49,1
Гамбия	29,2	32,1	51	54	55,2	58,0
Гана	40,4	43,6	56	59	56,9	75,8
Дагомея						
Либерия	36,0	39,1	49	52	41,6	43,3
Кабо-Верде	41,2	44,1			67,5	73,7
Кот-д'Ивуар	34,5	37,5			45,4	46,9
Мавритания	32,0	35,0	49	52	51,9	55,1

жадвалнинг давоми

Давлатлар	1950-1954		2001		2005	
	эркаклар	аёллар	эркаклар	аёллар	эркаклар	аёллар
Мали	31,0	34,0	45	47	47,8	49,1
Нигерия	31,5	34,5	41	41	44,8	44,9
Сенегал	35,0	38,0	52	53	43,6	43,9
Леоне	33,2	36,2	51	54	55,1	57,6
Того	27,6	30,4	42	47	39,9	42,7
Фил Суяги оги	--	--	45	47	--	--
Яшил Бурун вари	--	--	65	72	--	--

Шарқий Африка

Ботсвуда	38,5	41,6	46	47	43,5	45,5
Жибути			44	48	52,1	54,4
Замбия	36,3	39,4	37	38	38,7	37,7
Зимбабве	39,9	43,1	41	39	37,9	36,6
Кения	37,1	40,2	48	49	49,5	47,8
Комор орол- лари	38,5	41,6	54	59	61,9	66,3
Мадагаскар	36,2	39,3	52	56	54,5	57,0
Майотта			57	61	--	--
Малави	35,8	36,7	39	40	40,6	40,1
Мозамбик	36,6	38,2	69	76	--	--
Мавис	--	--	67	74	41,3	42,3
Реюньон	49,7	55,6	70	79	71,7	79,9
Сен-Гоша	38,5	41,6	39	40	42,5	45,7
Сомали	31,4	34,4	45	48	46,3	48,7
Танзания	35,5	38,6	52	54	45,9	46,6
Уганда	38,5	41,6	42	43	48,8	50,0
Эритрея			53	57	52,8	56,6
Эфиопия	31,4	34,4	51	53	47,1	49,0

Марказий Африка

Ангола	28,6	31,5	37	39	39,9	42,8
Габон	36,5	39,6	51	54	53,4	54,5
Камерун	34,4	37,4	55	56	45,4	46,6
Конго	34,5	37,4	47	52	51,0	54,0
Конго Демо- кратик Респ.(Заир)			45	50	42,9	44,9
Марказий Африка Респ.	32,5	35,5	43	46	38,7	40,2
Сан-Томе ва Пинсипи	--	--	63	66	--	--
Чад	31,0	34,0	48	52	42,9	45,1

жадвалнинг давоми

Давлатлар	1950-1954		2001		2005	
	эркаклар	аёллар	эркаклар	аёллар	эркаклар	аёллар
Экваториал Гвинея	32,0	35,0	48	52	41,1	42,9
<i>Жанубий Африка</i>						
Ботсвана	40,9	44,1	41	42	35,5	34,9
Жанубий Аф- рика Респ.	39,2	43,2	52	54	45,7	47,4
Лесото	34,3	40,3	52	55	34,6	36,2
Намибия	37,2	40,3	47	45	47,2	47,2
Свазиленд	39,4	42,6	40	41	31,6	31,3
<i>Шимолий Америка</i>						
АҚШ	65,9	71,8	74	80	74,9	80,3
Канада	66,8	71,6	76	81	77,8	82,7
<i>Марказий Америка</i>						
Белиз	--	--	70	74	69,5	74,3
Гватемала	41,9	42,4	63	68	64,1	71,5
Гондурас	40,9	43,5	64	68	66,4	70,5
Коста-Рика	56,0	58,6	75	79	76,1	80,9
Мексика	49,2	52,4	75	73	73,1	78,0
Никарагуа	40,9	43,7	66	70	67,9	72,7
Панама	54,4	56,2	72	76	72,6	77,8
Сальвадор	44,1	46,5	67	73	68,2	74,3
<i>Карип ҳавзаси давлатлари</i>						
Антигуа ва Барбуда	--	--	68	72	--	--
Антил орол- лари (Нидер.)	--	--	72	76	73,3	79,5
Багама орол- лари	--	--	70	75	67,6	74,0
Барбадос	55,0	59,5	70	75	72,1	78,8
Гаити	36,3	38,9	47	51	51,7	53,1
Гренада	--	--	63	66	--	--
Доминика	--	--	70	76	--	--
Доминикана Респ.	43,6	46,7	67	71	64,6	71,6
Куба	56,7	61,0	73	77	76,1	79,7
Мартиника	55,0	58,1	76	82	75,9	81,9
Пуэрто-Рико	63,0	66,7	71	80	72,1	80,8
Сент-Висент ва Гренада	--	--	70	73	--	--
Сент- Кристофер ва Невис	--	--	66	71	--	--

жадвалнинг давоми

Давлатлар	1950-1954		2001		2005	
	эркаклар	аёллар	эркаклар	аёллар	эркаклар	аёллар
Тринидад ва Тобаго	56,4	59,4	68	73	67,3	72,8
Ямайка	55,7	58,7	70	73	69,2	72,6
<i>Жанубий Америка</i>						
Аргентина	60,4	65,1	70	77	71,1	78,6
Боливия	38,5	42,5	60	64	62,6	66,8
Бразилия	49,3	52,8	65	72	67,3	75,1
Венесуэла	53,8	56,6	70	76	74,3	76,3
Гайана	53,5	57,5	62	68	61,0	67,1
Гвиана (франц.)	--	--	72	79	--	--
Колумбия	48,8	52,6	68	74	69,8	75,8
Парaguay	50,0	54,0	71	76	69,1	73,7
Перу	42,9	45,0	68	71	68,0	73,2
Шам	54,4	57,7	68	74	66,4	72,9
Уругвай	63,3	69,4	70	78	72,1	79,4
Чили	51,9	55,7	72	78	75,1	81,2
Эквадор	47,1	49,6	68	73	71,7	77,6
<i>Австралия ва Океания</i>						
Австралия	66,9	72,4	76	82	78,0	83,1
Бруней	--	--	64	67	67,5	71,2
Вануату	--	--	72	77	72,8	77,5
Кирбати	--	--	--	--	57,9	59,6
Микронезия	--	--	65	67	69,2	73,6
Намибия	--	--	64	71	--	--
Папуа – Янги Гвинея	35,6	34,5	56	55	55,6	56,8
Самоа	--	--	65	72	67,8	74,2
Соломон Остдорни	--	--	67	68	62,1	63,6
Фиджи	53,8	56,7	65	69	66,1	70,5
Франция По- лиинзияси	--	--	69	74	71,2	76,3
Янги Зеландия	67,5	71,8	74	80	77,2	81,6
Янги Каледо- ния	--	--	70	76	73,1	78,3
<i>Гарбий Осиё</i>						
Азербайжон	65,3 ¹	72,6 ¹	68	75	63,5	70,8
Бахристон	70,1 ¹	75,4 ¹	71	76	68,2	74,9
Бирлашган Араб Амирили- ти	46,6	49,3	71	76	76,8	81,4

жадвагатинг давоми

Давлатлар	1950-1954		2001		2005	
	эркаклар	аёллар	эркаклар	аёллар	эркаклар	аёллар
Баҳрайн	49,6	52,5	70	75	73,4	76,2
Газа						
Грузия	68,1 ¹	75,2 ¹	69	77	66,8	74,5
Иордания	42,2	44,3	69	71	70,4	73,5
Ироқ	43,1	44,9	58	60	58,4	61,5
Йероил	--	--	76	80	78,0	82,1
Қатар	46,7	49,3	69	74	71,6	76,5
Кипр	65,1	69,0	75	79	76,3	81,3
Кувайт	54,1	57,5	72	73	75,5	79,8
Ливан	54,3	57,7	68	73	70,3	74,7
Саудия Арабистони	39,1	40,7	66	69	70,5	74,4
Сурия	44,8	47,2	70	70	71,9	75,6
Туркия	45,8	48,3	67	71	66,9	71,5
Уммон	--	--	69	73	73,2	76,2
Фаластин	--	--	70	74	71,3	74,4
Яман Араб Республикаси	32,9	33,9	57	61	60,2	62,9
Яман Ҳалқ Демократик Республикаси	32,9	33,9	--	--	--	--

Жанубий-Марказий Осиё

Афғонистон	31,3	31,8	46	44	46,6	47,1
Бангладеш	38,3	34,9	59	59	62,8	64,6
Покистон	38,3	34,9	60	61	63,6	64,0
Бутан	37,0	35,5	66	66	62,6	65,0
Киргизистон	63,6 ¹	71,8 ¹	65	72	63,1	71,5
Қозғистон	64,1 ¹	74,9 ¹	60	71	58,2	69,4
Мальдив Республикаси	66,0	71,8	60	63	67,8	67,1
Непал			58	57	62,0	62,9
Тоҷикистон	67,8 ¹	71,6 ¹	66	71	61,3	66,7
Туркманистон	65,2 ¹	71,3 ¹	63	70	58,6	67,1
Ўзбекистон	68,5 ¹	74,6 ¹	68	73	63,6	70,1
Хиндистон	39,4	38,0	60	61	62,4	65,7
Шри-Ланка	57,6	55,5	70	74	72,0	77,3
Эрон	46,1	46,1	69	72	69,5	72,6

Жануби-Шаркий Осиё

Бруней			71	76	--	--
Вьетнам	39,1	41,8	63	69	69,1	73,1
Индонезия	36,9	38,1	65	70	65,8	69,5
Камбоджа			54	58	53,4	60,5
Кампучия	38,1	40,8				

жадвалнинг давоми

Давлатлар	1950-1954		2001		2005	
	эркаклар	аёллар	эркаклар	аёллар	эркаклар	аёллар
Лаос	39,1	41,8	51	54	54,3	56,8
Малайзия	47,0	50,0	70	75	71,4	76,0
Мьянма (Бирманя)			54	57	58,1	63,9
Сингапур	58,8	62,1	76	80	77,1	80,9
Тайланд	45,0	49,1	70	75	67,3	74,3
Филиппин	46,0	49,1	74	70	68,8	73,1
Шаркий Тимор	29,6	30,4	47	48	55,4	57,6
<i>Шаркий Осиё</i>						
Гонконг	57,2	64,9	77	82	78,9	84,9
Жанубий Корея	46,0	49,0	71	78	73,8	81,2
Макао			75	80	—	—
Монголия	43,6	46,5	61	65	62,9	66,9
Тайвань			72	78	—	—
Хитой	39,3	42,3	69	73	70,3	73,9
Шимолий Корея			67	73	60,9	66,8
Япония	62,1	65,9	77	84	78,7	85,8

* Население мира. М., 1989. С 211, 212-228; 230-237; Население и общество/ Информационный бюллетень РАН, 2001, №56.

¹1969-1970 йиллар учун.

Аҳолининг ўртача умр кўриш муддатини аниқлашда айниқса, гўдаклар ўлими алоҳида аҳамиятга эгадир. Гўдаклар ўлимининг юқори бўлиши аҳоли ўртача умр кўриш муддатини ўрсаткичларини кисқаришига олиб келади.

Гўдаклар ўлими (ҳар 1000 та тирик түғилган болага нисбатан 0 дан 1 ёшгача бўлган ўлим сони). Манбалардан маълумки, XIX асрда, баъзи ривожланаётган давлатларда эса XX аср биринчи ярмида ҳам гўдаклар ўлими юқори бўлган. 1900 йилда Фарбий Европа давлатларида ҳар 1000 та тирик түғилган чакалоқдан 140 таси, Марказий Осиё давлатларида эса қайд этилганидек 500-600 таси ҳаётдан кўз юмган. 1950 йилларда гўдакларнинг ўлим ҳоллари бирмунча камайди. Европа давлатларида гўдаклар ўлими 45% ни (энг юкориси 69 % Грецияда, энг пасти 22 % Швецияда)¹, собик СССР таркибига кирган давлатларда эса 80-83 % ни ташкил этган².

¹ Народонаселение стран мира. М., 1974. С.129.
² Население мира. М., 1989. С.208.

1960–1980 йилларда дунёдаги қатор давлатларда ахоли саломатлиги борасыда улкан ишлар килинди. Соғлиқни сақлаш тизими ривожланиб, ахолига тиббий хизмат күрсатиш яхшиланды. Оналар ва болалар саломатлигига катта эътибор берилди. Дунёда ахоли саломатлигини, оналар ва болалар, аёллар саломатлигини муҳофаза этувчи нуфузли ташкилотлар тузилди. Натижада ахоли ўлими, жумладан, гўдаклар ўлими ҳам кескин камайди (21-жадвал).

1980–2000, 2001–2005 йилларда гўдаклар ўлимининг пасайчи жараёни давом этди. 1980 йилда гўдаклар ўлими иқтисодий ривожланган давлатларда куйидаги кўрсаткичларга эга бўлган: Австрияда – 14,3 %, Бельгияда – 12,1 %, Данияда – 8,4 %, Италияда – 14,6 %, Канадада – 10,4 %, Нидерландияда – 8,6 %, Норвегияда – 8,1 %, АҚШда – 12,6 %, Францияда – 10,0 %, Швецияда – 6,9 %, Японияда – 7,5 %. 2005 йилда бу кўрсаткичлар мос равишида 5, 4, 5, 5, 5, 4, 4, 7, 4, 3, 3 % ни ташкил этган. XXI аср бошида гўдаклар ўлимининг энг паст кўрсаткичлари Япония, Сингапур, Швеция давлатларида қайд этилиб, уларда ҳар 1000 тирик туғилган болалардан учтаси ҳалок бўлар эди. 1980 йилларда гўдаклар ўлимининг энг юкори даражаси ривожланаётган давлатлардан Афғонистон – 194 %, Малави – 163 %, Сомали – 155 % кабиларда қайд этилган. 1980 йилларда гўдаклар ўлимининг энг юкори даражаси ривожланаётган давлатлардан Афғонистон – 194 %, Малави – 163 %, Сомали – 155 % кабиларда қайд этилган. Ҳозирги даврда ушбу давлатларда гўдаклар ўлими камайиб, мос равишида 145, 107, 114 % они ташкил этмоқда. Лекин Марказий Африка давлатларида (113 %), Марказий Осиёнинг жанубида жойлашган давлатларда (65 %) ҳамон гўдаклар ўлими юкоридир. Бу ҳолнинг асосий сабаблари бир томондан туғилишининг юкори булиши натижасида она ва бола организмини заифлашуви бўлса, иккинчи томондан иссик иқлим шароити, иқтисодий ривожланишнинг пастлиги ҳамда тиббий хизматнинг нисбатан етишмаслигидир.

Қадимда гўдаклар асосан экзоген сабабларга кўра, юқумли касалликлардан вафот этган бўлсалар, ҳозирги даврга келиб, юқумли касалликлар камайиб кетди. Гўдаклар ўлимига эндоген омишлар (кўпроқ нафас олиш органлари касаллиги, эндокрин, юрак-кон томир касалликлари) сабаб бўлмоқда.. Шундай бўлса-да, дунёдаги қатор давлатларда гўдаклар ўлими XXI аср бошида олдинги асрға

нисбатан кескин камайған ва бу ҳол ахоли умр күриши күрсаткычларининг күтарилишига таъсир этган.

21-жадвал

Дунё давлатларида гұдаклар ўлими динамикаси
(1000та тирик туғилғанларга нисбатан ўлган гұдаклар сони)*

<i>Давлаттар</i>	<i>1970–1974 йй.¹</i>	<i>1984 й.</i>	<i>2001 й.</i>	<i>2005 й.</i>
<i>Европа</i>				
<i>Шарқий Европа</i>				
Болгария	26,0	16,1	15	13
Боруссия			9	15
Болгария	34,5	20,4	9	8
ГДР	17,1	10,0	--	--
Молдавия Респ.	--	--	18	24
Польша	28,1	19,1	9	8
Руминия	41,0	23,4	19	17
Россия Феде- ративиси			16	16
Чехословакия	21,4	15,3	--	--
Словакия	--	--	9	7
Чехия	--	--	4	15
Украина			15	15
<i>Жанубий Европа</i>				
Албания	58,9	--	12	24
Андорра	--	--	1	--
Босния- Герцеговина	--	--	11	13
Греция	34,0	14,1	6	6
Испания	18,5	10,0	5	4
Италия	26,7	11,6	5	5
Македония	--	--	15	15
Мальта	22,8	11,5	7	
Португалия	46,4	16,7	6	5
Сан-Марино	--	--	3	--
Сербия ва Черногория	--	--	--	12
Словения	--	--	4	5
Хорватия	--	--	8	7
Югославия	46,9	28,9	13	--
<i>Farбий Европа</i>				
Австрия	24,9	11,4	5	5
Бельгия	19,1	9,8	5	4
Франция	22,7	9,6	--	--

жадвалнинг давоми

<i>Давлатлар</i>	<i>1970–1974 йй.¹</i>	<i>1984 й.¹</i>	<i>2001 й.</i>	<i>2005 й.</i>
Германия	--	--	4	4
Лихтенштейн	--	--	8	--
Люксембург	17,3	11,7	5	--
Монако	--	--	4	--
Нидерландия	11,9	7,9	5	4
Франция	15,8	8,3	4	4
Швейцария	13,7	6,9	5	4
<i>Шимолий Европа</i>				
Буюк Британия	17,5	9,6	6	5
Дания	12,4	7,7	4	5
Ирландия	18,1	10,1	6	5
Исландия	11,7	6,1	2	3
Латвия			11	10
Литва			9	9
Норвегия	11,9	8,3	4	4
Финландия	11,9	6,5	4	4
Швеция	10,5	6,4	3	3
Эстония			10	9
<i>Африка**</i>				
<i>Шимолий Африка</i>				
Гарбий Саҳрои Кабир	--	--	140	--
Жазоир	132,0	88,0	55	34
Ливия	117,0	97,0	33	18
Марокаш (Ифии билан)	122,0	97,0	53	35
Миср	150,0	100,0	44	33
Судан	145,0	118,0	74	69
Тунис	120,0	85,0	28	21
<i>Гарбий Африка</i>				
Бенин	151,0	120,0	94	101
Буркина-Фасо	162,0	150,0	105	119
Гамбия	192,0	185,0	82	72
Гана	110,0	103,0	56	59
Дагомея	--	--		
Либерия	155,0	132,0	139	137
Кабо-Верде	103,0	75,0	--	--
Кот-д'Ивуар	153,0	110,0	--	116
Мавритания	157,0	137,0	--	92
Мали	203,0	180,0	123	130
Нигер	166,0	146,0	123	149
Нигерия	148,0	114,0	75	111

жадвалнинг давоми

<i>Деҳаллар</i>	<i>1970–1974 йй.¹</i>	<i>1984 й.¹</i>	<i>2001 й.</i>	<i>2005 й.</i>
Сенегал	162,0	142,0	68	80
Сьерра-Леоне	203,0	180,0	153	162
<i>Тото</i>	121,0	102,0	80	90
Фил Суяги қирғози	--	--	112	--
Яшкяя Бурун ороллари	--	--	31	--
<i>Шарқий Африка</i>				
Бенин	135,0	124,0	75	102
Бути	--	--	117	88
Замбия	100,0	88,0	95	92
Зимбабве	93,0	80,0	65	61
Кения	98,0	80,0	74	65
Комор оролла- ни	106,0	88,0	91	53
Мадагаскар	84,0	67,0	96	75
Майотта	--	--	75	--
Малави	191,0	163,0	104	107
Мозамбик	168,0	153,0	135	96
Морис	--	--	16	--
Реконъон	41,0	10,5	8	
Руанда	140,0	127,0	107	114
Сейшель ороллари	--	--	10	--
Сомали	155,0	155,0	126	120
Танзания	130,0	115,0	99	104
Уганда	116,0	112,0	97	79
Эритрея	--	--	80	61
Эфиопия	155,0	155,0	97	95
<i>Марказий Африка</i>				
Ангола	173,0	149,0	198	134
Габон	132,0	112,0		54
Камерун	119,0	103,0	77	93
Конго	90,0	81,0	105	70
Конго Демо- кратик Респ.(Заир)	127,0	107,0	106	115
Марказий Аф- рика Респ.	148,0	142,0	98	96
Сан-Томе ва Пинсипи	--	--	54	--
	166,0	143,0	103	114
Сваторија Гвинея	160,0	137,0	98	98

жадалынг давоми

<i>Давлатлар</i>	<i>1970–1974 йй.[†]</i>	<i>1984 й.</i>	<i>2001 й.</i>	<i>2005 й.</i>
Гвинея-Бисау	--	--	131	115
<i>Жанубий Африка</i>				
Ботсвана	95,0	76,0	60	47
Жанубий Африка Республика	110,0	83,0		41
Лесото	130,0	111,0	57	63
Намибия	134,0	116,0	68	40
Свазиленд	--	--	109	68
<i>Америка**</i>				
<i>Шимолий Америка</i>				
АҚШ	18,4	10,8	7	7
Гренландия	38,1	28,5	--	--
Канада	16,8	8,1	6	5
<i>Марказий Америка</i>				
Белиз	--	--	22	30
Гватемала	95,0	70,0	50	35
Гондурас	110,0	82,0	42	30
Коста-Рика	51,0	18,3	12	10
Мексика	69,0	53,0	25	19
Никарагуа	100,0	76,0	40	28
Панама	43,0	26,0	17	19
Сальвадор	97,0	70,0	30	24
<i>Кариб ҳаузаси давлатлари</i>				
Антигуа ва Барбуда	--	--	17	--
Антил оролла- ри (Нидер.)	--	--	13	12
Багама орол- лари	32,3	22,9	18	13
Барбадос	33,0	10,9	14	10
Гаити	155,0	128,0	80	59
Гваделупа	42,0	14,0	8	7
Гренада	--	--	14	--
Доминика			16	--
Доминикана Респ.	94,0	75,0	47	32
Куба	36,0	15,0	7	5
Мартиника	35,0	14,0	7	7
Пуэрто-Рико	25,0	15,7	11	10
Сент-Висент ва Гренада	68,6	26,5	20	--
Сент- Кристофер ва Невис	60,2	27,8	24	--

жадвалнинг давоми

Давлатлар	1970-1974 йй.¹	1984 й.¹	2001 й.	2005 й.
Гренадад ва Тобаго	30,0	12,0	17	13
Ямайка	36,0	21,0	24	15
Жанубий Америка				
Аргентина	49,0	35,0	19	14
Боливия	151,0	124,0	63	51
Боливия илия	91,0	71,0	35	25
Венесуэла	49,0	39,0	20	17
Гайана	56,0	36,0	40	46
Гвиана (Франц.)	--	20,1	17	--
Колумбия	65,0	50,0	21	24
Парагвай	53,0	45,0	33	36
Перу	110,0	99,0	41	31
Эквадор	49,0	36,2	27	24
Уругвай	46,2	30,4	17	13
Чили	70,0	19,6	10	8
Эквадор	95,0	70,0	30	23
Австралия ва Океания**				
Австралия	16,9	9,2	6	5
Вануату	--	--	45	31
ГВИМ	--	--	9	9
Микронезия	54,0	44,0	34	27
Палау	--	--	19	--
Папуа - Янги Гвинея	105,0	74,0	69	67
Самоа	--	--	25	24
Соломон Оддлари	--	--	25	33
Фиджи	45,0	16,4	20	21
Франция По- линизиаси	44,0	30,0	8	8
Янги Зеландия	16,1	10,9	6	5
Янги Каледо- ния	--	--	7	6
Осие**				
Фарбий Осиё				
Узбекистон	--	--	13	74
Афганистан	--	--	16	30
Бирлашган Араб Амирли- ти	160,0	117,0	19	8
Таджик	55,0	32,0	9	13
Узбекистон	--	--	18	--

жадвалнинг давомати

<i>Давлатлар</i>	<i>1970–1974 йй.¹</i>	<i>1984 й.</i> ¹	<i>2001 й.</i>	<i>2005 й.</i>
Иордания	82,0	54,0	31	21
Ирак	96,0	77,0	92	88
Иероил	22,2	12,3	5	5
Катар	57,0	38,0	10	11
Кипр	29,0	17,0	7	6
Кувайт	43,0	18,5	9	10
Ливан	48,0	48,0	33	21
Саудия Арабистони	120,0	85,0	21	21
Сурия	88,0	59,0	24	17
Туркия	138,0	92,0	35	39
Уммон	160,0	117,0	18	15
Фаластин	--	--	26	19
Яман Араб Республикаси	168,0	135,0	75	64
Яман Халқ Демокр.Республикаси	168,0	135,0	--	--

Жанубий-Марказий Осиё

Афғонистон	194,0	194,0	154	145
Бангладеш	140,0	128,0	66	54
Покистон	140,0	120,0	91	75
Бутан	153,0	139,0	71	52
Киргизистон	--	--	23	53
Қозогистон	--	--	20	60
Мальдив Республикаси	--	67,9	69	38
Непал	153,0	139,0	79	60
Тожикистон	--	--	23	87
Туркмистон	--	--	25	77
Ўзбекистон	--	--	20	57
Ҳиндистон	135,0	110,0	70	64
Шри-Ланка	56,0	30,5	17	16
Эрон	129,0	115,0	30	31

Жанубий-Шаркий Осиё

Бруней	--	12,0	16	6
Вьетнам	120,0	76,0	37	28
Индонезия	105,0	84,0	46	38
Камбоджа	--	--	95	91
Кампучия	181,0	160,0	--	--
Лаос	145,0	122,0	104	84
Малайзия	42,0	30,0	8	10
Мъянма (Бирма)	85,0	62,7	92	71

жадвалнинг давоми

<i>Демаллар</i>	<i>1970–1974 й.†</i>	<i>1984 й.‡</i>	<i>2001 й.</i>	<i>2005 й.</i>
Бангладеш	19,3	9,3	3	3
Тайланд	65,0	48,0	22	18
Филиппин	64,6	51,0	31	26
Шарқий Ти- мор	183,0	183,0	135	87
<i>Шарқий Осиё</i>				
Гонконг	17,5	7,6	3	4
Жанубий Ко- рея	47,0	30,0	8	4
Макао			4	—
Монголия	71,0	53,0	37	55
Тайвань			6	—
Хитой	61,0	39,0	31	33
Шимолий Ко- рея	47,0	30,0	88	43
Япония	11,9	5,5	3	3

* Население мира. М., 1989. С.219-223; Население и общество / Информ. бюллетень РАН. 2001. № 56; Население мира 2005. С.127-130 (БМТ маълумотлари).

** Жадвалда Африка, Америка (АҚШ, Канада, Гренландия, Уругвай, Чили, Куба, Багама оролларидан ташқари), Австралия ва Океания (Австралия, Фиджи ва Янги Зеландиядан ташқари), Осиё (Япония, Гонконг, Бруней, Сингапур, Мальдив Республикаси, Испоилдан ташқари) давлатлари учун 1984 йилга БМТ томонидан келтирилган 1980-1984 й.нинг ўртacha баҳоланиши берилган.

МДҲ республикаларида ҳам гўдаклар ўлими XX аср ва XXI аср бошларида оналар ва болалар саломатлигига давлат томонидан эътибор берилиши, тиббий хизмат кўрсатишдаги ютуклар, туғилишнинг камайиши гўдаклар ўлимининг камайишига олиб келди. Айниқса, Марказий Осиё давлатларида гўдаклар ўлими кадимда юкори бўлиб, 1000 та тирик туғилганлардан 300-400 та бола ўлгани юкорида қайд этилди. Ҳозирда гўдаклар ўлими Қозогистонда – 20.0, Ўзбекистонда – 20.0, Қирғизистонда – 23.0, Туркманистанда – 25.0 ва Тожикистанда – 23.0% ни ташкил этмоқда.

1-15 ёшли болалар ўлими ҳам XIX аср бошларида дунёдаги барча худудларда юкори бўлган. 1900 йилда Европада шу ёшдаги 1000 та болалардан 125 таси ҳалок бўлган, 1930 йилларда эса бу кўрсаткич 52 тани, 1950 йили 19 тани ташкил этди. XX аср охирларида келиб, ушбу ёшларда ўлим ҳоллари 1950 йилдан деярли иккى баробарга камайган. Бундай жараённи дунёдаги барча худудларда ҳам кузатиш мумкин. Дунё аҳолисининг 15-40, 40-60 ёш гурухларида ҳам аҳоли ўлими 1900 йилларда 160 ва 300 % ни таш-

кил эттан. XIX–XX асрларда дунё аҳолиси үлимига асосан юқумли касалликлар, юрак-қон томир, сил, тери касалликлари ва очлик сабаб бўлган. Ҳозирга келиб, юрак-қон томир касалликлари, нафас олиш пўллари, асаб тизими, эндокрин ва онкологик касалликлар үлимига кўпроқ сабаб бўлмоқда. Бундай касалликларнинг тарқалиши урбанизация жараёнининг ривожланиши, саноатлашув, ҳаёт ритминининг тезлашуви, экологик мувозанатнинг бузилиши каби ҳоллар билан боғлик.

Шундай қилиб, XX аср охиридан бошлаб аҳоли үлимининг камайиши жараёни ривожланаётган давлатларда ҳам тезлашди. Ушбу давлатларда аҳоли үлими деярли икки-уч баробарга камайди. Бунинг сабаби аҳоли тиббий хизматининг бирмунча яхшиланиши, акушерлик хизмати ва элементтар санитария гигиена қоидаларининг йўлга кўшилиши, БМТ ва бошқа ҳалқаро ташкилотлар томонидан ривожлаётган мамлакатларда кенг таркалган ўткир инфекцион ва эпидемик касалликларга қарши чора-тадбирлар олиб борилишидадир.

Шунингдек, 1980–2005 йилларда ривожланаётган мамлакатларнинг ижтимоий-иктисодий аҳволида ҳам қатор ижобий ўзгаришлар содир бўлди. Натижада аҳолининг үлими 1980–2005 йиллар давомида ҳам қисқаришда давом этди. 1980–2004 йилларда аҳоли үлимининг умумий коэффициенти дунё бўйича 10,9 % дан 9 % гача камайди. Бу курсаткич Африкада – 17,3 ва 14 %, Америкада – 7,7 ва 7 %, Осиёда – 10,6 ва 7 %, Европада – 10,9 ва 12 %, Океанияда – 8,3 ва 7 %ни ташкил этди. Куриниб турибдики, дунёning барча худудларида аҳоли үлими XX аср иккинчи ярмидан бошлаб, мунтазам камайиб келмоқда. Фақат Европада демографик омили таъсирида аҳоли үлимида бир оз кўтарилиш кузатилади.

Маълумки, дунё аҳолиси сонининг кўпайиб ёки камайиб бориши аҳолининг табиий ўсиши билан боғлик. Аҳолининг табиий ўсиши кўрсаткич янги туғилганлар сонидан ўлганлар сонини олиб ташлаганда қолган қолдик билан ўлчанади. Масалан, 2001 йилда дунё бўйича ҳар 1000 аҳолига нисбатан 22 та бола туғилди, 9 та бола ҳалок бўлди ($22 - 9 = 11$). Аҳолининг табиий ўсиши 1000 та аҳолига нисбатан 11 тани ташкил этган. Демак, ҳар 1000 аҳоли 11 кишига кўпайиб борган. Аҳолининг табиий ўсиши бевосита туғилиш ва үлим жараёниларига боғликдир. Қадимда аҳолининг туғилиш даражаси жуда юқори бўлган. Ҳар бир аёл ўз фарзанд

куриш даврида (ўртача 15-49 ёш) 10-12 тадан фарзанд кўрганлар. Лекин ўлим холларининг юкорилиги туфайли ўлганлар сони жуда юкори бўлган. Натижада аҳолининг табиий ўсиши жуда паст бўлган. Масалан, Ўзбекистонда XIX аср охири – XX аср бошларида 1000 та аҳолига нисбатан 45-50 та бола туғилган бўлса, ўлим эса 40-45 кишини ташкил этган. Аҳолининг табиий ўсиши эса 5 кишига тенг бўлган. Бундай ҳолни дунёнинг деярли барча ҳудудларида ҳам кузатиш мумкин. XX асрда дунёс аҳолисининг саломатлиги борасидаги ижобий ҳаракатлар дунёда ўлимнинг камайишига ва аҳоли табиий ўсишининг ортиб боришига олиб келган.

22-жадвал

Дунё ҳудудларида аҳолининг табиий ўсиши (1000 та аҳолига нисбатан)*

Ҳудудлар	1950–1954 й.й.	1970–1974 й.й.	1980–1984 й.й.	2000–2001 й.й.	2004 йил
Дунё бўйича	17,7	19,4	16,6	11,0	12,0
Европа	8,9	5,7	3,0	- 1,0	- 2,0
Осиё	18,7	22,5	17,4	14,0	13,0
Африка	21,2	27,0	29,3	26,0	24,0
Америка	21,4	17,6	16,8	13,0	--
Шимолий Америка	15,6	7,2	7,0	5,0	4,0
Лотин Америка-си	27,1	15,7	23,4	18,9	16,0
Австралия ва Океания	15,2	13,1	12,4	11,0	10,0
Собиқ СССР**	17,0	9,2	8,6	--	--

* Население мира. М., 1989. С.243-244; Население и общество / Информ. бюллетень РАН. 2001. № 56; Население мира 2005. С.127-130 (БМТ маълумотлари).

** Собиқ СССР давлатлари 2001, 2004 йилларда Европа, Осиё таркибига кирган.

XX аср иккинчи ярмида аҳоли табиий ўсишида ижобий узгаришлар даври бўлди. Туғилиш нисбатан юкори даражада сакланиб турганлиги ҳолатида ўлим кескин камайди. Натижада аҳолининг табиий ўсиши 1960–1970 йилларида Осиё, Африка ва Лотин Америкаси ҳудудларида юкори бўлди. 1960–1965 йилларда дунё аҳолисининг табиий ўсиши 19,7 % ни, Марказий ва Жанубий Америка, Африка ва Осиёда 30,0 % гача кўтарилди. 1940–1950 йилларда ривожланган мамлакатларда туғилишнинг кўтарилиши ва ўлимнинг, айниқса, гўдаклар ўлимнинг кескин камайиши кузатилади. Бу жараённи аҳолишунос олимлар “беби-бум” деб аташган.

Агар 1950–1970 йиллар жаҳон аҳолиси табиий ўсишининг энг юқори даражада бўлган даври бўлса, 1980–1990 йиллардан бошлаб, дунё аҳолисининг табиий ўсиши мунтазам камайиб бормоқда. Бунинг асосий сабаби жаҳондаги барча давлатларда туғилиш даражасининг кескин камайиб кетаётганилигиdir. 1970 йилларда дунё аҳолисининг табиий ўсиши ҳар минг кишига нисбатан 19,4 % ни ташкил этган бўлса, 2004 йил бу кўрсаткич 12 % га тушди. Дунё бўйича аҳоли табиий ўсиши нисбатан юқори бўлган ҳудуд Африка бўлиб, бу ерда 2004 йил аҳолининг табиий ўсиши 24 % га тенгdir. Лекин Европада аҳвол бутуңлай бошқача. Бу ҳудудда ҳам XXI асрнинг дастлабки йилларидан бошлаб, аҳоли табиий ўсиши салбий хусусият касб этмоқда, яъни аҳоли сони камайиб бормоқда. Европа ҳудуди бўйлаб аҳолининг табиий ўсиши ўртача – 1-2 % ни ташкил этмоқда. Чунки ушбу ҳудудда туғилаётган аҳоли сонига нисбатан улаётган аҳоли сони бирмунча юқоридир.

XX аср иккинчи ярми – XXI аср бошларига келиб, сайёрамизда аҳоли табиий ўсиши билан баглиқ демографик муаммолар вужудга келди. Баъзи ҳудудларда моддий бойликлар ишлаб чиқаришга нисбатан аҳоли сонининг юқори суръат билан кўпайиши кузатилса, баъзи давлатларда эса аҳоли табиий ўсишининг кескин қисқариши, яъни демографик мезондан камайиб кетиши натижасида аҳолининг қариш жараёни кузатилмоқда.

Юкорида қайд этилганидек, дунё аҳолисининг кўпайиши ривожланаётган мамлакатлардаги аҳоли табиий ўсиши ҳисобига соидир бўлмоқда. Ушбу ҳудудларда аҳолининг тез суръат билан ўсиши XX аср иккинчи ярмидан бошлаб кузатилади. Масалан, 1900–1950 йилларда ривожланаётган давлатлар аҳолиси йилига ўртача 1 фоиздан кўпайиб келган бўлса, 1950–1955 йилларда бу кўрсаткич 2-3 фоизни ташкил этди. Африкадаги баъзи давлатларда эса аҳоли йилига ўртача 4 фоиздан кўпая бошлади. Ушбу давлатларда аҳолининг бундай тез кўпайиши, бутун ер шари аҳолиси миқдорининг ҳам кескин ошиб боришига олиб келди. Чунки Осиё, Африка ва Лотин Америкасидаги ривожланаётган давлатларда дунё аҳолисининг учдан икки қисми истиқомат этади. 1900–1920 йилларда бутун дунё аҳолиси йилига ўртача 9,7 миллиондан кўпайган бўлса, 1940–1960 йилларда ўртача 35,1 миллиондан кўпайди. 1966–1967 йилда эса ер шари аҳолиси 65 миллионга ошиди. Ундан 56 миллиони ривожланаётган давлатлар аҳолисининг кўпайиши

ҳисобига рўй берди. Дунё аҳолисининг бундай тез кўпайишини олимлар “демографик портлаш” деб изохладилар.

Аҳоли кўпайиши билан боғлиқ муаммолар айниқса, Ҳиндистон ва Хитой каби давлатлар учун жуда ташвишли кечмоқда.

Ҳиндистонда XX асрнинг 90-йилларида аҳолининг кўпайиб боришида рекорд тезлик қайд қилинган. Ушбу даврда Ҳиндистон аҳолиси 1 йилда 15,6 миллионга кўпайган. XXI асрга келиб, бу давлатда аҳоли сони 1 миллиарддан ошди.

Болаларнинг кўпайиши оиласда барака тимсоли, деб ҳисоблайдиган одамлар яшовчи мамлакатда туғилишнинг камайтирилиши осон кечмайди. Қадимда бу ерда худоларга қилинаётган илтижоларда одамлар ёмғир ва фарзандлар, айниқса ўғил болаларни, уларга юборилишини сурар эдилар. Шу боис, 1951 йилда мустақил Ҳиндистоннинг биринчи премьер-министри Жавоҳарлал Неру “Оилани режалаштириш дастурини” бошлаганда, бу ҳол ҳинд ва мусулмон руҳонийларининг кескин қаршилигига ва аҳолининг кўп кисми томонидан тушунмовчиликларга олиб келди.

Шундай бўлса-да, Нерунинг кизи Индира Ганди 1966 йилда премьер-министрлик лавозимини эгаллаб, мазкур дастурни фаоллаштиришга кириди. Бироқ, бешийиллик (1969–1974) режаларида кўзда тутилганидек, туғилишнинг 35 % дан 32 % га камайтиришнинг иложи бўлмади. Лекин, кейинги бешийилликда болалар туғилишини 30 % га тушириш режалаштирилди.

Давлатда туғилишни чеклаш, назорат этиш бўйича турли ҳаракатлар амалга оширилди. Лекин бу ҳаракатлар қатор қаршиликларга ҳам учради.

70-йиллар ўрталарида булиб ўтган сиёсий норозиликлардан сўнг давлатнинг демографик дастури “Оипанинг фаровоилиги дастури” деб атагадиган бўлди, унинг асосий мақсадлари қилиб эса “тарғибот ишлари” қўйилди. Уларни амалга ошириш учун хорижий мутахассислар, шунингдек, жамоатчилик ташкилотлари ҳам таклиф этилди.

1980 йили Ҳинд давлати раҳбарияти 2000 йилга мўлжалланган янги дастурни қабул қилди. Унга кўра, ҳар бир оиласда ўртача болалар сонини 4,4 дан 2,3 га камайтириш, туғилишнинг умумий коэффициентини эса 33% дан 21 % гача қисқартириш, ҳеч бўлмаганда, 60 % эр хотинлар доимий равишда ҳомиладорликнинг олдини

олувчи воситалардан фойдаланиши, шунингдек, болалар улимини камайтириш кўзда тутилган эди. Ҳинд соғлиқни саклаш ва оила фаровонлиги департаменти маълумотларига кўра, ҳозирги вактда ҳинд оиласарининг 45 фоизи ҳомиладорликнинг олдини олувчи воситалардан фойдаланишади, тугилиш эса бир оиласга 3,9 болагача камайган. Бироқ, Ҳиндистон давлати аҳоли ўсишининг режалаштирилган мезонига ҳали ҳам тўла эриша олгани йўқ.

Хитойда ҳам аҳоли кўпайиб кетиши муаммоси мавжуд. Бу ҳолни чукур англаш учун демоғрафик омилни ва сиёsatни ҳисобга олиш лозим. Расмий хабарларга кура, бугун мамлакатда 1,3 млрд.дан ортик аҳоли яшайди (у сайёра аҳолисининг 22 фоизини ташкил этади). 2030 йилда эса бу курсаткич 1,6 млрд.ни ташкил этади. Бироқ, кўпчилик Ғарб аналитик мағказлари Хитой аҳолисини ҳозирнинг ўзидаёқ 2,2 млрд. деб ҳисоблайдилар. Лекин, кўп ҳолларда 1,6 млрд раками кўлланилмоқда. Ғарб мутахассислари бу борада Хитой раҳбарияти дунёни хитойликларнинг ҳакиқий сони билан кўркитиб юбормаслиги ва аҳолисининг табиий ўсишини камайтириш борасидаги ўз муваффакиятсизликларини яшириш учун шундай маълумотлар беради, деб ҳисоблайдилар. Бироқ, расмий маълумотларни ҳисобга олган ҳолда ҳам, Хитойда хитойликларнинг сони бутун жаҳонда негроид иркига оид аҳолидан, Европа, Россия ва АҚШдаги европаликлардан кўпроқдир.

Бу кўп сонли аҳоли атроф-муҳитга жуда катта таъсир этади: ахир ҳар бир инсон ейиши, кийиши, таълим олиши ва меҳнат қилиши зарур. Йқтисодчёт кўламлари буйича Хитой АҚШдан сўнг иккинчи ўринда туришига қарамай, ялпи миллий даромад борасида (бир кишига ўртacha даромад ҳисобида) ҳали ҳам ривожланаётган мамлакатлар каторида қолмоқда.

70-йилларнинг биринчи ярмида Мао Цзэдуннинг муаллифи гидаги “Одамлар тўлқинлари” концепцияси натижасида аҳоли сони кескин кўпайиши туфайли, XXРнинг демографик ривожланишини қайта кўриб чиқиш ҳакида жиддий қарашлар бошланди. 10 йил ичиди (1964–1974) Хитойда аҳоли сони 700 млн.дан 900 млн.гacha кўпайди. Бироқ, расмий сиёsat доирасида туғилишни назорат килиш фақатгина 70-йилларнинг охирида бошланди. Ана шу даврда агар Хитойда аҳоли сони ўсишини тартибга солмаса, мамлакатнинг тақдирни хавф остида колиши маълум бўлди (Хитойда бутун

сайёрамиз аҳолисининг 1/5 қисми яшайди, хайдаладиган ерларнинг эса атиги 7 фоизи түғри келади). Бундай вазиятда фақат буйрукбозлик ва тақиқлашлар орқали таъсир кўрсатишнинг ўзи етмасди. Шу боис ҳам Хитойда тушунтириш ва зўрлаш усусларидан баравар қўлланилмоқда – мамлакатда кеч никоҳга кириш ва кеч фарзанд қўриши рағбатлантирилади. Хитойда “бир оила – бир фарзанд” тамойили тавсия этилган. Демографик сиёсатнинг мазкур асосий коидаларига риоя этиш Хитой фуқароларига қонун билан белгилаб қўйилган: XXР Конституциясининг 49-моддасида ҳар бир оила оилани режалаштириши зарур, деб таъкидланган.

Хитойда чеклаб қўниш сиёсатининг натижалари яққол намоён бўлди. Хитой аҳолишунослик жамиятининг вице-президенти сўзларига кўра, тугилишни режалаштириш сиёсати олиб борилаётган 20 йил давомида Хитой раҳбарияти уч кўрсаткични: тугилиш, ўлим, аҳолининг ўсиш дараҷасини пасайтиришга муваффак бўлди. Агар 1969 йили тугилишнинг коэффициенти ҳар 1000 кишига 34,1ни ташкил қиласа бўлса, ўттиз йил ўтгач, 16,0 га тушди. Ўша давр (20 йил) мобайнида аҳолининг табиий ўсиши деярли 6 марта камайди (1000 кишига 26,1дан 4,5 кишига). Шундай қилиб, Хитой кўшимча 300 млн. “офиз” кулфатидан халос бўла олди.

Хитойда аҳоли ўсишини чеклаш муаммосининг ҳал этилиши билан бошқа муаммо, аникроғи қариб бориши муаммоси вужудга келмоқда. Мутахассисларнинг фикрига кўра, 2040 йилда қари ёшдаги хитойликлар аҳолининг $\frac{1}{4}$ қисмини ташкил қиласди. Қариялар салмоғи 20 ёшгача бўлган ёшларга нисбатан 2–3 марта кўп бўлади. Ҳар бир оила бир фарзанддан ташқари яна 4 нафар қарияни таъминлаши керак бўлади; бу эса, ўз навбатида, давлат бюджети учун кўшимча харажаттага (нафақага, юқтимоий муҳофазага, тиббий хизматга) олиб келади.

Хитой олдида турган яна бир демографик муаммо – бу бутун мамлакат бўйлаб шаҳарларда иш излаб юрган дехқонлар тугилиш масаласи. Аниқ рўйхатга олишининг иложи бўлмаган бундай мигрантларнинг сони 80 млн.дан ортиқ. Ҳар бирини кузатишнинг иложи йўқ, шунинг учун ҳам улар муҳитига аҳолини қайта барпо этишини режалаштириш деярли мумкин эмас. Статистик маълумотларга кўра, тугилишнинг энг юқори кўрсаткичлари мамлакатнинг чет вилоятларида кузатилмоқда; у ерларда эрта никоҳ куриш ҳоллари жуда кўп учрайди, эксперtlарнинг маълумотларига кўра,

бу ҳолнинг сабаби, чет худудларда аҳоли саводлилик даражасининг пастлигидир. Расмий маълумотларга кўра, XXРда 15 ёшдан ошган саводсизларнинг сони 180 млн.ни ташкил этади, бу эса бутун аҳолининг 15,8 фоизидир ва бу ҳам ўзига хос бир муаммодир.

Хитой мутахассислари башоратига кўра, аҳоли ўсиши 2050 йили нолга тушар экан. Айнан мазкур 100 йилик ўрталарида Хитой дунёнинг ўртacha ривожланган мамлакатлар қаторига қўшилишни режалаштирган¹.

Африкадаги қатор давлатлар, жумладан, Шимолий Африкадаги Фарбий Саҳрон Кабир, Судан, Жанубий Африкадаги Намибия, Свазиленд давлатлари, шунингдек, Фарбий, Марказий ва Жанубий Осиёдаги баъзи давлатлар (Саудия Арабистони, Кувайт, Эрон, Уммон, Фаластин, Яман, Афғонистон, Бутан, Лаос)да ҳозирги даврда ҳам аҳолининг табиий ўсиши анча юқори даражада сакланиб келмоқда ва уларда ҳам аҳолининг кўпайиб кетиши муаммоси қайд этилмоқда. Аҳолининг бундай тез суръат билан ўсиши эса жиддий иқтисодий муаммоларни келтириб чиқаради.

АҲОЛИНИНГ ЖИНСИЙ ВА ЁШ ТАРКИБИ

Дунё худудларининг демографик ривожланишида аҳолининг жинсий ва ёш таркиби асосий омил ҳисобланади, чунки жинсий мутаносиблик никоҳга киришга, янги оиласар шаклланишига, авлодлар давомийлигига имконият яратади.

Аҳолининг жинсий таркиби уч асосий омил таъсирида шаклланади: янги туғилганлардаги жинсий нисбат; ўлимдаги жинсий фарқ, аҳоли миграциясидаги жинсий фарқ.

Хар бир худуд ёки давлатнинг ижтимоий-иқтисодий ва демографик ривожланиши аҳолининг ёш таркибига боғлиқдир. Аҳоли ёш групхлари ва демографик жараёнтар ўзаро узвий боғлиқ ҳолда шаклланади. Аҳоли таркибida ёшлар (16–29 ёш) салмоғининг юқорилиги никоҳ ва туғилиш жараёнларига ижобий таъсир этади, болалар (0–14 ёш) салмоғининг кўплиги эса меҳнат ресурслари шаклланишида муҳим омилдир. Шунингдек, аҳолининг жинсий ва ёш таркиби қатор ижтимоий-иқтисодий дастурлар тузишда (меҳнат ресурсларини мактабгача ёшдаги ва мактаб ёшидаги болаларни,

¹ Экономическое обозрение. Ташкент, 2001. № 1. С.57-59.

нафақадагиларни хисоблаганда ижтимоий ҳимоя гурӯхларини аниқлашда ва ҳ.к.) асос булиб хизмат қиласди.

Аҳолининг жинсий таркиби. Статистик маълумотлар ва илмий адабиётларда қайд этилишича, дунё бўйича қиз болаларга нисбатан ўғил болалар кўпроқ тугилар экан. Маълумотлар кўрсатишича, дунёда ҳар 100 та қиз болага тугилган ўғил болалар сони 104–107 ни ташкил этади. Ўғил болалар салмоғининг қиз болаларга нисбатан юқорилиги кўп ҳолларда 15–20 ёшларга қадар сакланиб боради. Асосан, 20–24 ёшларда жинслар нисбатан тенгглашади. Ундан кейин эса аста-секин жами аҳоли таркибидаги эркакларга қараганда аёллар салмоғи ортиб боради. Бу ҳол қатор омиллар билан боғлиқдир. Уларга болалик даврида ўғил болалар қиз болаларга нисбатан кўпроқ ҳасталаниши, баҳтсиз ҳодисалар ва эркакларнинг ўзига хос турмуш тарзи кабиларни киритиш мумкин. Шунингдек, эркакларнинг кўп кисми ёшлик ва ўрта ёшлик даврида оғир меҳнат билан машғул булиб, инсон саломатлиги учун заарли бўлган алкоголизм, чекиши каби одатлар билан шуғулланадилар. Юқорида келтирилган турмуш тарзига хос омиллар ҳамда халқлар орасида, давлатлар орасида рўй бериб турадиган урушлар эркакларнинг ҳаётдан барвакт кўз юмишига олиб келади.¹ Шундай бўлса-да аҳоли жинсий таркибининг шаклланиши дунё худудларининг ҳар бирида ўзига хос хусусиятга эгадир. Ушбу хусусиятлар, юқорида қайд этилганидек, ана шу худуднинг ижтимоий-иқтисодий шароитлари билан ифодаланади.

Европада XIX асрнинг охирида ҳар 1000 эркакка 1025 та. 1950 йилларда эса 1070 та аёл тўғри келган. Европада аёллар салмоғининг ошиб бориши иккита жаҳон урушлари туфайли кўғлаб эркакларнинг ҳалок булиши ҳамда эмиграциянинг кучайиши билан изоҳланади. Биринчи ва Иккинчи жаҳон урушлари Европа аҳолисининг жинсий таркибига салбий таъсир кўрсатган. Биринчи жаҳон урушида 3,6 миллион киши ҳалок бўлган. Иккинчи жаҳон урушида эса собиқ СССР 20 миллион, Польша 6 миллион. Югославия 1 миллион 700 минг, Англия 375 минг, Германия 10 миллион аҳолини йўқотган, улардан асосий қисми эркаклар бўлган².

¹ Асанов Г.Р. Аҳоли географияси. Т., 1978. 75 бет; Бўриева М.Р. Узбекистонда оила демографияси. Т., 1987. 57 бет.

² Асанов Г.Р. Дунё аҳолиси. Т., 1969. 40-бет.

Биринчи ва Иккинчи жаҳон урушидан айнисса, Германия аҳолиси кўп талофат кўрган. 1914–1918 йилларда Германияда 3 миллион аҳоли (2 миллион ҳарбийлар, 1 миллион фуқаролар) ҳалок бўлган, 1915–1919 йилларда тинчлик йилларига нисбатан 3–3,5 миллион бола кам туғилган. Биринчи жаҳон уруши оқибатида Германия аҳолиси 6–6,5 миллион кишига камайди¹.

23-жадвал

**Дунё аҳолисининг жинсий таркиби
1959 йил* (фоизда)**

<i>Худудлар</i>	<i>Эркаклар</i>	<i>Аёллар</i>
Дунё бўйича	50,3	49,7
Собиқ СССР**	45,6	54,4
Европа	48,2	51,8
Осиё	51,4	48,6
Африка	49,8	50,2
Америка	49,7	50,3
Австралия ва Океания	50,1	49,9

* Население мира. М., 1965. С.114.

** 1 январь 1964 йил маълумотлари.

Аҳолининг жинсий таркибига уруш таъсирини ҳатто, Ўзбекистонда ҳам кузатиш мумкин. 1939 йилги аҳоли рўйхати маълумотларига асосан республикада аҳолининг 52 фоизини эркаклар, 48 фоизини аёллар ташкил этган. 1959 йилда ўтказилган аҳоли рўйхати маълумотлари эса эркаклар салмоғининг 48 фоизга тушганилигидан гувоҳлик беради².

XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб, Европадаги қатор давлатларда, жинсий мутаносиблик бирмунча яхшилана бошлади. Масалан, Австрияда 1951 йили эркаклар жами аҳолининг 46,4 фоизини ташкил этган бўлса, 1961 йили 46,9 фоизини ташкил этган. Бу кўрсаткич Польшада мос равища: 46,2 %, 48,2 %; Германияда – 46,8 %, 47,3 %; Швецарияда – 48,2 %, 49,2 %; Финляндияда – 47,8 %, 48,3 % ни ташкил этган. Ана шундай жинсий мутаносиблик Европанинг қолган давлатларида ҳам кузатилади. Фақат Албания, Ирландия ва Исландия давлатларида ҳам аҳоли таркибида эркаклар салмоғи юқорироқ бўлиб, 1961 йили мос равища 51,3 %, 50,4 %, 50,5 % ни ташкил этган. Ушбу давлатларда эркаклар салмоғининг

¹ Ўша жойда, 42-43 бетлар.

² Итоги всесоюзной переписи населения 1959 года. М., 1962. С.22.

юкорилиги күпчилик аёлларнинг оғир турмуш тарзи туфайли күпроқ ва эртароқ ҳаётдан кўз юмишлари, Ирландиядан эса аёлларнинг ишлаш учун Буюк Британияга эмиграция этишлариидир.

Европа давлатларида аҳоли таркибida аёллар салмоғининг бирмунча юкорилиги XX асрнинг сўнгги 25-30-йилларида ҳам кузатилади. Шарқий Европа давлатларида 35-39 ёш гуруҳига қадар эркаклар салмоғининг аёллардан юкорилиги қайд этилади. 40 ёшдан бошлаб эса, аксинча, эркаклар салмоғи камая боради. Шарқий ва Farbий Европадаги қатор давлатларда 15-59 ёш гурухларида аёллар ва эркаклар салмоғининг мутаносиблиги қайд этилади. 60 ёшдан бошлаб, аёллар салмоғи ошиб боради. Мазкур ҳол қайд этилганидек, эркакларнинг ўзига хос турмуш тарзи билан изоҳланади. Бундай вазиятни Франция, Германия, Нидерландия каби давлатларда 40-44, 45-49 ёш гурухларидан бошлаб кузатиш мумкин.

Хозирги даврда ҳам (XXI аср бошлари) дунёда, аҳоли таркибida аёллар салмоғи юқори бўлган қитъа Европадир. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти маълумотларига қараганда Европадаги давлатларда ҳозирги даврда ҳар 100 та эркакка 103-106 тадан аёл тўғри келар экан. Бу ҳолатнинг асосий сабаби европалик аёлларнинг оиласда ва ижтимоий ҳаётда тутган ўрнидир. Биринчи навбатда уларнинг оиласда жуда кам факат битта-иккита фарзанд кўришади. Чунки аёл ўз ҳаёти давомида оиласда қанча кўп фарзанд кўрса, уларни тарбиялаб вояга етказиш борасида, унинг ҳаётидаги масъулияти ҳам шунчалик юқори бўлади. Иккинчидан, Европа аёллари маълумотлилигининг нисбатан юкорилиги, яъни саводхонлиги, улар яшаётган жамиятнинг иқтисодий шароитлари юкорилиги, тиббий хизмат кўрсатишнинг ривожланганилиги ҳамда Европанинг географик ҳолати, иқлими аёллар саломатлигига ижобий таъсири этади.

Европада жойлашган Иордания давлати дунё бўйича эркаклар салмоғи юқори давлат ҳисобланади. Унда ҳар 1000 та аёлга 1097 та эркак тўғри келар экан. Бунинг асосий сабаби, Иордания ва бошқа ривожланаётган мамлакатларда аёллар турмуш тарзининг бирмунча оғирлигидир. Бу мамлакатларда аёллар асосан эрта турмушга чиқадилар, кўп бола туғадилар ва аёл организми учун оғир бўлган ишлар, қишлоқ хўжалиги ишлари билан шугулланадилар. Уларнинг иқтисодий ҳаёт даражаси ривожланган давлатлардаги аёлларга

нисбатан анча паст. Ундан ташқари қатор давлатларда киз бола тарбиясига яхши эътибор берилмаслиги натижасида, кизлар ва аёллар ўртасида ўлим ҳоллари, эркакларникига караганда кўпроқ учрайди.

Болтиқбўйи республикаларида эркаклар салмоғи энг паст эди. 1959 йили Эстония ва Латвияда эркаклар 43,9 % ни, Литвада 45,9 % ни ташкил этганлар. Айни вактда Россияда уларнинг салмоғи 44,6 %, Украинада 44,4%, Белоруссияда 44,5 %, Грузияда 46,1 % ни ташкил этган булиб, бу кўрсаткичлар дунё худудлари бўйича энг паст ҳисобланган.

Осиё давлатлари аҳолисининг жинсий таржиби ўзига хос бўлиб, уларнинг кўпчилигига эркаклар салмоғининг юқорилиги қайд этилади. Масалан, Хитой, Хиндистон, Бирма, Покистон, Суряя, Таиланд, Туркия, Филиппин, Цейлон, Малайзия, Камбоджа, Эрон, Ирок, Ироил давлатларида 1941–1961 йилларда эркаклар салмоғи 50,3–52,5 % ни ташкил этган. Бунинг сабаби аёлларнинг эркакларга нисбатан камроқ умр куриши, қатор давлатларда эса туғилишнинг жуда юқорилиги ҳамда оналар ўлимининг кўп учраши. Бундай ҳолатни Ироилда кузатиш мумкин. Осиёда жойлашган Вьетнам, Япония давлатларида урушлар туфайли эркаклар салмоғи 1950–1960 йилларда 48,3; 49,2 фоизни ташкил этган. Ушбу даврда Хиндистон, Покистон давлатларида бирмунча жинсий тенглик кузатила бошланди. 1960 йилларда Хитойда эркаклар аёллардан 21 миллион, Хиндистонда 13 миллион, Покистонда 5 миллион ортиқ бўлган. 1970–1995 йилларда ҳам Осиёдаги қатор давлатларда эркаклар салмоғининг юқорилиги давом этди. Хитой, Сянган давлатларида 60–64 ёшга қадар эркаклар салмоғининг юқорилиги кузатиласди. 65 ва ундан юқори ёш гурухларида эса аёллар салмоғи ортиб боради. Бирма, Индонезия давлатларида эса аёллар салмоғи 25–29 ёшлардан бошлаб ортиб боради. Жанубий Осиё давлатларида эса эркаклар салмоғининг бир оз юқорилиги барча ёш гурухларида кузатиласди.

Жанубий Корея давлатида 50–54 ёш гурухларидан бошлаб, аёллар салмоғи юқори бўлиб борди.

Жанубий Осиёда жойлашган давлатларда деярли барча ёш гурухларида эркаклар салмоғи юқори бўлган. Айниқса, Непал давлатида 1970–1985 йилларда эркаклар салмоғи ошиб борган. Ана шундай ҳолат Иордания, Суряя давлатларида ҳам кузатилди.

Осиё давлатларидан Япония, Бирма, Индонезия, Иордания, Яман Араб Республикасида эркаклар салмоғи аёлларга нисбатан бирмунча камдир. Масалан, 1982–1986 йилларда юқорида қайд этилган давлатлар мөс равишида ҳар 1000 аёлга 967; 989; 991; 996 ва 910 эркак тұғри келген. Бунинг сабаби ушбу давлатларда туғилишининг нисбатан камайиб бориши, аёллар умр күриш муддатининг узайышы, маълумотлилік даражасининг ошиб бориши ва аёллар турмуштарындағы ижобий үзгаришлардир.

24-жадвал

**Дунё худудлари бүйлаб аҳолининг жинсий таркиби
(1000 та аёлга нисбатан эркаклар сони)***

Худудлар	Жами	1970 й.			Жами	1985 й.			
		Жумладан, ёш гурухларда				Жумладан, ёш гурухларда			
		0–14	15–64	65 ва юқ.		0–14	15–64	65 ва юқ.	
Дунё бүйіча	1002	10039	1005	757	1009	1040	1020	742	
Собиқ СССР	855	1038	843	441	891	1029	937	444	
Европа	945	1047	965	670	952	1060	1000	649	
Осиё	1041	1045	1050	898	1042	1050	1049	879	
Африка	989	1017	976	841	986	1008	979	889	
Америка	985	1031	983	767	982	1029	990	741	
Океания	1027	1055	1054	742	1016	1059	1039	818	

* Население мира. М., 1989. С.275.

Осиё давлатларида аёллар салмоғининг камлиги XX аср охири – XXI аср бошларыда ҳам давом этмоқда. Бу ҳолат Осиёдаги қатор давлатларда аёл дискриминацияси, яни аёл шахсисининг камситилиши билан бөлгілік дір. Чунки күп ҳолларда оила факат үғил булиши ёки үғил қиздан құра күпроқ булишига ҳаракат килинади. Натижада ҳомила қиз эканлиғи маълум бүлгач, уни тиббий йүл билан ійүк этилади. Бу ҳолни адабиётларда “бала үлдириш” деб ҳам атайдып. Натижада туғылған болалар салмоғида үғил болалар соңи күп булиб чиқади. Масалан (1998 й. маълумоти), Хитой ва Кореяда ҳар 100 үғил болага 88 та қиз бола, Ҳиндистонда 91 ва Покистонда 92 та қиз бола туғылған. Демек, келажакда бу давлатларда эркакларнинг салмоғи ошиб бориши аник. Осиёда жойлашған Саудия Арабистони, Бирлашған Араб Амирликтери каби нефть қазиб олинадиган давлатларда ҳар 100 эркакка 52-85 тағача аёл тұғри келади. Сабаби бу давлатларда нефть саноатида ишлаш учун келған эркаклар – иммигрантлар күпчиликни ташкил этади.

Африка давлатларида аҳолининг жинсий таркибида нисбатан мутаносиблик кузатилади. 1959 йил маълумотига асосан Африка аҳолисининг 49,8 % ини эркаклар, 50,2 % ини аёллар ташкил этган. Мазкур даврда аёллар эркакларга нисбатан ортиқилиги бир миллион атрофида бўлган. Африканинг баъзи давлатларида эса эркаклар салмоги анчагина юқори эди. Масалан, 1954 йили Ливия аҳолисининг 56,4 % ини эркаклар ташкил этган. Бу кўрсаткич Анголада – 51,2 % (1960 й), Жазоирда – 51,3 % (1954 й), Жанубий Африка Республикасида – 50,6 % (1956 й.) ва Ганада – 50,5 % (1960 й.) бўлганилиги қайд этилган. Ушбу давлатларда эркаклар салмоғининг юкорилигига маълум даражада иммиграция ҳам таъсир кўрсатган, чунки иммигрантларнинг кўпчилиги эркаклар бўлган. Африканинг Гвинея, Мозамбик, Танъганика каби давлатларида эркаклар салмоги аёллардан кам бўлиб, 48-49 % ни ташкил этган.

1985 йилларда эса БМТ маълумотларига кўра, Африкада аёллар салмоги бир оз кўтарилган (аёллар эркаклардан 4 миллионга кўп бўлган). Шаркий Африкадаги Бурунди, Замбия, Мадагаскар, Мозамбик ва Сомали давлатларида 5-9 ёш гурухларидан бошлаб, қизлар салмоғининг юкорилигига кузатилади. Қизлар салмоғининг юкорилиги Зимбабве, Малави ва Руанда давлатларида 0-4 ёшдан бошланади. Бунинг сабаби гўдаклик давридаёт ўтил болалар ўлимининг юкорилигидир.

Гарбий Африка давлатларида эса ўзгачароқ ҳолатни кузатиш мумкин. Буркино-Фасо, Либерия, Мали давлатларида ҳар бир ёш гурухида эркаклар салмоғи юқори.

Шимолий Африканинг МСР, Марокаш, Судан, Тунис давлатларида 20 ёшларга қадар эркаклар салмоғи юқори бўлиб, кейинги ёш гурухларида тенглаша бошлайди. Жазоир ва Суданда 30-34 ёшдан бошлаб, аёллар салмоғи ортиб боради.

Марказий Африкада жойлашган давлатларда эркаклар салмоғи аёлларнидан юқори. Ангола давлатида 5-9 ёш, Зоирда 15-19 ёш, Камерунда 45-49 ёш гурухларидан бошлаб, аёллар салмоғи кўтарилди.

Жанубий Африкада жойлашган Лесото, Свазиленд давлатларида эса аёллар салмоғи юқоридир. Колган давлатларида, аксинча, эркаклар аёлларга нисбатан 50-54 ёшларга қадар кўпроқдир. Умуман, Африканинг жанубий давлатларида XX асрнинг иккинчи ярмида аёллар салмоғи ортиқроқ бўлган (25-жадвал).

Африка китъасида аҳолининг жинсий таркиби унинг шимолий қисмида ҳамда Лотин Америкаси ҳудудида жойлашған давлатларда фарқ қиласи. Ижтимоий ривожланган давлатлар ичида АҚШда аёллар салмоги анча юкори. АҚШда 1950–1960 йилларда жами аҳолининг 49,7–49,4 % ини эркаклар ташкил этган.

25-жадвал

Дунё аҳолисининг жинсий таркиби (ҳар 100 эркакка нисбатан аёллар сони) 1970 ва 1995 йиллар*

	Худудлар	1970 й.	1995 й.
Ривожланган давлатлар	Европа	106	105
	Бошқа ривожланган давлатлар	101	103
Африка	Шимолий Африка	99	97
	Жанубий Африка (Саҳрои Кабирдан бошлаб жанубда жойлашған давлатлар)	104	102
Америка	Лотин Америкаси	99	100
	Кариб ҳавзаси	106	103
Осие	Шаркий Осиё	98	97
	Жанубий Осиё	95	95
	Марказий Осиё	--	104
	Ғарбий Осиё	90	92
Океания	Океания	93	95
Дунё бўйича		99,6	98,6

* Женщины мира, 1995 год. БМТ маълумотлари.

Лекин XIX аср бошларида АҚШ аҳолиси таркибида иммигрант эркакларнинг мунтазам қўпайиб бориши натижасида аёллар салмоги бирмунча пастрок эди. Масалан, 1900 йили АҚШда эркаклар 51,2 %, аёллар 48,8% ни, 1920 йили бу кўрсаткичлар мос равишда 51,0 % ва 49,0 % ни; 1940 йили 50,2 % ва 49,8 % га тенг бўлган. XIX асрнинг иккинчи ярмида эса иммиграция қисқариб, аёллар ва эркаклар салмоги мутаносиблашиб борди.

Иммиграция жараёни таъсири Канада, Венесуэла ва Аргентина каби давлатлар аҳолиси таркибига ҳам таъсир этган. Боливия, Бразилия, Гаити, Куба, Мексика, Парагвай, Перу, Пуэрто-Рико, Эквадор, Чили каби давлатларда эса аёллар салмоги юқориrok бўлган.

XIX асрнинг сўнгги чорагининг охирларида Америкадаги дечарли барча давлатларда аёллар эркакларга нисбатан кўпроқ бўлган. БМТ маълумотларга кўра 1985 йилда Америкада эркакларга нисбатан

аёллар б миљионга кўп экан. Айникса, Кариб ҳудудида жойлашган, қатор давлатларда (Кубадан ташқари) аёллар салмоги юкорилиги кузатилган. Пуэрто-Рико, Доминикана Республика-ларида 15-19, 20-24 ёш гурухларидан бошлаб, аёллар салмоги ортиб борган.

Марказий Америка давлатларида Гватемала, Гондурас, Мексика, Панама давлатларида эркаклар салмоги бирмунча юкори булиб, Коста-Рика, Никарагуа, Сальвадорда эса аксинча, аёллар салмоги юкорирок бўлган.

ХХ асрнинг 80 йилларида Жанубий Америкада жойлашган Венесуэла, Гайана, Парагвай, Перу, Эквадор давлатларида аёллар салмогининг нисбатан камлиги кузатилади. Боливия, Бразилия, Колумбия, Суринам давлатларида эса ушбу даврда ёёллар салмоги юкорирок бўлган. Мазкур давлатларнинг барчасида ҳам болалар таркибида ўғиши болалар салмоги юкори булиб, бу ҳолат 15-59 ёш гурухларидан ҳам маълум даражада давом этган. 60 ёшлардан сўнг эркаклар умр кўриш муддатининг қисқаргани сабабли, аёллар салмоги ортиб борган.

ХХ асрнинг охириги чорагида ҳам Шимолий Америка давлатларида аёллар салмоги юкорилигича сакланиб қолди. Бундай ҳолат айникса, АҚШда кўзга ташланади: 30-34 ёшдан бошлаб, эркаклар салмоги камайиб боради.

Австралия ва Океанияда жойлашган Австралия, Янги Зеландия давлатларида ХХ асрнинг биринчи ярмида эркаклар салмоги юкори бўлган. Бунинг асосий сабаби ушбу ҳудудга дунёнинг барча давлатларида келган иммигрант эркаклар салмогининг юкорилигидир. 1960 йилларда Австралия аҳолиси таркибида эркаклар 50,6 % ни, аёллар 49,4 % ни, Янги Зеландияда эса эркаклар 50,4% ни, аёллар 49,6 % ни ташкил этганлар. Ушбу даврда Океаниянинг бошқа давлатларида эркаклар салмоги яна ҳам юкори булиб, Гуамда 58,5 %, Янги Каледонияда 52,7 %, Фижида 51,8 %, Фарбий Самоада 51,6 % га етган. 1980-1990 йилларда ҳам Океания давлатларида юкорида қайд этилган ҳолат давом этади. Лекин фан, техника ва маданият кўпроқ ривожланган Австралия ва Янги Зеландияда мазкур даврда 15-19 ёшдан бошлаб, аёллар салмоги ортиб борган. Қолган давлатларда эса эркаклар салмогининг юкорилиги ҳамон кузатилмоқда.

МДХ таркибига киравчи давлатлар ичида аҳолиси энг күп давлат Россия давлатидир. XIX асрнинг охирида Россияда эркаклар аёлларга нисбатан камрок эди. 1897 йилги аҳоли рўйхати даврида Россияда 1000 та эркакка ўртacha 1010 та, баъзи худудларида эса 1041 та аёл тўғри келган. Лекин МДҲнинг жанубий худудларида жойлашган Ўрта Осиё республикаларида аёллар салмоғи сезипарли кам бўлган, 1000 та эркакка 860 та аёл тўғри келган. МДҲда айниқса, Европа кисмидаги республикаларда 1926, 1939 йиллардаги аҳоли рўйхатлари маълумотларида ҳам жинсий таркибдаги фарқ, яъни аёллар салмоғининг юқорилиги ортиб борган. Бу ҳолга урушларда эркакларнинг кўплаб ҳалок бўлганлиги асосий сабаб бўлган.

Иккинчи жаҳон урушидан кейинги даврда, аниқроғи 1959 йилда ўтказилган аҳоли рўйхатига кўра ёш авлод ҳисобига аёллар ва эркаклар мутаносиблиги бирмунча яхшилангани кузатилади, ҳар 1000 эркакка 1221 та аёл тўғри келган. Аёллар салмоғининг юқорилиги 15-19 ёш гурухларидан бошлаб қайд этилган. 1964 йилларда 1000 та эркакка 1193 та аёл тўғри келган.

Эркаклар салмоғи Ўзбекистон (48,0 %), Тожикистон (48,7 %), Туркменистон (48,2 %), Киргизистон (47,2 %), Қозоғистон (47,5 %), Озарбайжон (47,5 %) ва Арманистон (47,8 %) Республикаларида юқорироқ бўлган.

МДҲ давлатлари шаҳарларининг аксарият кисмida эркаклар салмоғи юқорироқ бўлган. Мазкур ҳолат шаҳарларда оғир саноат тармоқлари ривожлангани ва бу соҳада кўпроқ эркак ишчи кучи зарур бўлгани билан боғлиқ (Урал, Донбасс, Днепропетровск ва б. Бироқ, баъзи шаҳарлар ихтисослигига енгил саноат етакчилик қилган, шу боис, уларда аёллар салмоғи юқорироқ бўлган (Владимир, Иванов, Кастрома шаҳарларида аёллар 57-58% ни ташкил этганлар).

XX аср охири – XXI аср бошларида ҳам МДҲ таркибидаги Европа кисмida жойлашган давлатларда аёллар салмоғининг юқорилиги давом этиб келди. Эркаклар ва аёллар тенглиги ёш гурухларда (30-34 ёш) кузатилади. Ундан кейин Иккинчи жаҳон уруши таъсири остида кўп эркаклар ҳалок бўлгани туфайли аёллар салмоғи ортиб борди. Ўрта Осиё республикаларида аҳоли жинсий таркиби, тугилишнинг нисбатан юқори дараҷада бўлиши ва ёш авлод вакилларининг кўплиги аёллар ва эркаклар салмоғида мутаносибликни вужудга келтирди.

Шундай қилиб, XX аср охири – XXI аср бошларида бутун дүнё аҳолиси таркибида эркаклар аёлларға нисбатан бир оз күпроқ экани маълум бўлди. Лекин яқин келажакда, ер куррасидаги қатор худудларда аёл турмуш тарзининг яхшиланиши, туғилишининг камайиб бориши ҳоллари аҳоли таркибида аёллар салмоғининг ортиб боришига олиб келмоқда.

Хозирги даврда (XXI аср бошлари) сайёрамиз аҳолисининг жинсий мутаносиблиги ёш гуруҳлари бўйича кескин фарқ қиласади. Тадқиқотларнинг кўрсатишича, дунёдаги барча давлатларда ҳам 0–14 ёш гуруҳларида ўғил болалар қиз болаларга нисбатан күпроқ экан. Бу ҳол юқорида таъкидлаганимиздек, ўғил болаларнинг күпроқ туғилиши билан боғликдир. 15–64 ёш гуруҳларида эса аёллар ва эркаклар салмоғи дунё бўйича бирмунча тенглашади ва ҳар минг аёлга 1020 эркак тўғри келади. Лекин бу нисбийлик ҳамма китъаларда ҳам бир хил эмас. Европада – 1000, Осиёда – 1049, Африкада – 979, Америкада – 990, Океанияда – 1039 та тўғри келған. Ўзбекистон учун мазкур кўрсаткич 996 тани ташкил этади. 65 ва ундан юқори ёш гуруҳларидаги аёлларга ер юзида 742, Европада 649, Осиёда 879, Африкада 889, Америкада 741, Океанияда 818, МДҲ таркибига кирган давлатларда 444 та эркак тўғри келади. Ўзбекистонда бу кўрсаткич 580 тани ташкил этади.

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, Иккинчи жаҳон урушида Европадаги қатор давлатлар, айниқса, собиқ СССРда жуда кўп эркаклар ҳалок бўлган. Шунинг учун ҳам XX асрнинг охирига қадар аҳоли таркибида аёллар нисбатан энг юқори бўлган давлат собиқ СССР ҳисобланар эди. Чунончи 1989 йилда бу давлатда ҳар 1000 аёлга 891 та эркак тўғри келган.

Юқорида келтирилган маълумотлар дунё аҳолисининг жинсий таркибидаги умумий ўзгаришларни кўрсатади.

Аҳолининг ёш таркиби жуда кадимдан шаклланиб келган демографик ҳолатнинг натижаси бўлиб, у айни пайтда демографик истиқболнинг замини ҳамдир. Илмий ва статистик манбаларда аҳолини иқтисодий-демографик нуқтаи назардан уч гурухга ажратадилар: болалар 0–14 ёш; меҳнат ёшидаги аҳоли 15–64 ёш; қариялар 65 ва ундан юқори ўшдагилар.

Аҳолининг ёш таркиби эса асосан, унинг табиий кўпайишига боғлик. Туғилиш юқори бўлган ҳолтларда аҳоли таркибида болалар салмоғи юқори бўлади ёки аксинча, туғилиш паст, аҳолининг

ўртача умр кўриш муддати нисбатан узок бўлган ҳолларда аҳоли таркибида қариялар салмогининг юқори бўлиши кузатилади.

XX аср бошларида швед демографи Г. Сундберг аҳоли ёш таркибини уч хилга ажратган: прогрессив, стационар, регрессив.

Прогрессив ёш таркибида аҳоли умумий микдорида болалар (0–14 ёшдаги) салмоги қарияларга (65 ёш ва ундан юқори) нисбатан юқори бўлади. Бундай ҳолат туғилиш даражаси юқори бўлганда кузатилади ва аҳоли мунтазам кўпайиб боришини таъминтайди.

Стационар ёш таркибида аҳоли умумий микдорида қариялар салмоги билан болалар салмоги тенгdir; аҳоли сони бир микдорда туради ва аҳолининг кўпайиб ёки камайиб кетиши кузатилмайди.

Регрессив ёш таркибида аҳоли умумий сонида қариялар салмоги болаларга қараганда юқори бўлади. Бундай ҳолда эса аҳоли сони аста-секин камайиб бориб “депопулация” ҳолати юз беради. Аҳоли қарип боради.

XX аср давомида дунё худудлари аҳолиси ёш таркибида кескин ўзгаришлар кузатилади.

26-жадвал

Дунё аҳолисининг ёш таркиби *
(жами аҳолига нисбатан фоиз ҳисобида)

Худудлар	0-14 ёш			15-64 ёш			65 ва ёндан юқори		
	1970 й	1985 й	2004 й	1970 й	1985 й	2004 й	1970 й	1985 й	2004 й
Дунё бўйича	36,6	33,7	30,0	57,9	66,6	63,0	5,5	5,7	7,0
Европа	24,9	20,9	18,0	63,7	66,7	66,0	11,4	12,4	16,0
Осиё	38,9	35,0	30,0	57,0	60,6	66,0	4,1	4,4	6,0
Африка	44,1	45,4	42,0	53,0	51,5	55,0	2,9	3,1	3,0
Америка	36,4	31,6	21,0	57,2	61,2	67,0	6,4	7,2	12,0
Океания	32,2	33,7	30,0	60,5	66,6	63,0	7,3	5,7	7,0

* Население мира. М., 1989. С. 292; БМТ маълумоти.

Европа давлатлари аҳолиси ёш таркибини унинг 1950–1960 йиллардаги ҳолати бўйича мутахассислар уч гурухга ажраттганлар. Биринчи гурухга Австрия, Бельгия, Буюк Британия, Германия, Италия, Люксембург, Швейцария ва Швеция давлатлари киради ва уларда ёшлар салмоги учча юқори эмас, 25 фоизни, қариялар салмоги эса 15 фоизни ташкил этган. Иккинчи гурухга Болгария, Венгрия, Греци, Дания, Испания, Норвегия, Португалия, Руминия,

Франция ва Чехия ва Словакия давлатлари киригилади, ушбу давлатларда ёшлар салмоғи ўртача мавкеда бўлиб, 25–30 фоизни, қариялар эса 10–15 фоизни ташкил этган. Учинчи гурухга туғилиш даражаси нисбатан юқори бўлган Албания, Ирландия, Исландия, Мальта, Польша, Финляндия ва Югославия давлатлари киради ва уларда ёшлар жами аҳолининг 30–35 фоизини қариялар эса 8–12 фоизни ташкил этади. Европа давлатлари аҳолисининг ёш таркибидаги ҳолат 1980–1990 йилларда ҳам деярли сакланиб колган. Факат қатор давлатларда туғилишнинг кескин қискариши ва аҳоли такрор барго булишининг қисқарган турга ўтиши ҳамда умр кўриш муддатининг узайиши туфайли аҳоли таркибида қариялар салмоғи ортиб борган.

Европа давлатлари аҳолиси ёш таркибининг шаклланишида аҳоли такрор барго булиши билан бир қаторда иммиграция ва эмиграция жараёнларининг ҳам таъсири бордир. Масалан, 1955–1961 йилларда Люксембургда аҳоли таркибида меҳнат ёшидаги аҳоли 64,7 фоизни ташкил этган ва бу юқори кўрсаткич хисобланади. Ушбу давлатда иммигрантлар аҳолининг 7 % ини ташкил этган ва уларнинг аксарияти, меҳнат ёшидаги аҳоли бўлганлар.

27-жадвал

Европа далатларида аҳолининг ёш бўйича тақсимланиши гурухлари (жами аҳолига нисбатан, фоизда)

Давлатлар	1955–1961 й.й.			2004 й.		
	Жумладан, ёц гурухларида			Жумладан, ёш гурухларида		
	0–14	15–59	60 ва ундан юқори	0–14	15–64	65 ва ундан юқори
1	2	3	4	5	6	7
<i>Шарқий Европа</i>						
Болгария	26,6	62,7	10,7	15,0	68,0	17,0
Белоруссия	31,2	58,1	10,7	16,0	70,0	14,0
Венгрия	25,3	61,0	13,7	16,0	69,5	15,0
ГДР	22,9	61,0	16,1	--	--	--
Молдавия Республикаси	34,7	57,6	7,7	22,0	68,0	10,0
Польша	34,9	54,3	10,8	18,0	69,0	13,0
Руминия	27,8	62,2	10,0	17,0	69,0	14,0
Россия Федерацияси	29,8	61,2	9,0	16,0	71	13,0
Чехословакия	27,2	59,1	13,7	--	--	--

жадвалнинг давоми

Давлатлар	1955–1961 й.й.			2004 й.		
	Жумладан, ёш гурухларида			Жумладан, ёш гурухларида		
	0–14	15–59	60 ва ундан юкори	0–14	15–64	65 ва ундан юкори
I	2	3	4	5	6	7
Словакия	--	--	--	18,0	20	12,0
Чехия	--	--	-	16,0	70	14,0
Украина	27,0	62,5	10,5	16,0	69	15,0
<i>Жанубий Европа</i>						
Албания	38,7	52,9	8,4	29,0	63,0	8,0
Андорра	--	--	--	15,0	72,0	13,0
Босния-Герцеговина	--	--	--	18,0	20,0	12,0
Греция	26,6	61,2	12,2	17,0	68,0	17,0
Испания	27,4	60,2	12,4	14,0	69,0	17,0
Италия	24,7	61,9	13,4	14,0	67,0	19,0
Македония	--	--	--	22,0	68,0	10,0
Мальта	37,5	52,0	10,5	19,0	68,0	13,0
Португалия	29,0	60,0	11,0	16,0	69,0	17,0
Сан-Марино	--	--	--	15,0	69,0	16,0
Серб. Ва Черногор.	--	--	--	19,0	67,0	14,0
Словения	--	--	--	15,0	70,0	15,0
Югославия	31,1	59,0	9,9	--	--	--
<i>Гарбий Европа</i>						
Австрия	21,6	60,7	17,7	17,0	68,0	15,0
Бельгия	23,5	58,9	17,6	17,0	66,0	17,0
ФРГ	21,7	62,3	16,0	--	--	--
Германия	--	--	--	15,0	68,0	17,0
Лихтенштейн	--	--	--	18,0	71,0	11,0
Люксембург	19,6	64,7	15,7	19,0	67,0	14,0
Монако	--	--	--	13,0	65,0	22,0
Нидерландия	29,6	57,2	13,2	19,0	67,0	14,0
Франция	25,4	57,1	17,5	19,0	65,0	16,0
Швейцария	23,4	61,4	15,2	17,0	67,0	16,0
<i>Шимолий Европа</i>						
Буюк Британия	22,9	59,8	17,3	19,0	65,0	16,0
Дания	25,3	59,3	15,4	19,0	66,0	15,0
Ирландия	30,0	55,1	14,9	21,0	68,0	11,0
Исландия	34,7	53,7	11,6	23,0	65,0	12,0
Латвия	23,4	61,6	15,0	16,0	68,0	16,0
Литва	28,6	59,5	11,9	18,0	67,0	15,0
Норвегия	25,8	58,3	15,9	20,0	65,0	15,0

Давлаттар	1955-1961 й.й.			2004 й.			жадвалнинг давоми	
	Жумладан, ёш гурухларида			Жумладан, ёш гурухларида				
	0-14	15-59	60 ва ундан юқори	0-14	15-64	65 ва ундан юқори		
1	2	3	4	5	6	7		
Финляндия	30,1	58,5	11,4	18,0	66,0	16,0		
Швеция	22,0	60,8	17,2	17,0	65,0	18,0		
Эстония	23,9	61,0	15,1	17,0	67,0	16,0		

* Население мира. М., 1965. С.121-123; 2004 World Population Data Sheet of Population Reference Bureau. P.2.

Аксинча, Мальтада меҳнат ёшидаги аҳоли энг паст – 52 % ни ташкил этган, чунки бу давлатда ўша даврда эмиграция кучли бўлган.

Осиё аҳолисининг ёш таркиби демографик нуқтаи назардан ижобий баҳоланади. Қатор Осиё давлатлар аҳолиси ёш худудлар қаторига киради ва XX аср иккинчи ярмида Осиё давлатларнинг деярли барчасида болалар салмоғи юқори бўлган.

Аҳолининг ёш таркиби жиҳатидан Осиё давлатлари Африка ва Лотин Америкасига яқин. Ушбу худуд давлатларининг аксариятида болалар салмоғи юқори ва қариялар салмоғи паст. Яъги ушбу давлатлар аҳолисининг ёш таркиби XX асрнинг иккинчи ярмида прогрессив характерга эга бўлган.

Статистик маълумотлар кўрсатишича, 1955-1961 йилларда аҳоли таркибида 0-14 ёшдаги болалар салмоғи энг юқори бўлган давлатлар таркибига Филиппин (45,7%), Ироқ (45,0%), Покистон (44,6%), Камбоджа (44,7%), Малайзия (43,9%), Таипанд (43,2%), Эрон, Индонезия (42,2%) ва Туркия (41,4%) кирган. Марказий Осиё давлатлари Қозогистон, Қиргизистон, Тожикистон, Туркманистон ва Ўзбекистонда шунингдек, Ҳиндистон, Непал, Истроил, Кипр, Озарбайжон, Арманистон давлатларида ҳам болалар салмоғи анча юқори булиб, 36-39 фоизни ташкил этган. Қариялар салмоғи эса юқорида қайд этилган давлатларда 4-8 фоизни ташкил этган. Аҳолисининг ярмидан кўпине меҳнат ёшидаги аҳолига мансуб бўлган. Аҳоли таркибида болалар салмоғининг юқорилиги туғилишининг юқори даражада сакланиб қолганлиги билан изоҳланади.

XXI асрнинг бошларида Осиё давлатлари аҳолисининг ёш таркибида кескин ўзгаришлар содир бўлди, қатор давлатларда

түғилишнинг камайиб бориши аҳоли таркибида болалар салмоғининг қисқариш ҳолатига олиб келди. 2004 йилда болалар салмоғи 40 фоиздан юқори бўлган давлатлар сони 1955-1960 йилларга нисбатан икки баробарга камайди. 2004 йилда болалар салмоғи энг юқори бўлган давлатларга Ироил (48%), Ирок (42%), Тожикистон (42%), Камбоджа (42%) каби давлатларни киритиш мумкин. XXI аср бошларида Осиёда демографик қари давлатлар, яъни аҳоли таркибида 65 ёш ва юқори ўшдагилар салмоғи кўпайиб бораётган давлатлар сони ортиб борди. Шундай давлатлар қаторига Арманистон (10,0%), Грузия (13,0%), Ироил (10,0%), Кипр (11,0%), Қозогистон (8,0%), Япония (11,0%) каби давлатларни киритиш мумкин.

28-жадвал

**Осиё давлатлари аҳолисининг ёш таркиби
(2004 й., жами аҳолига нисбатан, фоизда)***

Давлатлар	Ёш гурӯҳлари		
	0-14	15-64	65 ва юқори
Farbii Osiё	35	60	5
Арманистон	23	67	10
Озарбайжон	29	65	6
Бахрайн	28	69	3
Кипр	21	68	11
Грузия	20	67	13
Ирок	42	55	3
Ироил	28	62	10
Иордания	38	58	4
Кувайт	26	72	2
Ливан	28	65	7
Уммон	34	64	2
Фаластин	46	51	3
Қатар	27	72	1
Саудия Арабистони	40	57	3
Сурия	40	56	4
Туркия	30	64	6
БАА	25	74	1
Яман	48	49	3
Жануби-Марказий Oсиё	37	59	4
Афғонистон	45	53	2
Бангладеш	37	60	3
Бутан	42	54	4

жадоватнинг давоми

Давлатлар	Ёш гурӯҳлари		
	0-14	15-64	65 ва юқори
Хиндистон	36	60	4
Эрон	33	62	5
Қозогистон	27	65	8
Кирғизистон	35	59	6
Молдавия	39	57	4
Непал	39	57	4
Покистон	42	54	4
Шри-Ланка	27	66	7
Тожикистон	42	54	4
Туркманистон	38	58	4
Ўзбекистон	38	58	4
<i>Жануби-Шарқий Осиё</i>	31	64	5
Бруней	31	66	3
Камбоджа	42	53	5
Шарқий Тимор	44	53	3
Индонезия	30	65	5
Лаос	43	53	4
Малайзия	34	62	4
Бирма	33	62	5
Филиппин	37	59	4
Сингапур	21	71	8
Тайланд	23	70	7
Вьетнам	29	64	7
<i>Шарқий Осиё</i>	21	70	9
Хитой	22	71	7
Хитой-Гонгконг	15	73	12
Хитой-Макко	20	72	8
Япония	14	65	19
Шимолий Корея	27	67	6
Жанубий Корея	20	72	8
Монголия	36	59	5
Тайвань	20	71	9
Марокаш	31	64	5
Судан	45	53	2
Тунис	28	66	6
<i>Гарбий Саҳроу Ка-бир</i>	-	-	-
Гарбий Африка	44	53	3
Бенин	46	51	3
Буркина-Фасо	46	51	3
Яшил бурун оролл.	42	52	6
Фил суюги кирғоги	43	54	3

жадвалнинг давоми

Давлатлар	Ёш гурухлари		
	0-14	15-64	65 ва юқори
Гамбия	45	52	3
Гана	40	57	3
Гвинея	45	52	3
Гвинея-Биссау	47	50	3
Либерия	47	51	2
Мали	49	49	2
Мавритания	43	54	3
Нигер	50	48	2
Нигерия	44	53	3
Сенегал	44	53	3
Сьерра-Леоне	44	53	3
Того	46	52	2
<i>Шарқий Африка</i>	45	52	3
Бурунди	47	50	3
Коморс	47	51	2
Кибуми	43	54	3
Еритрея	45	52	3
Эфиопия	44	53	3
Кения	44	53	3
Мадагаскар	45	52	3
Малави	46	51	3
Морис	25	68	7
Майет	42	56	2
Мозамбик	44	53	3
<i>Шимолий Африка</i>	36	60	4
Жазоир	34	62	4
Миср	36	59	5
Ливия	35	61	4

* БМТ маълумоти асосида тузилган.

XXI асрда Осиё аҳолиси ёш давлатлар сони бирмунча камайди. Айниқса, аҳоли сонининг кўплиги бўйича Хитой, Ҳиндистон, Япония давлатларида аҳоли таркибида 0-14 ёш гурухлари камайиб, қариялар салмоғи эса кескин кўтарилган. Масалан, Японияда 1955-1961 йилларда аҳоли таркибида болалар салмоғи 30% ни ташкил этган эди. 1981-1986 йилларда бу кўрсаткич 22,4% га, 2004 йилда эса 14% га тушди.

XX аср 60 йилларида болалар салмоғи бўйича энг юқори кўрсаткич Филиппинда қайд этилган бўлиб, 45,7% ни ташкил этганди. 1984 йилда бу кўрсаткич 39,5 % га тушди. Қариялар салмоғи эса 4-9 % дан 5-13 % га кўтарилди. Мехнат ёшидаги аҳоли ҳам

шунга мос равища үзгариб борди. XX асрнинг Иордания Ироқ, Яман Араб Республикаси, Сурия дунёдаги энг демографик ёш давлатлардан ҳисобланади. Уларда болалар 48–50 % ни ташкил этган. Шунингдек, Афғонистон (46,0%), Бангладеш (45,0 %), Эрон (43,7 %), Непал (42,8 %) ва Покистон (43,9) давлатлари ҳам сайёрамиздағи аҳолиси ёш давлатлар категорида эди.

XXI аср бошларидан эса ушбу давлатларда ҳам болалар салмогининг камайиш жараёни киритилмоқда. 2004 йил аҳоли таркибида болалар салмоги 40 фоиздан юқори бўлган давлатларга Афғонистон (45%), Ироқ (42%), Фаластин (46%), Саудия Арабистони ва Сурия (40%), Яман (48%), Лаос (43%), Бутан, Покистон ва Тожикистон (42%) каби давлатларни киритиш мумкин.

Африка аҳолисининг ёш таркиби ҳам Осиё давлатлари аҳолиси ёш таркибига жуда яқин. 1955–1961 йилларда Африкада ҳам туғилишнинг физиологик имконият даражасида бўлиши, яъни деярли назорат этилмаганлиги, аҳоли таркибида болалар салмогининг юқори бўлишида асосий омил бўлган.

XX асрнинг иккинчи ярмида (1979–1980 йиллар) Африка аҳолисининг ёш таркибида болалар салмоги яна ҳам кўпайди ва 43–49 фоизни ташкил этди. Ушбу даврда дунёда 0–14 ёшли болалар салмоги энг юқори кўрсаткичи Фарбий Африкада жойлашган Бенин (52,7 %) ва Кения (52,4 %) давлатларида қайд этилган. Бу ҳолнинг сабаби, бир тарафдан туғилишнинг юқорилиги бўлса, иккинчи томондан гўдаклар ўлимининг камайиб боришидадир.

Африка аҳолисининг ёш таркиби, унда истиқомат этаётган маҳаллий халқлар билан Европа халқларида кескин фарқ қиласиди. Европа халқлари аҳолисида болалар салмоги 1,5 марта африкаликлардан кам, қарилар салмоги эса икки марта юқориидир.

Шаркий Африка давлатларида болалар салмоги энг юқори бўлиб, жами аҳолининг 45–50 фоизини, қариялар эса 5–6 фоизни ташкил этган.

Фарбий Африка давлатларида 1975–1985 йилларда 0–14 ёшдаги аҳоли салмоги 40–52 фоизни, қарилар салмоги эса 4–7 фоиз, меҳнат ёшидаги аҳоли салмоги эса 51–56 фоиз бўлган.

Шимолий, Марказий Африка давлатларида ҳам болалар салмоги 40–46 фоиз, қарилар салмоги эса 4–6 фоизни ташкил этиб, аҳолисининг асосий қисми ўрта ёшлилар салмогига тўғри келган.

Жанубий Африка давлатлари ичида аҳолиси нисбатан ёш давлат Ботсвана ва Свазиленд бўлиб, уларда 0-14 ёшли, болалар салмоги 50 фоиздан юқорини ташкил этган. Лесото ва Жанубий Африка Республикаларида болалар салмоги бирмунча пастроқ – 38-39 фоиз эди.

XX аср бошларида Африка давлатлари ёш таркибида ҳам туғилишни камайиши ҳисобига болалар салмоги бир оз камайган.

2004 йилларда Африкадаги қатор давлатларда аҳоли таркибида болалар салмоги ошди. Масалан, Анголада 1955-1960 йилларда 0-14 ёшли аҳоли гурӯҳи жами аҳолининг 39,2 фоизини ташкил этган бўлса, 2004 йилга келиб, бу кўрсаткич 44 фоизга кўтарилиди. Конгода эса бу кўрсаткичлар мос равишда 39,4%; 42% ни; Мазамбикда 40%; 44% ни; Конгода 39,4 ва 47% ни ташкил этган.

Бу ҳол юқори туғилиш даражаси ва гўдаклар ўлимининг камайиши билан бөглиқдир. Гана, Ливия, Жанубий Африка Республикаси каби давлатларда болалар салмогининг камайиши кузатилади.

Африка худудида жойлашган давлатлар ҳозирги даврда ҳам дунё давлатлари таркибида энг самарали ёш давлатлардандир.

29-жадвал

**Африка давлатлари аҳолисининг ёш таркиби
(2004 йил жами аҳолига нисбатан, фоизда)***

Давлатлар	Ёш гурӯҳлари		
	0-14	15-64	65 ва юқори
<i>Шимолий ва Шарқий Африка</i>			
Реюньон	27	66	7
Руанда	43	54	3
Сейшель ороллари	26	67	7
Сомали	45	52	3
Танзания	45	52	3
Уганда	51	47	2
Замбия	46	51	3
Зимбабве	42	55	3
Марказий Африка	47	50	3
Ангола	44	53	3
Камерун	43	54	3
Марказий Африка Республикаси	44	53	3
Чад	48	49	3
Конго	47	50	3

жадвалнинг давоми

Давлатлар	Ешигурухлари		
	0-14	15-64	65 ва юқори
Конго Демократик Республикаси	48	49	3
Экваториал Гвинея	44	52	4
Габон	42	53	5
Сан-Томе ва Принципи	41	54	5
Жанубий Африка	35	61	4
Ботсвана	40	56	4
Лесото	43	52	5
Намибия	42	54	4
Жанубий Африка Республикаси	34	62	4
Свазиленд	43	54	3

* БМТ маълумоти асосида тузилган.

Африка қитъасидаги 48 йирик давлатлардан 40 тасида болалар салмоғи жами аҳолининг 40-51% ни ташкил этмоқда (2004 й). Уганда, Нигер давлатлари аҳолисининг ярми 0-14 ёшли болалардир. Фақатгина Сейшель ороллари ва Реюньонда болалар салмоғи 26-27%, меҳнат ёшидаги аҳоли 66-67% ни, қарилар эса 2% ни ташкил этган.

Америка давлатларида ҳам XX асрда болалар ва меҳнат ёшидаги аҳоли салмоғи анча юқори бўлиб, Африка, Осиё давлатларидан сўнг учинчи ўринда турган. 1955-1961 йилларда болалар салмоғи энг юқори давлат Перу (44,1%), Парагвай (43,8 %) ва Эквадор (42,4 %) давлатлари бўлган. АҚШ ва Канада давлатларида ушбу даврда туғилиш анчагина кисқариб кетганлиги сабабли болалар салмоғи 31,1 ва 33,6 % ни ташкил этган. Аргентинада ҳам болалар салмоғи нисбатан кам бўлиб, 30 % га тенг бўлган.

XX асрнинг сўнги чорагида АҚШ ва Канада давлатларида болалар салмоғи кескин камайиб, 20-21 % ни ташкил этди. Марказий Америкада жойлашган Гватемала, Коста-Рика, Гондурас, Мексика, Никарагуа, Панама, Сальвадор, Жанубий Американинг Боливия, Парагвай, Перу, Эквадор, Кариб ҳавзасидаги Гаити, Доминикана давлатларида болалар салмоғи бирмунча кўтарилиб, 41-48 % ни ташкил этган. Бундай вазият Африка ва Осиё давлатларидан қайд этилганидек, юқори туғилиш ва гўдаклар ўлимидаги ижобий ўзгаришлар натижасидир.

1955-1961 йилларда Лотин Америкасида болалар салмоги энг кам давлат Аргентина булиб, 0-14 ёшли аҳоли гурӯҳи 30,7% ни ташкил этган. Бразилия, Венесуэла, Гватемала, Доминикана Республикаси, Колумбия, Куба, Парагвай, Перу, Эквадор давлатларида болалар салмоги 41-44% ни, қарилар салмоги эса 4-6% ни ташкил этган. Аҳолисининг деярли ярми меҳнат ёшидаги аҳоли салмогига тутри келади.

30-жадвал

**Америка давлатлари аҳолисининг ёш таркиби
(2004 йил, жами аҳолига нисбатан, фоизда)***

Давлатлар	Ёш гурӯҳлари		
	0-14	15-64	65 ва ундан юкори
Шимолий Америка	21	67	12
Канада	18	69	13
АҚШ	21	67	12
Лотин Америкаси ва Кариб ороллари	32	62	6
Марказий Америка	36	60	4
Белиз	41	55	4
Коста Рика	30	64	6
Сальвадор	36	59	5
Гватемала	44	52	4
Гондурас	41	55	4
Мексика	35	60	5
Никарагуа	43	54	3
Гондурас	31	63	6
Кариб ороллари	30	63	7
Монтигуа ва Барбуда	26	66	8
Сагама ороллари	30	65	5
Эрбадос	22	66	12
Куба	21	69	10
Доминикана	33	54	9
Доминикана Республикаси	34	61	5
Гренада	35	57	8
Маделупа	25	66	9
Гаити	43	53	4
Панама	31	62	7
Мартиника	24	64	12
Монтил (Нидерланд)	24	66	10
Пурто-Рико	23	65	12

жадвалнинг давоми

Давлатлар	Ёш гурухлари		
	0-14	15-64	65 ва ундан юкори
Кристофер ва Невис	31	60	9
Сент-Люсия	31	64	5
Винсент ва Гренада	37	56	7
Тринидад ва Тобаго	25	68	7
Жанубий Америка	31	63	6
Аргентина	28	63	9
Боливия	39	56	5
Бразилия	30	64	6
Чили	26	67	7
Колумбия	32	63	5
Эквадор	36	59	5
Франц. Гвиана	35	61	4
Гайана	30	66	4
Парагвай	39	55	6
Перу	34	61	5
Суринам	32	62	6
Уругвай	24	63	13
Венесуэла	34	62	4

* БМТ маълумоти асосида тузилди.

XXI асрга келиб, Америка давлатларида болалар салмоғининг кескин камайганлиги, меҳнат ёшидаги аҳоли ва қарилар салмоғининг ошганлиги кузатилди. АҚШ, Канада, Куба, Барбадос, Пуэрто-Рико, Гватемала каби давлатларда 1955-2004 йилларда жами аҳоли таркибида болалар салмоғи 10-15 % га камайган. Масалан, Кубада болалар салмоғи 1955-1960 йилларда 36,3 % ни, АҚШда 31,3% ни, Канадада 33,6% ни, Эквадорда 42,4% ни, Чилида 32,2% ни, Перуда 44,1% ни ташкил этган бўлса, 2004 йилга келиб ушбу давлатларда болалар салмоғи мос равишда 21%; 21%; 18%; 36%; 26%; 34% ни ташкил этди.

XXI аср бошида Америка давлатлари таркибида аҳолиси энг ёш давлатлар Гватемала, Гондурас, Никарагуа, Гаити давлатлари булиб, уларда болалар салмоғи 41-43% га етади. Аҳолиси нисбатан қари давлатлар таркибига эса Канада, АҚШ, Барбадос, Уругвай, Аргентина, Куба, Доминика, Гватемала, Пуэрто-Рико давлатлари киради ва уларда 65 ва ундан юкори булган аҳоли гурухи 8-13% ни

ташкит этмоқда. Америка давлатлари аҳолиси ёш таркибининг шаклланишида, табиий ўсиш билан бир қаторда иммиграцияни ҳам таъсири салмоқлидир.

Океания давлатлари аҳолисининг ёш таркиби салмоғи жиҳатдан Шимолий Америка давлатларига яқиндир. 1955-1961 йилларда Австралия ва Янги Зеландияда болалар 30-31 %, меҳнат ёшидаги аҳоли 66-67 % ва қариплар 10-12 % фоизни ташкил этган.

Океаниянинг майда оролларидағи аҳоли ёш таркиби Африка ва Осиё давлатлари аҳолисининг ёш таркибига яқиндир. Ушбу давлатларда ҳам болалар салмоғи 40 % дан юқори булиб, демографик ёш давлатлар қаторидан ўрин олган. Масалан, Фиджида 1955-1961 йилларда аҳоли таркибидан болалар салмоғи 45,8%, меҳнат ёшидаги аҳоли салмоғи 49,2% ва қариплар 5% ни ташкил этганлар.

XX асрнинг охирги чорагида Океания давлатлари аҳолисининг ёш таркибидан ҳам ўзгаришлар содир бўлди. 1980-1985 йилларда аҳоли таркибидан болалар салмоғи камайиб, меҳнат ёшидаги аҳоли ва қариплар салмоғи ортиб борди. Масалан, Австралияда 1983 йилда болалар салмоғи 24,4%, меҳнат ёшидаги аҳоли салмоғи эса 61,4% ва қариплар салмоғи 14,2% ни ташкил этган. Янги Зеландияда эса ушбу кўрсаткичлар (1985 йил) мос равишда 24,7%; 60,8% ва 14,5% ни ташкил этган. Ушбу жараён XXI аср бошларида ҳам кузатилиади.

Ҳозирги даврда (XXI аср боши) Океаниядаги Микронезия, Кирибати, Маршалл ороллари, Науру, Соломон ороллари, Папуа, Янги Гвинея, Вануату давлатлари аҳолиси ёш давлатлардан булиб, уларда болалар салмоғи 40-44% ни, қариплар эса 2-5% ни ташкил этмоқда.

31-жадвал

Океания давлатларида аҳолининг ёш таркиби (2004 йил, жами аҳолига нисбатан, фоизда)*

Давлатлар	Еши гурӯҳлари		
	0-14	15-64	65 ва юкори
Океания	25	65	10
Австралия	20	67	13
Микронезия	40	56	4
Фиджи	32	64	4
Франц. Полинезияси	31	65	4
Гуам	30	65	5

жадвалнинг давоми

Давлатлар	Ёш гурухлари		
	0-14	15-64	65 ва юқори
Кирибати	40	57	3
Маршалл ороллари	42	54	2
Науру	41	57	2
Янги Каледония	30	65	5
Янги Зеландия	22	66	12
Палау	24	71	5
Паруа Янги Гвинея	40	58	2
Самоа	41	55	4
Соломон ороллари	44	53	3
Тонга	-	-	-
Тувалу	36	58	6
Вануату	42	55	3

* БМТ маълумоти асосида тузилди.

Австралия ва Янги Зеландия демографик қари давлатлар гурухига киради.

МДХ давлатлари аҳолисининг ёш таркиби XIX аср охиirlарида Осиё аҳолиси ёш таркибига яқин бўлган. 1897 йилги аҳоли рўйхати маълумотларига кура Россияда аҳолининг 40 % ини ёшлар, 54 % ини меҳнат ёшидаги аҳоли ва 6 % ини қариялар ташкил этган. 1939-1959 йиллардаги аҳоли рўйхатлари даврида аҳоли ёш таркибida жиiddий ўзгаришлар содир бўлган. Аҳоли таркибida болалар салмоғи камайиб, меҳнат ёшидаги аҳоли ва қариялар салмоғи ортиб борган. Масалан, МДХ давлатлари худудидаги жами аҳоли таркибida 1939 йили 0-15 ёшли аҳоли гурухи 37,7 % ни, 16-59 ёшдаги гурух 55, % ни, 60 ёш ва ундан юқори қариялар 6,8 % ни ташкил этган. 1959 йилда эса ушбу курсаткичлар мос равишда 30, 40, 60,2 ва 9,4 % га тенг бўлган. 1939 йилда МДХ таркиbidаги барча республикаларда 0-15 ёшли аҳоли гурухи жами аҳоли таркиbida 32 фоиздан юқори бўлган. Ушбу даврда болалар салмоғи энг юқори бўлган давлат Арманистон, Озарбайжон, Тожикистон бўлиб, уларда болалар салмоғи Осиё ва Африкадаги туғилиш даражаси юқори бўлган давлатлар аҳолисининг ёш таркибига яқин эди.

1939-1959 йилларда ёш авлод вакилларининг (0-15 ёш) салмоғи Россияда 38,9 % дан 29,8 % гача, Украинада 34,8 % дан 27,0 % гача камайди. Ушбу курсаткичлар мос равишда Молдавияда 39,7 ва 34,7 % ни, Грузияда 39,0 ва 30,2 % ни, Арманистонда 47,9 ва 37,7 % ни, Озарбайжонда 43,1 ва 38,1% ни, Қозогистонда 36,0 ва 36,4 % ни

Ўзбекистонда 37,8 ва 38,9 % ни, Туркманистанда 37,7 ва 39,2 % ни, Тожикистанда 41,4 ва 39,9 % ни ва Қирғизистонда 39,7 ва 38,0 % ни ташкил этган¹.

Қозоғистон, Ўзбекистон ва Туркманистан Республикаларидан ташкари барча давлатларда туғилишнинг кескин камайиши ҳисобига ахоли таркибида болалар салмоғи камайган. Юқорида қайд этилган учта республикада эса туғилиш даражаси юқори сақланиб турган ҳолда гұдаклар үлемининг камайиши ахоли таркибида болалар салмоғининг ошиб боришига сабаб бұлған. Шундай бұлса-да, 1960 йилларда МДХ таркибидаги давлатларни дүнёдаги демографик ёш давлатлар категорига киритиш мүмкін еди.

1980–1987 йилларда МДХ таркибидаги давлатлар ахолисининг ёш таркибида катта ўзгаришлар содир булды. Ахоли таркибида ёшлари салмоғи камайиб, қариялар салмоғи деярли 3 баробарга ошди. 1987 йилда факат Ўзбекистон, Тожикистан ва Туркманистанда болалар жами ахолининг 41–43% ини ташкил этди. Қозоғистон, Озарбайжон, Молдавия, Қирғизистон, Арманистанда ёш авлод вакилларининг салмоғи 30–39 % ни, қолган давлатларда эса бу күрсаткыч 23–27 % ни ташкил этган.

XXI асрға келиб, жаҳон ахолисининг ёш таркиби географиясида сезиларли ўзгаришлар кузатылмоқда. XX асрнинг охири – XXI аср бошларида дүнёning деярли барча худудларида туғилишнинг камайиши, ахоли ўртача умр күриш мұддатининг эса бирмунча күтәрилгенлиги ахоли таркибида болалар салмоғининг пасайишига олиб келған.

ДҮНЁ АХОЛИСИНИНГ МИЛЛИЙ ВА ИРКИЙ ТАРКИБИ ҲАҚИДА

Ер шари ахолиси жамият тараққиётининг ижтимоий-иктисодий босқичлари давомида шаклланиб келған жуда күп миллатлардан ва халқлардан (этнослардан) ташкил топған. Этнос – кишиларнинг маълум бир тарихий даврда ва ижтимоий тузумда таркиб топған алоҳида барқарор этник уюшмаси. Фонда этник бирлік босқичининг уч тури мавжуд: қабила, элат ва миллат.

Қабила – *Homo Sapiens* инсон тури билан бир вактда пайдо бўлған кишилик жамиятининг ибтидоий босқичига хос бирлік,

¹ Население мира. М., 1989. С.282.

патриархат уруг жамоаларининг уюшмаси. Мазкур уюшмада қабила аъзолари бир-бирлари билан қон-қариндошлиқ муносабатлари орқали боғланган. Бу уюшма ишк инсон жамиятининг тараққий этган бирлиги булиб, унинг бошқарув тизими демократик тамойиллар асосида қабила саркардалари – оқсоқоллар кенгаши орқали идора қилинган.

Жамиятнинг иқтисодий-ижтимоий, маданий ва этник алокалари тобора ривожланиб бориши заминида бир неча қабилалар бирлашиб, янги этник бирликни вужудга келтиради. Ушбу бирлик маълум тарихий босқичда, худудий, иқтисодий, тил ва этно-маданий умумийлик асосида шаклланади. Бу этник бирлик фанда ҳалқ, яъни элат деб аталади. Элат жамият тарихий ривожланиши давомида шаклланиб, энг юқори босқичга кўтарилади, миллатта айланади. Миллат – узок давом этган ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва этно-маданий жараёнда аниқ ҳудудий доирада, тил ва ўзликни англаш бирлиги асосида шаклланган ҳалқ этник тарихининг энг юксак чўққиси, ўзига хос маданият, онг ва менталитет заминида таркиб топган ижтимоий бирлик шакли¹.

Миллат кишиларнинг умумиқтисодий, турмуш, тил, маданият, ҳудуд бирлиги, онг, руҳият уйғунлиги муштараклиги асосида жипслашган тарихий гуруҳидир. Кўп ҳолларда этнос, ҳалқ атамалари миллатнинг синоними сифатида жипслашади. Лекин миллатнинг шаклланиши ва этноснинг шаклланиши айнан бир нарса эмас. Этнос шаклланиши жараёнида З босқични босиб ўтади. Унинг биринчи босқичи – қабила, иккинчи босқичи – элат ва учинчи босқичи – миллатдир. Ушбу босқичлар ўз навбатида турли тарихий даврларнинг ижтимоий маҳсулидир. Миллат – этник тарихининг энг юқори, камолот чўққиси булиб, қўйидаги босқичларга эга булиши лозим: таркиб топган давлати, бу давлат миллат номи билан юритилади, давлат ҳудудида яшаётган аҳоли гурухининг умумий муоммалада бўлган давлат тили, давлат ҳудудининг бутунлиги ва чегарасининг дахлсизлиги, фақат ўзига тегишли эканлиги тан олинганилиги. Миллатнинг ўзига хос менталитети шаклланган булиб, фуқароларнинг ўзини англаш даражаси ҳаёт мазмунига айланади ва давлат жамият томонидан бошқарилади². Миллатда бир қанча шевалар яқинлашиб, ягона миллат тили – адабий тил пайдо булади.

¹ Ўзбекистон Миллӣ Энциклопедияси. Тошкент, 2003. 659 бет.

² Ўша жойда.

Миллат – этник умумийликнинг юқори шакли булиб, маданият тарақкиёти билан тавсифланади: ривожланган адабий тил, ёзув ва ҳ.к. Шундай фикр ҳам борки, гүёки ҳамма ҳалклар ҳам миллатга айланавермайдилар. Бундай ҳолларда миллат белгилари аниқ намоён бўлмайди, чунки этнос мунтазам ривожланиш ва трансформацияда бўлади. Масалан, қайд этилишича, инглиз миллати XVI асрда, рус миллати XVII-XVIII асрларда, немис миллати XIX асрга бориб шаклланган. Кўпинчча, “миллат”, “халқ” иборалари “этнос”, “халқ” сўзлари синонимлари сифатида кўпланилади. Лекин халқ ва миллат орасида фарқ бор. Халқ – этноснинг кейинги тарихий фазаси, қабила ва миллат орасидаги поғона. Бундай этнос – халклар ер юзида тўрт мингтага етади. Уларнинг кўпчилиги кам сонли миллатлар – бир мингтадан кам одам. Айни вақтда этнографолимларнинг ҳисоб-китобларига кўра, ҳар бири 100 млн.дан ортиқ ўнта халқ мавжуд ва улар Ер юзи аҳолисининг 50 % ини ташкил этади. *Хитой-ханъ* (Хитой аҳолиси 50 дан зиёд халклардан иборат, шундан ханлар 94 % ни ташкил қилади, колгандари чжуан, уйғур, тибетликлар ва ҳ.к.); японлар (ўз аталиши – никондзин); ҳиндистонликлар (хинду типида бу Ҳиндистоннинг номи, жами бу давлатда 1500 га яқин халқ мавжуд); бенгалияликлар (Бангладеш Бенгалиянинг асосий аҳолиси); панжобликлар (Панжоб аҳолиси); бихарликлар (Ҳиндистон – Бихар, Бангладеш, Непал штатлари аҳолиси); руслар; АҚШ америкаликлари; мексикаликлар¹; бразилияликлар; Аҳолиси 1 миллиондан ортиқ 270 дан зиёд халклар бор.

Инсониятнинг тараққий этиши мобайнида этник ажralиш жараёнлари этник бирлашиш жараёнлари билан алмашина боради (бироқ, ҳозир яна акси – ажralиш жараёни кечмоқда). Бирлашиш жараёнлари давлатларнинг пайдо бўлиши билан фаоллашади. Мутахассислар этник бирлашишнинг икки турини ажратиб кўрсатадилар – консолидация ва ассимиляция.

Консолидация – қариндош этносларнинг бирлашиб, янада иирикрок этнослар ҳосил бўлиши жараёни. Масалан, қариндош славян қабилалардан рус, украин ва белорус миллатлари шу тарзда пайдо бўлган.

Ассимиляция – нисбатан иирик ва тараққий этган этнос томонидан кичикрок этносни қамраб олишидир. Ассимиляция мажбурий ёки эркин ўтиш йўли билан амалга ошади. Мисол тарикасида

¹ Капылов В.А. География населения. М., 1999. С.48.

кўпинчада Фэсияниң инқилобга қадар даври олинади: подшоҳ хукумати бошқа миллатларни мажбурий руслаштирган, бу ҳол рус тили, православ дини, рус ёзувининг жорий қилинишида намоён бўлади.

Мураккаб бирлашиш-ажралиш жараёнлар натижасида каттаги га кўра тури тил (турдаги) этнослар ҳосил бўлди: суперэтнослар, этнослар, субэтнослар. Масалан: суперэтнос – славянлар, этнос – руслар, субэтнос – казак, помор, вятич, ярославлар ва ҳ.к. Жамият тараккиётининг бугунги босқичида этнослар, яъни ҳалқларни худуд бирлиги, тил, овқатланиши, маданияти, турмуши ўхшашлиги қаби кўрсаткичлари асосида гурухлаш жуда мураккабdir. Масалан, шаклланиб бўлган этнос ўз худудини саклаб қолиши шарт эмас, ўз ҳаёти давомида уни ўзгартириб туриши мумкин. Тил – бу этноснинг муҳим фарқловчи белгиси. Аммо, шундай ҳалқлар борки турили тилларда сўзлашадилар. Масалан, швейцарияликларнинг бир қисми немис, бошқаси – француз, учинчиси – итальян, тўртингчиси – рего-роман (бу тилда қадимги ретийлар – йўқ бўлиб кетган этруск қабиласига қардош қабила вакиллари сўзлашганлар) тилларида гаплашади; мордва ҳалки ҳозирги вақтда уч хил тилда сўзлашади: мокша, эрзя (ўрмон ва дашт турлари), шунингдек, рус тилларида (рус тили аҳолининг учдан бир қисми учун она тили бўлиб қолган). Бир сўз билан айтганда, тил умумийлиги этнос учун албатта, бўлиши лозим белги саналмайди.

Умумий тилга асосланган маданият. Тил – бу этнос учун муҳим фарқловчи белги ва мазкур ҳолни исботлашнинг ҳожати бўлмаса керак. Бироқ, масалан, инглизлар ва австралийликлар бир тилда сұхbatлашадилар. Худди шу тилда АҚШ аҳолиси, канадаликларнинг катта қисми, Ямайка аҳолиси, янги зеландияликлар, ирландлар ҳам сўзлашадилар ва буларнинг барчаси тури этнослардир.

Бир этнос одамларининг бир-бирига ўхшashi ҳам ҳар доим учрайвермайди. Масалан, кўпчилик лотинамерикалик ҳалқлар учта ирқка мансуб одамлардан ташкил топган. Этносларнинг тараккий этиши мобайнида унинг ичидаги кескин ирқий фарқларнинг аксарияти эндогамия – ўз этноси ичida никоҳга кириш натижасида астасекин йўқ бўлиб боради.

Этноснинг энг ишончли кўрсаткичларидан бири – этник ўз-ўзини англиши чунки унда инсоннинг ҳам ўз келиб чиқишини тушу-

ниб этиши, ҳам қабиладошларига яқинлигини англаши, ҳам ўз она тили ва ватанининг худуди билан боғлиқлигини ҳис этиши гүё уйгунлашаётгандай бўлади.

Ҳар бир инсон “Сен кимсан?” – саволига, ўйлаб ҳам ўтирмай, “руман”, “французман”, “узбекман”, – деб жавоб қайтаради. Бироқ, бу ерда ҳам истиснолар мавжуд (масалан, инсон, ота-онаси турли миллатларга мансуб бўлгани сабабли, ўзини гоҳ бир, гоҳ бошқа этносга тегишли деб хисоблаганда). Отаси Ўзбекистонда яшаган ўзбек, онаси украин бўлган, ўзи Москвада яшаётган инсоннинг этник дахлорлигини қандай қилиб аниқлаш мумкин? Жорий этилган қонунчиликка кўра, у ўзини паспортда ё отасининг, ё онасининг миллатига мансублигини кўрсатади.

Бу хусусда рус ёзувчиси, этнографи, рус тилининг изоҳли лугатини тузган В.И.Даль шундай деган: “Ё номланши, ё диний эътиқоди, ё аждодлар кони инсонни у ёки бошқа бир халққа мансублигини белгилаб бермайдилар. Инсоннинг қалби, руҳи – мана каердан унинг бирор-бир халққа тегишилигини қидириш даркор. Руҳ тегишилигини нима билан аниқлаш мумкин, албатта, уни ифодаловчи онг билан. Ким қайси тилда ўйласа, уша халққа мансуб бўлади. Мен русча фикрлайман” (унинг онаси немис, отаси рус фуқаролигини қабул қилган даниялик бўлган)¹.

Бироқ, таъкидлаш жоизки, ушбу формула ҳам мутлақ эмас, бу ерда ҳам истиснолар бўлиши мукаррар.

Шундай қилиб, этнослар шаклланиши қатор омилларга боғлиқ. Улар инсон иродасига кўра пайдо бўлмайди, балки мавжуд тарихий жараёнлар оқибатида вужудга келади. Тадқиқотчилар қайд этишларича, ҳозирги даврда дунёда 3-4 минг турли халқлар бўлиб, улар 2000 мингдан ортиқ тилда сўзлашар эканлар. Мазкур халқлар сон жиҳатидан ўн ва юздан бошлаб юз миллионгача етади ва йирик миллатларни ташкил қиласди.

Европада 62 та халқ вакиллари яшайди. Улардан 43 тасининг ҳар бирида 1 миллиондан ортиқ аҳоли бор. Европада халқларнинг бирлашиб, миллат бўлиб шаклланиши жараёни дунёning бошқа худудларига қараганда, эртароқ бошланган. XIX асрнинг 70-ишилларида бу ерда итальян ва немис миллатлари шаклланган эди.

Европа давлатларининг деярли ярми бир миллатлидир. Уларда истиқомат этаётган асосий миллатлар жами аҳолининг 90 % дан

¹ Қайд этилган жойда, 52-53-бетлар.

күпини ташкил этмокда. Масалан, Польшада поляклар 98,5 %, Португалияда португаллар 99,0 %, Финляндияда финнлар 93,3 %, Швецияда шведлар 91,0 %, Австрияда австрияликлар 99,0 %, Албанияда албантар 96,0 %, Болгарияда болгарлар 96,7 %, Венгрияда венгерлар 99,3 %, Грецияда греклар 95,0 %, Данияда данлар 98,0 %, Ирландияда ирландлар 98,0 %, Исландияда исландлар 99,0 %, Италияда итальянлар, 98,0 % ни ташкил этган. Шунингдек, Европада куп миллиатли давлатлар ҳам булиб, уларда 10 дан ортиқ миллиат вакиллари яшайди. Бундай давлатлар жумласига Франция, Швейцария ва Буюк Британияни киритиш мумкин.

Буюк Британияда яшовчи миллиатлар сони 15 дан ортиқдир ва ундаги кўп сонли миллиатлар таркибига инглизлар (81,5 %), шотланд, ирланд, ҳинд-пакистонликлар, ольстерлар, уэльслар, яхудий, итальян, немис, поляк, нормандлар, америкаликлар, хитойлар ва гэлларни киритиш мумкин.

Исландия, Ирландия, Мальта, Албания, Андорра, Дания, Лихтенштейн, Португалия каби давлатлар кам миллиатли давлатлардан хисобланади. Уларда асосан 2-4 миллиат вакиллари истикомат этади.

Европада сон жиҳатдан немис миллиати биринчи ўринда туради. Уларнинг сони XX аср охирида 75 миллиондан ортиқ булиб, Германия (96,9 %), Австрия, Бельгия, Буюк Британия, Венгрия, Дания, Италия, Люксембург, Нидерландия, Франция, Чехия, Словакия ва Швейцария давлатларида яшайдилар.

Иккинчи ўринда итальянлар булиб, уларнинг сони 60 миллионга яқин. Бу халқнинг асосий қисми (96,4 %) Италияда яшайди. Шунингдек, итальянлар Германия, Франция, Швейцария, Буюк Британия, Бельгия, Монако ва Ватикан давлатларида ҳам истикомат этадилар.

Европада сон жиҳатдан учинчи ўринда француз миллиати туради. Французларнинг умумий сони 46,3 миллиондан ортиқ. Французларнинг 99,3% Францияда, қолган 0,7 % эса Италия, Люксембург ва Монако давлатларида яшайдилар.

32-жадвал

Европа давлатлари аҳолисининг миллий таркиби*

Давлатлар	Кўп сонли миллиатлар (асосий миллиати жами аҳолига нисбатан фоиз ҳисобида)
Австрия	австрияликлар (99,0 %), немислар, словенлар, хорватлар, венгерлар, турклар)
Албания	албанлар (98 %), греклар, аромунлар

жадвалнинг давоми

<i>Давлатлар</i>	<i>Кўп сонли мигрантлар (асосий мигранти жами аҳолига нисбатан фоиз ҳисобида)</i>
Андорра	андоррлар (27,5 %), испанлар
Бельгия	фламенклар (58,0 %), валлонлар, итальянлар, французлар, немислар, испанлар, турклар, голландлар
Болгария	болгарлар (96,7 %), лулилар, турклар, арманлар
Ватикан	итальянлар
Буюк Британия	Инглизлар(81.5%) шотландлар, ирландлар, хинд-пакистонликлар, ольстерлар, уэльслар, яхудий-лар, итальянлар, немислар, поляклар, норманд-лар, американликлар, хитойлар, гэллар.
Венгрия	венгерлар (99,3 %), хорватлар, словаклар, немислар
ГДР**	немислар (99,4 %) лужичанлар
Гибралтар	гибралтарлар (84,4 %), марокашлик араблар
Греция	греклар (95,0 %), македонлар, турклар, албанлар, аромунлар, лулилар
Дания	данлар (98,0 %), немислар, фризлар
Фарбий Берлин	немислар (86,5 %), турклар, югославияликлар
Ирландия	ирландлар (98,0 %), инглизлар, греклар
Исландия	исландлар (99,0 %)
Испания	испанлар (75,0 %), каталонлар, галисийлар, басклар, лулилар
Италия	итальянлар (98,0 %), сардинлар, фриуллар ва ладинлар, французлар, немислар, албанлар, словенлар, греклар, яхудийлар, каталонлар, ретороманлар
Лихтештейн	лихтештейнликлар (69,0 %), герман-швейцарияликлар
Люксембург	люксембургликлар (71,0%), итальянлар, португальлар, немислар, французлар
Мальта	мальтийлар(98,0 %), инглизлар, итальянлар
Монако	монегасклар (монахияликлар) (22,2 %), француз-лар (59,3%), итальянлар
Нидерландия	голландлар (79,6 %), фламандлар (11,3 %), фризлар, немислар, турклар, суринамхинд-покис-тонниклар, марокашликлар, суринам-крооллар, жануби молуклар, антиллар
Норвегия	норвеглар (97,%), саамлар, финлар, данлар
Польша	поляклар (98,5 %), украинлар, белоруслар, словаклар, лулилар
Португалия	португаллар (99,0 %), испандар, бразилияликлар
Руминия	руминлар (90,0 %), венгерлар немислар, лулилар, украинлар, серблар, руслар
Сан-Марино	санмариналиклар, (90,9%), итальянлар

жадвалнинг давоми

<i>Давлатлар</i>	<i>Кўп сонли миллиатлар (асосий миллиати жами аҳолига нисбатан фоиз ҳисобида)</i>
ФРГ**	немислар (92,7 %), турклар, итальянлар, югославлар, греклар, испанлар, австрийлар, голландлар, португаллар
Финляндия	финлар (93,3 %), шведлар, саамлар
Франция	французлар (90,0% %), эльзаслар, итальянлар, бретонлар, португаллар, жазоирликлар, яхудий-лар, испанлар, марокашлар, полякъяр, корсикан-лар, каталонлар, фланманлар, арманлар, немислар, тунислар, мартиниклар, басклар, гваделупилар
Чехия	чехлар (81,0%), словаклар, венгеллар, лўлилар, поляклар, немислар, украинлар
Швейцария	герман—швейцарияликлар немислар, испанлар, французлар, югославлар, ретороманлар
Швеция	шведлар (91,0 %), финлар, югославлар, данлар, норвеглар, саамлар
Югославия***	Серблар, хорватлар, мусулмонлар (боснийлар) албанлар, словенлар, македонлар, жанубий словенлар, черногорлар, венгерлар, лўлилар, турклар, словаклар

* Население мира. М., 1989. С.438-440.; Узбекистон Миллий Энциклопедияси маълумотлари асосида тузилган.

** ГДР ва ФРГ ягона давлат — Германияга бирлашган.

*** Югославия ҳозирда 5 та мустакил давлатта бўлинган.

Европада инглизларнинг умумий сони 44 миллиондан ортиқ бўлиб, уларнинг асосий қисми (98,8 %) Буюк Британияда, қолган қисми эса Ирландия ва Малъта давлатларида жойлашган.

Европада яшовчи поляк, испан миллиатлари ҳам кўп сонли бўлиб, ҳар бирининг сони 10 миллиондан юқоридир. Щунингдек, болгар, австрияликлар, грек, дан, фин, норвег, серб, хорват, албан, македон, югослав миллиатлари ҳам Европада салмокли ўринни эгаллади.

Осиё дунёдаги энг **кўп** миллиатли қитъя бўлиб, унда 1000 дан ортиқ халқ вакиллари истиқомат этади ва улар этник ривожланишинг турли босқичларидадирлар. Осиёда умумий сони ҳатто, 100 кишидан иборат қичик қабилалардан тортиб дунёдаги энг катта — 100 миллиондан ортиқ халқлар ҳам яшайди. Умумий сони 1 миллиондан ортиқ 107 та халқ қайд этилган. Дунёдаги умумий сони 100 миллиондан ортиқ 7 та халқнинг 4 таси — хитой, ҳинд, бенгал ва япон халқлари. Осиёда жойлашган ва улар Осиё аҳолисининг асосий қисмини ташкил этади.

Мазкур ҳудудда катор давлатлар кўп миллатлидир. Шу жиҳатдан Европадан кескин фарқ қиласи. Ҳиндистон ва Индонезияда 150 дан ортиқ, Филиппинда 100 дан, Вьетнам ва Хитойда 50 дан, Эрон, Афғонистон, Бирма ва Таиландда 30 дан ортиқ ҳалклар мавжуд. Баъзи ҳалкларни бир нечта давлатлар чегаралари ажратиб қўйган. Масалан, курдлар Туркия, Эрон, Ироқ ва Сурияда, балужлар Эрон, Афғонистон, Покистонда, панҷоблар Покистон ва Ҳиндистонда яшайди. Жануби-Шарқий Осиёдаги деярли барча давлатларда Хитойдан ва Жанубий Осиёдан келган иммигрантлар яшайди.

33-жадвал

Осиё давлатлари аҳолисининг миллий таркиби*

<i>Давлатлар</i>	<i>Кўп сонли миллатлар (асосий миллати жами аҳолига нисбатан фоиз ҳисобида)</i>
Аоминь (Макао)	хитойлар (97,2%), португаллар
Афғонистон	афғонлар (пуштунлар) (52,4 %), тоҷиклар (20,4 %), ҳазоралар, ўзбеклар, чораймоклар, туркман-лар, балужлар, помир ҳалклари
Бангладеш	бенгаллар (97,8 %), бихарлар, чакма, бирма-ликлар
Бахрайн	баҳрайн араблари (70,5 %), бошқа мамлакатлар араблари, ҳинд-покистонликлар, эронийлар.
Бирма (Мьянма)	бирмаликлар (75,5 %), каренлар, шан, чин, монлар, качин, хитойлар, палаунг, ҳиндлар (76 га яқин миллат бор).
Бирлашган Араб Амирликлари	араблар, бошқа мамлакатлар араблари, 70-75% Ҳиндистон, Покистон, Эрон, Бангладеш кабилардан келгандар.
Бруней	малайяликлар (66,5 %), хитойлар, кедаян, дусун, меланав.
Бутан	бхотиялар (62,8 %), гуркхлар, неварлар
Вьетнам	вьетнамлар (80,0 %), тайлар, хитойлар, кхмерлар, мяолар, яо, зарый, эде, банар
Жанубий Корея	корейслар (99,8 %), хитойлар
Исроил	исроил яхудийлари (82,0 %), араблар, арманлар, друзлар.
Индонезия	јаваликлар (46,5 %), сундлар (12,9 %), мадурлар, малайяликлар, минангкабау, хитойлар, буглар, батаклар, балийлар, банжар, макасар, папуас ҳалклари, сасак, торажлар, пасемах, горонтало, энде, ингажу (150 га яқин элат ва этник гурух яшайди.)
Йордания	араблар (98,0%), яхудийлар, арманлар, черкеслар, ўзбеклар, туркманлар.

жадвалынде дағалы

<i>Дағлатлар</i>	<i>Күп сонлы миллаттар (асосий миллати жәми ақолига нисбатан фоиз ҳисобида)</i>
Ирек	араблар (75,0 %), курдлар, туркманлар, осурийлар, эронийлар, арманлар.
Кампучия	кхмерлар (80,0 %), вьетлар, хитойлар, тым ва бошқалар.
Кипр	кипрлик греклар (70,0 %), кипрлик турклар, инглизлар.
Корея Халқ Демократик Республикасы	корейслар (99,6 %), хитойлар
Лаос	лао (70,0 %), тоғли тайлар, кхму, тоғли кхмерлар, мяо, путенг, яо ба бошқалар.
Ливан	араблар (90,0 %), арманлар, курдлар, черкас, түрк ва бошқалар
Малайзия	малайялар (54,0 %), хитойлар, даяклар, хиндлар, ва бошқалар.
Мальдив Республикасы	мальдивлар (99,0 %), араблар, малайялар.
Монголия	халха-мүгүллар (81,0 %), қозоқлар, дербээтлар, бурятлар, баятлар
Непал	непаллар (52,3 %), бихарлар, тхару, таманглар, неварлар, магарлар, хиндистанликлар ва бошқалар.
Покистон	панжоблар (64,7 %), пуштуналар, синдхийлар, балужлар, гужаратликлар ва бошқалар.
Саудия Арабистони	араблар (90,0 %), яман араблари, хиндпокистонликлар, келиб чиқиши африкалик халқтар, форслар, турклар ва бошқалар.
Сингапур	хитойлар (76,3 %), малайялар, хиндлар ва бошқалар.
Сурия	араблар (90,0 %), курдлар, арманлар, черкаслар, туркманлар ҳам яшайдилар.
Сянган (Гонконг)	хитойлар (98,8 %), инглизлар, тибет-мьянмалар ва португаллар.
Тайланд	тай гурухыга мансуб халқлар (75%), лаолар (26,8 %), хитойлар, малайялар, кхмерлар, тоғли кхмерлар, тоғли тайлар, каренлар яшайдилар
Түркія	турклар (90,0 %), курдлар, араблар, черкаслар, арманлар, туркманлар, грузинлар ва лазлар ва бошқалар.
Уммон	уммон араблари (94,3 %), балужлар, форслар, хиндлар ва бошқа халқлар.
Филиппин	бисайя (41,0 %), тагал, илок, биколлар, пампанган, пангасинан ва бошқалар.
Хитой	хитойлар (хань) (95,0%), չжуан, հայ, յիգուրլар, իցզու, մյօ, մանչյուրլар, տիբեթликлар, մүгүллар, դուզ, բու, կորейслар, դու, յօ, բայ, խաлар, қозоқлар, қирғизлар.

жадвалнинг давоми

<i>Давлатлар</i>	<i>Кўп сонли миллатлар (асосий миллати жами аҳолига нисбатан фоиз ҳисобида)</i>
Шарқий Тимор	тетум (46,4 %), мамбаи, папуа ва бошқа ҳалқлар.
Шри-Ланка	сингаллар (ланкийлар) (75,2 %), тамиллар (17,1 %), ланкий маврлари, биргерлар, малайялар яшайдилар.
Эрон	30 дан ортиқ миллат вакиллари яшайди. Форслар (45,3 %), озарбайжонлар, курдлар, гионлар, лорлар, мозандаронлар, балужлар, араблар, бахтиёрий, туркманлар ва бошқалар.
Яман Араб Республикаси	араблар (99,2 %), хинд-покистонликлар, яхудийлар.
Яман Халқ Демократик Республикаси	яман араблари (91,8 %), бошқа мамлакатлар араблари, хинд-покистонликлар, сомалийлар
Япония	японлар (99,3 %), корейслар, хитойлар, айналар яшайдилар.
Қатар	катар араблари (42,3 %), бошқа мамлакатлар араблари яшайдилар.
Кувайт	араблар (90,0 %), форслар, хинд-покистонликлар.
Хиндиштон	дунёдаги энг кўп миллатли давлатлардан бири. Ҳиндлар (хиндиштонлар) (27,9 %), бихарлар (10,5 %), бенгаллар, телугу, маратхалар, тамиллар, гужаротлар, каннара, малаяли, ориялар, панжоблар, ражастхонлар, ассом ва бошқалар.

*Жадвал, Население мира. М., 1989. С.444-447; Узбекистон Миллӣ Энциклопедияси маълумотлари асосида тузилди.

Илмий адабиётда Осиё давлатларининг миллий таркиби, этник муносабатларига қараб гурухларга ажратилади. Биринчи гурухга нисбатан бир миллатли, яъни асосий миллат аҳолисининг салмоғи 95 % дан ортиқ давлатлар киритилади. Уларга Япония, Корея, Бангладеш, Мальдив, Яман давлатлари киради. Иккинчи гурухга эса асосий миллатининг жами аҳоли таркибидаги салмоғи 70-95 % ни ташкил этган (Вьетнам, Камбоджа, Бирма, Туркия, Сурбия, Ироқ, Хитой, Шри-Ланка, Сингапур).

Учинчи гурух давлатларида асосий миллатлар салмоғи жами аҳолининг 50-70 % ини ташкил этиб, улар Эрон, Афғонистон, Покистон, Малайзия ва Лаос давлатларидир.

Тўртингчи гурух давлатларига жуда кўп миллатли, ҳар бир миллат салмоғи 50 % га етмаган давлатлар киради. Бундай давлатларга Ҳиндиштон, Индонезия ва Филиппин давлатлари мисол бўла олади.

Осиёда энг кўп миллатли давлат Ҳиндиштон булиб, унда 40 дан ортиқ миллат вакиллари яшайди. Асосий кўп сонли мил-

латлар жумласига ҳиндлар (27,9 %), бихарлар (10,5 %), бенгаллар (8,4 %) киради, қолган аҳоли салмоғи 0,08 фоиздан 7 фоизгача бўлган ҳалклардан ташкил толган.

Бир миллатли давлатлар таркибига Мальдив Республикаси (мальдивлар 99,0 %), Япония (японлар 99,3 %) давлатлари киради.

Африкада этник жараённинг барча босқичларидаги ҳалклар учрайди. Африкадаги мустамлака мухит ҳалкларнинг ижтимоий ривожланишини бирмунчча секинлаштирган. Шунинг учун бу ерда юзлаб қабилалар, ҳалклар ва миллатлар (мисрликлар, тунисликлар, жазоирликлар, марокашликлар ва д.к.) яшайдилар.

Африкадаги қатор давлатлар Европанинг Германия, Буюк Британия, Франция каби давлатларига мустамлака бўлиб келганлар. Баъзи Африка давлатлари эса гоҳ Германия, гоҳ Франция мустамлакалари бўлган. Ушбу ҳолатлар Африкада миллий таркибининг мурakkabлашиб кетишига сабаб бўлган. Масалан, Камерун давлати олдин Германиянинг, сўнгра бир қисми Франциянинг мустамлакаси бўлган. Ҳозирда Саҳрои Кабирдан жанубга томон жойлашган ҳеч бир давлатни бир миллатли деб бўлмайди.

34-жадвал

Африка аҳолисининг миллий таркиби*

Давлатлар	<i>Кун сонли миллатлар (асосий миллатни жами аҳолига нисбатан фоиз ҳисобида)</i>
Ангола	96 % банту тил оиласи ҳалклари: овимбунду (38,0 %), мбунду (21,7 %), конго (13,0), лугази, овамбо, португалилар, бушменлар ва бошқалар.
Бенин	фон (64,9 %), барба, йоруба, сомба, фульбе, тем ва бошқалар.
Ботсвана	тсвана (75,0 %), шона, бушменлар ва бошқалар
Буркина-Фасо	моси (50,0 %), фульбе, бобо, лоби ва бошқалар
Бурунди	рунди (96,0 %), руанда, пигмейлар, тва ва бошқалар.
Габон	фанг (36,8 %), мпонгве, мбете, пуну ва бошқа ҳалклар.
Гамбия	малинке (48,7 %), фульбе, волоф ва бошқалар
Гана	ашакти (53,3 %), моси, эве, адангме, гурма, груси, йоруба, биса, хауса, того қабилалари, лоби
Гвинея	фульбе (41,1 %), малинке, сусу, кисси, кеплле ва бошқа ҳалклар.
Гвинея-Бисау	баланте (36,8 %), фульбе, манжак, мандинка
Жазоир	жазоир араблари (83,0 %), баббарлар ва бошқалар.
Жанубий Африка Республикаси	зулу (20,3 %), сотолар, коса (18,5 %), тсваналар, тсонга, свази, ҳинд-покистонликлар, инглизлар, яхудийлар

жадвалнинг давоми

Давлатлар	<i>Кўп сонли миллатлар (асосий миллати жами аҳолига нисбатан фоиз ҳисобида)</i>
Жибути	афарлар (43%), солайилар, араблар, француз, грек, итальянлар.
Зоир	луба (17,8 %), конго, монго, руанда, занде, банги, рунди, мору-мангбету, теке, боа, чокве, нгомбе, конзо, бемба
Замбия	бемба (36,0 %), тонга (16,5 %), малави, лози, лунда, луэна, нгони, фила, нкояя
Зимбабве	бантулар (90 %), тсонга, венда, малави, педи, инглиз-африканлар
Кабо-Верде	мулатлар (62%), фульбе, манжақ, балантелар.
Камерун	фанг (20,6 %), бамилеке (18,7 %), дуала (11,2 %), фульбе, тикар, мандара, мака, маса, лунду, тив, чамба, бура
Кения	кикуйю (17,9 %), лухя (14,3 %), луо (12,7 %), камба, каленжин (11,1 %), гуси, мижикенда, сомалийлар, маса, туркана, эмбу, гита, оромо, тесо, курия, хинд-покистонликлар
Комор ороллари	коморлар (95,7 5), макуа
Конго	300 дан ортиқ қабила ва элатлар: конго (52,5 %), луда, руанда, азонда ва бошқалар.
Кот-д'Ивуар	бате (19,9 %), бауле (12,3 %), анви, малинке, дан, лагун халқлари, gere, лоби, бакве, квени, куланго, диула,bambara, моси, араблар
Лесото	сую (87,0 %), зулу (11,8 %), инглизлар.
Либерия	клелле (21,4 %), бакве (13,2 %), лома, кру, кран, басса, мано, гола, авилар, гребо, либерлар
Ливия	араблар (98,0 %), барбарлар, туареглар ва тубилар.
Маврикий	хинд-маврикийлар (66,1 %), маврикий-креоллар (27,5 %), хитойлар ва бошқалар.
Мавритания	маврлар (гарбий саҳрои кабир араблари) (83,1 %), во-лоф, тукудер, сонинке, зенага, фульбе
Мадагаскар	малагасилар (99,1 %), хиндлар, покистонлар, французлар, қамарлар, араблар қам яшайди.
Малави	малави (53,3 %), макуа, ваяо, суахили.
Мали	бамбара (32,7 %), фульбе, сенуфо, сонинке, туареглар, сонгай, малинке, догон, диула, бобо, маврлар (гарбий саҳрои кабир араблари) яшайдилар.
Марокаш	марокаш араблари (73,9 5), барбарлар, французлар, яхудийлар, португаллар, испанлар.
Мозамбик	макуа (46,8 %), тсонга, малави, шона, яо, суахиллар, французлар
Марказий Африка Республикаси	банда (29,7 %), гбайя (24,2 %), нганди (10,3 %), занде, сара, мака, мбум халқлари.

жадвалнинъ давомы

<i>Давлатлар</i>	<i>Күп сонги милләтлар (асосий милләти жами ахолига нисбатан фоиз җисобида)</i>
Миср	миср араблары (мисрликлар) (98,8 %), нубийлар, барбарлар, комплар.
Муқаддас Елена ороли	сентэленлар (100 %)
Намибия	овамбо (46,3 %), ѿеен, каванго, гереро, тоглы дамаралар, готтенто лар, бушменлар
Нигер	хауса (52,1 %), сонгай, жерма, кануру, тубу, туарег, фульба ва бошқалар.
Нигерия	200 га якын халқ бор: хауса (21,6 %), йоруба (21,1 %), игбо (18,6 %), фульба (11,7 %), ибибио, канури, бини, тив, ижолар, бура, нупе, игала, идома, игбира, экои, гбари, банде, мумуюе, анкве
Ренъюонон	ренъюонон-креоллар (63,2 %), хинди-малабарлар (26,6 %), хитойлар, французлар
Руанда	руанда (94,0 %), рувди, пигма-тва
Сан-Томе ва Принсиби	сантомийлар (99,8 %)
Свазиленд	свазилар (84,1 %), зулу, тсонга, африканерлар
Сейшель ороллари	сейшелликлар (89,6 %), хиндлар, маласагилар, хитойлар.
Сенегал	волоф (36,1 %), фульбе (17,7 %), серер (16,9 %), тукулер, диола, малинке, сонинке, маврлар, кабовердлар
Сомали	сомалилар (98,1 %). араблар, суахили, бантулар.
Судан	судан араблари (49,1 %), динка, нубийлар, бежалар, нуэр, бари, азанде, фур, лотуко, коалиб, шилак, ка-дул-кронго, мурле, мору-мади, бонго, тегали, ныманг, серемунду
Сьерра-Леоне	менде (34,1 %), темне (32,3 %), лимба, коно, сусу, уллом, фульба, малинке
Тунис	тунис араблари (97,6 %), водий барбарлари, жазоир араблари ва француц, итальянлар.
Того	45 га якын халқ ва элат: эве (47,6 %), кабре (23,8 %), гурма (10,5 %), тем, того қабилалари, йоруба ва бошқалар.
Танзания	120 дан ортик халқ яшайды: нъямвези (21,1 %), суахили, хехе, санто, маконда, зиба, кинга, нъякуса, зарамо, лугуру, жагта, паре ва бошқалар.
Уганда	ганда (17,5 %), сога, нъянколе, тесо, гишу, кига, ланго, нъяргуганда ва бошқалар.
Чад	судан араблари (25,8 %), сара (21,8 %), багирми, тубу, муби, дагу, хауса, масса халклар.
Экваториал Гвинея	фанг (73,2 %). буни (14,6 %), дуала, юнга, комбу.

жадвалнинг давоми

Давлатлар	Кўп сонли миллатлар (асосий миллатни жами аҳолига нисбатан фоиз ҳисобида)
Эфиопия	амхара (39,3 %), оромо (38,1 %), тиграи, гураге, омето, камбатта, сидамо, тигре, афар, сомалийлар, гонга, каффа, агай, гимирия, дасанеч, консо, сахо, нуэр, бежа, берта
Фарбий Сахрои кабир	маврлар (Фарбий Сахрои кабир араблари) (100 %)

* Население мира. М., 1989. С.449-453; Узбекистон Миллий Энциклопедияси мальумотлари асосида тузилди.

Африкада этник бирлашув жараёни XX аср иккинчи ярмидан бошланди. Мустамлакачиларга қарши курашиб, кўпчиллик Африка давлатлари мустақилликни қўлга киритганлар. Ушбу худуддаги ижтимоий-сиёсий жараёнилар Африка миллий таркибининг шакланишига бевосита таъсири этган. Африкада ҳозирги вақтда 300-500 халқ вакиллари қайд этилмоқда. Баъзи ҳолларда Африканинг бир халқи худудидан бир неча давлат чегаралари ўтган.

Африкада 111 халқ сон жиҳатдан ҳар бири 1 миллиондан кўпdir ва улар Африка аҳолисининг сони 87,1 % ни ташкил этади. Африкадаги 14 халқ сон жиҳатдан ҳар бири 10 миллиондан ортиқдир. Уларга араблар, миср араблари, малагасийлар, марокаш араблари, хаусалар, фульберлар, судан араблари, алемхарлар, йоруд ва игдолар киради.

Африкада Судан, Жанубий Африка Республикаси, Уганда, Эфиопия, Нигерия, Заир каби давлатлар кўп миллатли давлатлар саналади. Африкада Сан-Томе ва Принсипи давлати (аҳолиси 113 минг) бир миллатли бўлиб, унда асосан саномий халқи яшайди (99,1 %). Муқаддас Елена оролида (6 минг аҳоли) фақат сентеленлар истиқомат этадилар. Сейшель ороли ва Руанда давлати ҳам кам миллатли ҳисобланади. Қолган барча давлатларда 4-5 ва ундан кўп миллат вакиллари истиқомат этадилар.

Кичик оролларда метис этнослари (кабоверлар, сейшелликлар, маврикийлар) шаклланган.

Жанубий Африка Республикаси, Кения, Танзания ва Маврикий оролларида Жанубий Осиёдан келганлар ва уларнинг авлодлари (тамиллар, хиндистонликлар, бихарлар ва бошқ.) яшайдилар.

Американинг кўп сонли халқлари дунёдаги бошқа қитъалар халқларига қараганда кейинроқ шаклланган. Уларнинг шаклланишида уч этник элемент: маҳаллий индейслар, Европадан келган

эмигрантлар, Африкадан келтирилган құллар иштирок эттан.

Америкага европаликлар келгүнларига қадар туб ахоли Мексиканинг тоғли худудларида ва Анд тоғларида яшаган. Улар ижтимоий-иктисодий жиҳатдан бирмунчаган ривожланган синфи жамияттинг дастлабки босқычидан бұлған ацтек ва инк давлатларида бирлашган эдилар. Шимолий ва Жанубий Американинг катта қисміда эса сон жиҳатдан унча күп бұлмаган қабилалар яшаганлар ва улар овчилік, балиқчилик, ибтидоий жамоа доирасындағи дәхқончилик ва хунармандчилик билан шуғулланғанлар.

Илмий адабиётларда Америка кашф этилгүнга қадар бұлған даврда ушбу худудда 14-40 миллион индейслар яшаганлығы қайд этилған. Күпчилик олимлар XV асрда Американинг Мексика ва Гватемала худудларида 45-60 млн., Марказий Американинг қолған қисміда 0,7-1,0 млн., Кариб ҳавзаси оролларида 300-500 минг, Анд зонасида 6-8 млн., Жанубий Американинг қолған қисміда эса 15-20 млн. индейслар яшаганлығы ҳақида фикр билдирганлар. Күпчилик индейс қабилалари европаликлар билан тұқнашувларда кирилиб кеттеган, яна бир қисми эса европаликлар орқали келған турли касаллиklärдан ҳалок бұлған. Жанубий Мексикада яшаган ривожланған кечуа, аймара каби индейс ҳалқлари үз маданиятларининг этник хусусиятларини саклаб қолғанлар. Шунингдек, Жанубий Американинг соҳиғдан узок, ичкари худудларида Амарокко ва Орикона во-дийсінде тропик ўрмонларда ҳам индейслар оз бўлса-да, омон қолғанлар.

Европадан келгаш әмбрантлар маҳаллий ахоли билан аралашыб, испан, португал, инглиз ва француз тилларида сұзлашуvчи янги ҳалқларни вужудға келтирғанлар. Шимолий Америкада Европадан келғанлар салмоги юқоририк бұлған, АҚШ америкаликлари ҳалқи шакланған. Атлантикадан Тинч океанга қадар оралиқда шакланған ҳалқларда индейс этник элементлари күпроқ кузатылади. Жанубий ва Марказий Америкада эса маҳаллий ҳалқ билан португаллар аралашмаси бұлған мексиканлар ҳамда индейс қабилалари яшайди. Умуман, Американинг кашф этилиши давридан бошлаб 55 миллион ахоли Европадан келған. Улар АҚШ (36,5 млн.), Аргентина (6,5 млн.), Канада (5 млн.) ва Бразилияда (3,5 млн.) жойлашған. Осиёдан келған әмбрантлар эса 4 млн. бўлған.

Европа мустамлакачилиғи даврида Африкадан Америкага уч аср давомида негрлар күл сифатида олиб келингандар. Уларнинг тар-

кибиди банту, йоруба, эве, хауса ва бошқа шу каби күплаб африка халқлари бўлган. Баъзи жойларда ушбу халқлар сон жиҳатдан асосий халққа айланган. Умуман, Африкадан Америкага олиб келинган негрлар 10 млн.дан ошган. Шундай килиб, Америкада яшовчи қозирги халқларнинг шаклланиши жуда мураккаб кечган.

35-жадвал

Америка давлатлари аҳолисининг миллый таркиби *

<i>Давлатлар</i>	<i>Кўп сонли милллатлар (асосий миллати жами аҳолига нисбатан фоиз ҳисобида)</i>
Антиля	антильянос (100 %)
Антигуа ва Барбуда	антигуаликлар (96,4 %), инглизлар
Антил ороллари	антиллар (94,5 %), голландлар
Аргентина	аҳолисининг 90% европалик мұхожирлардан шаклланган: итальянлар, испанлар, яхудийлар, парагвайлар, чилиликлар, каталонлар, поляклар, украинлар
Аруба ороли	антиллар (89,6 %), голландлар
Багама ороллари	80 % аҳоли негрлар ва дурагайлар
Барбадос	80 % негрлар, дурагайлар, европаликлар.
Белиз	белиз-креоллар (55,9 %), майя, "кора" кариблар, мұлатлар, дурагайлар.
Бермудаа ороллари	бермудаликлар (70,2 %), инглизлар, португаллар
Боливия	кечуа, аймара, боливияликлар, дурагайлар.
Бразилия	бразиллар (96,7 %), португаллар, немислар, японлар, итальянлар, галисийлар, испанлар, яхудийлар, поляклар, араблар, парагвайлар
Виргина ороллари	негр ва мұлатлар.
Гаити	гаитилар (99,5 %), негрлар, мұлатлар.
Венесуэла	венесуэллар (90,0%), колумбияликлар, итальянлар, испанлар, галисийлар, араваклар, португаллар, кариблар
Гайана	хинди斯顿ликлар (54%), африкаликлар, гайана-ликлар, кариблар, араваклар, португаллар, хитойлар.
Гваделупа	гваделупаликлар (93,5 %), французлар
Гватемала	испан тилли гватемаллар (48,6 %), испан тилли индейслар, киче, какчикел, кекчилар, маме ва бошқалар.
Гвиана	кроед, индейс ва негрлар.
Гондурас	90 % испан-индейс дурагайлари, ленка, "кора" кариблар.
Гренада	50 % дан кўп негрлар, индейслар, европаликлар, дурагай.
Гренландия	гренландиялик инуитлар (90 %), данияликлар.
Доминика	доминикаликлар (93,8 %), кариблар
Доминикана Республикаси	доминиканлар (95,3 %), гаитийлар, негрлар.

жадвалнинг давоми

<i>Давлатлар</i>	<i>Кўп сонли миллатлар (асосий миллати жами аҳолига нисбатан фоиз ҳисобида)</i>
Кайман ороллари	кроол, негр ва мулатлар.
Канада	инглиз-канадаликлар (39,8%), француз-канадаликлар, немислар, инглизлар, итальянлар, голландлар, яхудийлар, хитойлар, шотландлар, индейслар, поляклар, португаллар, ирландлар, венгерлар.
Колумбия	колимбийлар (97,6 %), чибча-муиска, араваклар, кариблар
Коста-Рика	костариканлар (92,4 %), ямайкаликлар, антилянос
Куба	кубаликлар (98,3 %), испанлар, галисийлар, гаитияларлар, хитой ва японлар.
Мартиника	маргиниклар (93,9 %), французлар, индейслар.
Мексика	мексиканлар (88,6 %), испан тилли индейслар, ацтеклар, майя, сапотеклар, отоми, миштеклар, масахуа, тотонаклар, хаустеклар, масатеклар
Монсеррат	антилянос (100 %)
Никарагуа	никарауанлар (88,0 %), самбо, мулатлар.
Панама	панамаликлар (89,0 %), гуйами, куна, колумбияликлар, АҚШ америкаликлари, ямайликлар.
Парагвай	парагвайлар (91,0%), бразилияликлар, немислар, аргентинлар, кайнгуа, японлар
Перу	кечува ва аймара индейслар, японлар, араваклар, хибаро.
Пуэрто-Рико	пуэрториканлар (99,1 %), АҚШ америкаликлари
Сальвадор	сальвадорликлар (96,0 %), пипиль, ленка, гондураслар
Сент-Пьер ва Микелон	французлар (100 %)
Сент-Винсент ва Гренадина	сентивентликлар (93,8 %), "кора" кариблар, индейслар
Сент-Китс ва Невис	сентситслар (87,5 %), инглизлар
Сент-Люсия	сентлюсиликлар (93,5 %), индейслар
АҚШ	АҚШ америкаликлари (76,3 %), шу жумладан афроамерикаликлар (негрлар) (12,3 %), мексикаликлар, яхудийлар, немислар, итальянлар, поляклар, пуэрториколиклар, франк-канадлар, ирландлар, австрияликлар, руслар, шведлар, кубаликлар, филиппинликлар, японлар, инглиз тилли индейслар, арманлар, инглизлар, норвеглар, французлар, португаллар, венгерлар, араблар, греклар, словаклар, чехлар, украинлар, турли гуруҳ ва оиласаларга мансуб индейслар (инглиз тиллилардан ташқари)
Суринам	суринамликлар, креоллар, ҳинд ва покистонликлар, индонез, негр, индейс.
Теркс ва Кайкос	антилянос (87,5 %)

жадвалнинг давоми

<i>Давлатлар</i>	<i>Кўп сонли миллатлар (асосий миллатни жами аҳолига нисбатан фоиз хисобида)</i>
Тринидад ва Тобаго	Негр ва мулатлар, хиндлар.
Уругвай	уругвайликлар (87,2%), итальянлар, галисийлар, яхудийлар, испанлар
Фолкленд (Малъва) ороллари	инглизлар (100 %)
Чили	чилилар (91,3%), арауканлар, кечуа, яхудийлар, итальянлар, аймара
Эквадор	40 % ахолиси индейслар, кечуа, хибаро, испан-индейс.
Ямайка	метислар

* Население мира. М., 1989. С.459-461; Узбекистон Миллий Энциклопедияси маълумотлари асосида тузилган.

Америкадаги инглиз-канадалик ва француз-канадалик халқларда европоидларга хос белгилар (компонентлар) кўпроқ, аргентин, уругвай ва коста-рикаликларда эса маълум миқдорда индейсларга хос белгилар кўпроқ куринади. Мексикан, гватемалалик, гондурас, сальвадор, никарагуали, панамалик, эквадор, перулик, болив, чилийлик ва парагвайлар – асосан метис халқлардир. Доминикана халқи – мулатлардан ташкил топган. Пуэрто-Рико ва Куба халқларида турли белгилар мужассамлашган бўлиб, уларнинг шаклланишида европоид ва монголоид элементлари аралашиб кетган. Бразилия, Венесуэла ва Колумбия халқларининг шаклланишида Африка негрлари ва индейслар катта роль ўйнаган.

Америкада АҚШли америкаликлар миллати алоҳида характер қасб этади. Кўтгиллиги афроамерика халқлари, негрлардир. АҚШда аҳолининг 2/3 қисмини мулатлар ташкил этади. Шунингдек, Америкада кечуа, аймара, араукан, майд, кичи, отом, миштек, сапотек каби индейс халқлари ҳам сақланиб қолган. Кичик Антил оролларида африка халқлари элементлари кўпроқ сақланган, гайана халқлари жойлашганлар.

Жанубий ва Марказий Америкада узоқ вакт индейс ва негрлар салмоғи европаликларга нисбатан кўпроқ бўлиб турган эди. XIX асрда Европадан Америкага иммигрантларнинг катта оқими кела бошлиди ва Америка халқлари географияси яна ҳам кенгайди. 1880 йилларда Буюк Британия, Ирландия, Германия, Швеция, Италия, Польша ва Украинадан иммигрантларнинг келиши кучайди. 1920 йилда эса дунёдаги иқтисодий инқироз туфайли Европадан

Америкага бўлган иммигрантлар оқими кескин камая бошлади. Лотин Америкаси халқларининг шаклланишида португаллар, итальянлар, Шимолий Америка халқларининг шаклланишида эса инглиз, шотландларнинг таъсири катта бўлган.

Шундай килиб, ҳозирги даврда Америкадаги қатор давлатлар кўп миллатлидир. АҚШ, Канада, Мексика давлатларида 80-100 дан, Мексика, Аржентинада 50 дан, Боливия, Венесуэла, Перу, Колумбия, Чили давлатларида 25 дан ортиқ миллатлар яшайди. Америкада аҳолиси 1 миллиондан ортиқ 41 та халқ яшайди ва улар Америка аҳолисининг деярли 95 фоизини ташкил этади.

Америкада кўп халқлар роман ва герман тиг турхларида сўзлашади. Испан тилида 240 млн. аҳоли сўзлашади. Булар Маркаций Америкадаги гватемал, гондурас, сальвадор, никарагуа, костарика, панама халқлариидир.

Американинг туб халқи бўлган индейслар сон жиҳатдан асосан (85,6%) Мексика, Перу, Эквадор, Гватемала, Боливия ва Парагвайди истиқомат этадилар. Қабила бўлиб мустакил яшовчи индейслар сони 1,5 миллиондан ортиқ бўлиб, улар Амазонка водийсида яшайди ва қишлоқ ҳўжалиги билан шуғулланадилар. Америкада жами индейсларнинг 1/5 қисми шаҳарда (Гватемала, Боливия, Парагвай, АҚШ) истиқомат этадилар. Илмий манбаларда Америкада XX аср охирида (1985 й.) 37,6 миллион индейслар қайд этилган.

Океания худуди аҳолиси асосан икки асосий гурух: аборигенлар (Австралиянинг туб аҳолиси) ва Европа, Америка ва Осиёдан келгандардан ташкил топган. Австралияга келган иммигрантлар ва уларнинг аждодлари асосан Австралия ва Янги Зеландияда жойлашганлар. Худуднинг қолган қисми аҳолисининг 90 фоизи аборигенлардир. Австралиянинг туб халқи жуда камчиликни (160 минг атрофида) ташкил этади, улар ўзларининг урф-одатлари ва турмуш тарзини сақлаб қолганлар, она тилида сўзлашадилар.

Океаниянинг туб аҳолиси саналувчи полинезийлар жамият ривожланишида австралийларга нисбатан юқори даражада бўлганлар. Улар ўзларининг турмуш тарзи, маданийтини кўпроқ сақлаб қолганлар. Манбаларда Меланезия халқи мустамлакачилар келгунинга қадар тахминан 2,2 миллиондан, Полинезия халқлари 1,1 миллиондан ортиқ, Микронезия халқлари 200 минг аҳолига эга бўлганлиги таъкидланган. Кейинчалик кучли эксплуатация ҳамда турли касалликларнинг тарқалиши натижасида Океания халқи

кирилиб кетган. Океания халқи асосан, папуас ва астронезий тилларида сұзлашадылар.

Австралия күп миллатли давлат бўлиб, аҳолисининг 70 фоизидан кўпроғини инглизлар ташкил этади. Шунингдек итальян, грек, шотланд, хорват, поляк, ирланд, яхудий халқлари ҳам яшайди. Австралия аборигенлари сон жиҳатдан унча кўп эмас 150 мингдан ортиқ. Янги Зеландия, Янги Коленезия, Фиджи давлатлари ҳам кўп миллатлидир (36-жадвал).

36-жадвал

Океания аҳолисининг миллий таркиби*

Давлатлар	Кўп сонли миллатлар (асосий миллатни эками аҳолига нисбатан фоиз ҳисобида)
Австралия	инглизлар, итальянлар, греклар, шотландлар, аборигенлар, хорватлар, македонлар, немислар, голландлар, инглиз-янгизеландияликлар, мальта-ликлар, инглиз-африканлар, поляклар, ирландлар, яхудийлар.
Вануату	вануату мелонезлар (95,0%), французлар, инглизлар, микронезлар.
Шарқий Самоа	самоа (100 %)
Гуам	Америка ҳарбий хизматчилари, испанлар, мексикаликлар.
Жонстон, атолл	АҚШ америкаликлари (100 %)
Гарбий Самоа	самоа (98,2 %), инглиз-янгизеландияликлар
Кирибати	кирибати (тунгару) (97,0 %), тувалуанлар, банбаклар.
Кук ороллари	кук ороллари маорийлари (88,8 %), пукапука
Мидуэй	АҚШ америкаликлари (100 %)
Микронезия	асосан микронезлар, трук, маршалликлар, понапе, белау ва чаморро
Науру	науру (62,5 %), тунгару, хитойлар
Ниуэ	ниуэ (100 %)
Янги Зеландия	инглиз-ярги зеландияликлар (75,5 %), маори, инглизлар, инглиз-австраллар, самоа, шотландлар, кук ороллари маорийлари, голландлар, хитойлар, ирландлар, хиндлар, ниуэ, тонга
Янги Каледония	канаклар (янги каледонияликлар) (31,6 %), французлар (кальдошлар) (33,5 %), Луайоте ороллари меланезийлари (12,7 %), яванлар, увеа, таитяне, футуна
Папуа – Янги Гвинея	папуас халқлари (84,5 %), инглиз-австралияликлар
Рождества ороллари	хитойлар (66,7 %), малайзияликлар.
Соломон ороллари	Меланезия иркига мансуб халқлар (89,0 %) ва полинегизликлар.
Токелау (Юнион)	токелау (100 %)
Тонга	тонга (98,0 %), европаликлар.
Тувалу	тувалу (87,5 %), тунгарулар.

жадвалнинг давоми

<i>Давлатлар</i>	<i>Кўп сонли миллиатлар (асосий миллиати жами аҳолига нисбатан фоиз ҳисобида)</i>
Уоллис ва Футуна ороллари	увеа (58,3 %), футуна.
Уэйк	АҚШ америкаликлари (100 %)
Фиджи	фиджийлар (50,0 %) ва фиджийлик ҳиндлар.
Француз Полинезияси	таитянлар (53,7 %), французлар, хитойлар, тубуал ва бошқалар.

* Население мира. М., 1989. С.465-466; Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси маълумотлари асосида тузилган.

Океания халқлари тил оиласига буйича икки катта гурухга бўлинади: папуаслар (Янги Гвinea ва байзи оролларда) ва австронезийлар (бутун ҳудудга тарқалган). Папуаслар сони (индонезийдан ташқари) 700 мингдан ортиқ бўлиб, Янги Гвinea, Луизаид архипелаги, Бисмарк, Соломон, Санта-Крусс, Риф оролларида яшайди. Ушбу ҳудудларда папуаслардан ташқари серик-раму, трансянги гвinea тил оиласига мансуб халқлар ҳам учрайди.

Австронезий тил оиласига мансуб халқлар тарихий-маданий ва иркӣ белгиларига қараб полинезийлар, меланезийлар ва микронезийларга бўлинади. Полинезийлар Океаниянинг шарқий ва жанубий оролларида, микронезийлар Мариан, Каролин, Маршалл, Гиберта ва Науру оролларида истиқомат этадилар. Шунингдек, Океанияда австронезий тил гурухига оид гамарро ва белау халқлари (Осиёдан келганлар), Океания гурухи халқлари (янги гвinea бугенвал, нехан, исабел, ньюжоржий, сантоируз, шарқий санго, эроманг ва бошқалар) ҳам истиқомат қиладилар.

Австралия ва Янги Зеландияда дунёнинг турли ҳудудларидан келган халқлар ҳам яшайдилар. Уларга Британия оролидан келганлар, итальян, грек, немис, французлар, хитой ва филиппинликлар киради. Фиджи аҳолисининг ярмини Ҳиндистондан келганлар ташкил этади. XXI аср бошларида Океания дунёнинг турли миллат ва китларини учратиш мумкин.

МДХ давлатлари миллий таркиби тил гурухлари ҳақида аниқ маълумотлар аҳоли рўйхатлари орқали тұпланды. Маълумотлар курсатишича, МДХ давлатлари халқлари куйидаги тил оиласарига мансуб: ҳинд-европа, славян, олтой, түрк, урал, картвел, шимолий кавказ. Ушбу лингвистик гурухлардаги халқлар сони табиий үсиш жараёнинга боғлиқ ҳолда доимо үзгариб келади. Славян тил оиласига мансуб халқтар МДХ давлатларининг барчасида яшайдилар. Ол-

той тил оиласи халқлари Марказий Осиё, Кавказ, Волгабўйи, Урал, Сибир ва Узоқ Шарқда; карвель ва шимолий кавказ – Кавказ, урал Волгабўйи, Россиянинг шимолий ва шимоли-гарбий худудларида жойлашган.

МДҲ давлатлари ҳам дунёдаги кўп миллатли давлатлардан-дир. 100 дан ортиқ катта ва майда халқлар мавжуд. Энг кўп сонли миллатларга руслар (115 миллиондан ортиқ) киради, улар Россия, Украина, Қозоғистон, Ўзбекистон, Қирғизистон, Молдавия, Озарбайжон, Тожикистон, Туркманистон ва Арманистон Республикала-рида истиқомат этадилар. Сон жиҳатдан иккинчи ўринда украинтар туради. Украиналарнинг 88 фоизи Украинада, қолганлари Қозоғистон, Молдавия, Белоруссия, Ўзбекистон ва Қирғизистонда яшайдилар. Ўзбеклар ҳам МДҲ давлатлари халқлари таркибида кўп сонли миллат ҳисобланади, аҳолисининг сони 11 миллиондан ортиқ булиб, Ўзбекистон (85,0 %), Тожикистон, Қирғизистон, Қозоғистон, Туркманистон ва Россия давлатларида яшайди. Шунингдек, МДҲ давлатлари таркибида сон жиҳатдан 1 миллиондан ортиқ халқлар – белорус (7,6 млн.), қозоқ (5,3 млн.), татар (5,1 млн.), озарбайжон (4,8 млн.), арман (2,8 млн.), грузин (3,5 млн.), тожик (2,4 млн.), молдаван (2,6 млн.), туркман (1,9 млн.), қирғиз (1,7 млн.) каби миллатлар мавжуд.

МДҲ давлатлари таркибида энг кўп миллатли давлат Россия саналади. Россиянинг асосий аҳолиси руслар булиб, жами аҳоли таркибида уларнинг салмоғи 85 фоиздан ошади. Колган аҳолисини эса украин, чуваш, бошқирд, мордва, белорус, немис, чечен, яхудий, удмурт, марий, қозоқ, авар, арман, осетин, бурят, адигей, олтой, ханаса, ненец, чукчи, хант, эвен каби халқлар ташкил этади.

Украинада ҳам 10 дан ортиқ миллат вакиллари бор. Уларга украин, рус, яхудий, белорус, молдаван, поляк, болгар, венгер, ру-мин, грек ва бошқалар киради.

Белоруссия аҳолисининг асосий қисмини (80 % дан ортиқ) белоруслар ташкил этади. Шунингдек, бу ерда рус, украин, поляк, яхудий, татар ва бошқа миллатларга мансуб кишилар ҳам яшайди.

Озарбайжон аҳолиси ҳам кўп миллат вакилларидан иборат. Озарбайжонлар кўпчилликни ташкил қиласди (80,0 %), шунингдек, Озарбайжон худудида арман, рус, грузин, авар, лезгин, яхудий, та-тар, украин, цахур халқлари ҳам истиқомат қиласди.

Молдавияда молдаванлар (65 % атрофида) билан бир қаторда

украин, рус, гагауз, болгар, яхудий, белорус, немис, лули, поляк халқлари яшайды.

Арманистан аҳолиси нисбатан камрок миллат вакилларидан ташкил топган. Бу ўлкада арманлар (90 % дан ортиқ), озарбайжон, рус, курд, украин, оссурій ва греклер яшайды.

Марказий Осиё давлатлари күп миллатлы ҳисобланади. Қозоғистоннинг асосий аҳолиси қозоқ ва руслардан иборат. Улардан ташкари Қозоғистонда украин, немис, татар, ўзбек, белорус, уйгур, корейс каби халқлар бор.

Грузияда 70 % дан күп аҳолисини грузинлар ташкил қиласы, қолган қисми осетин, абхаз, арман, рус, озарбайжон, грек, укари, яхудий, курд, белорус, оссурій миллатларидан иборат.

Тожикистанда тожиклар ва ўзбеклар аҳолининг асосий қисмини ташкил этади. Шунингдек, рус, татар, қирғиз, немис, украин, қозоқ, туркман, осетин миллатлари ҳам мавжуддир.

Кирғизистонда қирғизлар (50 % га яқын), руслар (26,0 %), ўзбек, украин, немис, татар, уйгур, қозоқ, дунган, тожик, корейс, курд, озарбайжон миллат вакиллари истиқомат этади.

Туркменистанда асосий миллат туркманлардир (65 %дан ортиқ), аҳолининг қолган қисмiga рус, ўзбек, қозоқ, татар, украин, арман, балуж, лезгин, форс ва озарбайжон халқлари вакилларини киритиш мүмкін.

Ўзбекистон миллий таркиби жиҳатдан дунёдаги күп миллатлы давлатлардан ҳисоблашади. 1989 йыл аҳоли рўйхати маълумотларига кура республикада 128 дан ортиқ халқ вакиллари яшаган. Улардан ўзбеклар жами аҳолининг 71,4 % ини, руслар 8,4 %, қозоқлар 4,1 %, тожиклар 4,7 %, татарлар 2,4 %, қорақалпоклар 2,1 %, қирғизлар 0,9 %, корейслар 0,9 %, украинлар 0,8 %, яхудийлар 0,3 %, арманлар 0,3 % ини ташкил этган. Аҳолининг қолган қисми белорус, грузин, осетин, немис, форс, турк, уйғур каби халқ вакилларидан иборат бўлган.

Маълумки, 1991 йилдан бошлаб, республиканинг мустақил тараккитеи ва 1987-1990 йилларда собиқ СССРнинг парчаланиши, унинг таркибидаги барча давлатлар қатори, Ўзбекистон аҳолисининг миллий таркибига ҳам таъсир этди. Маҳаллий миллатга мансуб бўлмаган аҳолининг маълум қисми ўз она тилига тегишли давлатларга кўчіб кетди. Бу жараён Ўзбекистонда аҳоли миллий таркибининг миқдорий кўрсаткичининг ўзгаришига сабаб бўлди.

Статистик маълумотларнинг курсатишича, 2003 йили Ўзбекистон аҳолисининг 79,2 % ини ўзбеклар, 4,9 % ини тожиклар, 4,1 % ини руслар, 3,8% ини қозоклар, 2,2 % ини қорақалпоклар, 1,1 % ини татарлар, 0,9 % ини қирғизлар, 0,6 % ини корейслар, 0,6 % ини туркманлар, 0,4 % ини арманлар, 0,2 % ини озарбайжонлар, 0,2 % ини белоруслар ва қолган 1,7 % ини бошқа ҳалқлар ташкил этган. Республика аҳолисининг бугунги миллий таркибининг шаклланишида миграция билан бир қаторда, аҳолининг табиий кўпайиши жараёни ҳам аҳамиятли бўлган.

Сайёрамиз аҳолиси антропологик белгиларга (соч формаси ва ранги, танаси ва қўзининг ранги, юз скелети, мушаклари, қўз косаси, бурун, лабларининг тузилиши) кўра иркларга бўлинади. Ҳозирги илмий адабиётларда инсонлар тўрт катта ирққа бўлинган: европоид, монголоид, негроид ва австролоид. XX асрнинг иккинчи ярмига қадар негроид ва австролоид ирқини кўшиб, битта ирқ – негравстролоид ёки экваториал ирқ деб аталар эди. Катта иркларнинг алоқа зоналарида қатор аралаш ирқ турлари ҳам мавжуд. Аралаш ирклар жамият ривожланиши давомида ҳамиша шаклланиб келган. Ана шундай иркларга Африкадаги эфиопия ирқи, Америкадаги метислар ва мулатларни киритиш мумкин. Жамият ривожланишининг ҳозирги босқичида аралаш ирклар географияси, классификацияси ниҳоятда кенгайтан ва уларнинг аниқ чегараларини ажратиши мураккаб масала. Юқорида кайд этилган тўртта катта ирқ таркибида сон жиҳатдан европоид ирқи биринчى ўринда туради ва дунё аҳолисининг 42% дан кўпини ташкил этади.

Европоидлар ирқига мансуб одамларга турли рангдаги кўнғир ёки тўғри сочли, оч ёки буғдоиранг тана, турли хил рангдаги қўз қорачиғи (корадан то оч кулранг ва мовий рангларгача), кўпинча қалин соқолли ва мўйловли, юзлари кам ёки ўртача бўртган, даҳнининг озгина олдинга чўзиқлиги, ингичка бурунли, юпқа ёки ўртача қалинликдаги лаблар хос бўлади. Европоидларнинг вужудга келиши асосан Жануби-Ғарбий Осиё, Шимолий Африка ва Жанубий Европа худудларига тўғри келади. Уларни уч гурухга ажратиши мумкин: жанубий (буғдоиранг тана, тўқ рангли қўз ва соchlар), шимолий (оч рангли тана, кўп ҳолларда кулранг ва мовий рангли кўзлар, оч рангли соchlар) ва ўрта (юқоридаги иккичу гурухга нисбатан ўрта меъёрдаги ранглар).

Европоид ирқи МДХ давлатлари, Европа, Шимолий Америка, Шимолий Африка, Олд Осиё, Австралия ва Ҳиндистоннинг шимолий худудларида яшайди. Европоид ирқи шимолий (Шимолий Европа, Болтиқ ирқлари) ва жанубий (Ҳинд-Афғон, Помир-Фарғона, Олд Осиё, Үрта денгиз ирқлари) тармоқларга булинади. Шимолий ва жанубий европоид ирқлари ўтасида аралаш, ўрта ирқ турлари ҳам мавжуд булиб, улар – Альп, Понт, Марказий Европа ирқлариdir.

Европоид ирқига мансуб аҳолининг 40% Осиёда, 23% Европада, 17% Америкада, 7,5% Океанияда қолган 12,5% эса МДХ давлатларида яшайди.

Монголоид ирқига мансуб аҳоли дунё аҳолисининг 19,2% ини ташкил этади. Уларга кўпинча тӯтри, қаттиқ, корамтири сочлар, соқол ва мўйловларнинг қалин ўсиши, терисининг ранги сарғиш-буғдойранг, қора-жигарранг кўзлар, юзларининг бўртиброк чикиши, ингичка ва ўргача кенгликдаги бурун ва бошқа ўзига хос хусусиятлар бўлади. Уларга кўп жиҳатларининг яқинлигига кўра америкалик индейслар яқинроқ саналади. Осиё монголоидлари икки асосий турга булинади – континентал (қитъа) ва Тинч океани гурухлари. Континентал монголоидлар Тинч океан монголоидларидан рангларининг нисбатан очлиги, сужларининг йўғонлиги, юзларининг кенгроклиги, лабларининг ингичкароқлиги билан фарқланадилар.

Америка монголоидлари келиб чиқишига кўра Осиё билан боғлиқдир, бироқ, уларни таснифлаш мушкулроқ, чунки кўғчилиги мустамлакачилар томонидан кириб ташланган ва ўз ватанларидан кувилган.

Тинч океани монголоидларидан жануброқда Жанубий Осиё ўткинчи, “малай” ирқи деб агадувчи гуруҳга хос монголоидлар яшаб, уларда австролоидларга мансуб белгилар ҳам мавжуд.

Монголоидлар сон жиҳатдан европоид ирқидан кейин туради ва икки йирик тармоқка булинади. Биринчиси – Осиё ва Америка тармоғи. Бу тармоқнинг таркибида ҳам бир қанча тармоқ ва ирқлар бор. Масалан, Осиё тармоғи – Тинчи океан ва Сибирь тармоқлари, Осиё ва Арктика ирқларидан, Тинч океан тармоқчаси эса Жанубий Осиё ва Узоқ Шарқ ирқларидан иборат. Монголоид катта ирқининг Америка тармоғи ҳам Шимолий Америка, Үрта Америка ва Патагония ирқидан ташкил топган. Монголоид ирқига мансуб аҳоли

Американинг баъзи худудларида (индейс ва эскимослар) ва Шаркий, Жануби-Шаркий Осиёда яшайди. Монголоид иркига мансуб аҳолининг 95,5% Осиёда, қолган қисми эса МДҲ давлатларида, Америкада, Европа ва Океанияда ҳам учрайди.

Негроид ирқи одамларининг сочлари қора, жингалак, тана ранги тўқ жигарранг, соқол ва мўйловлари нисбатан ўртача ўсган, кўзлари жигарранг, юзлари бўртиб чиққан, даҳани сезиларли даражада олдинга буртган, бурни япалокрок ва кенг, лаби қалин бўлади. Улар дунё аҳолисининг 8% ини ташкил этади.

Негроидлар (Африка ирқи) негрлар, негриллар, бушменлар ва готтентотлар каби тармоқларга бўлинади. Шунингдек, негроид ва европоидларнинг бир қанча аралаш тиллари (эфиопия, гарбий судан, жанубий ҳинд, суданинг аралаш типи, мулатлар, жанубий африкалик “рангли” типлари) ҳам бор. Негроид ирқининг 87% Африкада, 12,9% Америкада ва қолгани Осиё ва Европада яшайди.

Австролоид ирқи (океан катта ирқи) га мансуб аксарият одамларининг танаси тўқроқ рангда, бурни кенг, лаблари қалин, сочлари тўлқинсимон. Уларнинг бир қисми ташқи кўринишига кўра негроидларга, иккинчиси эса европоидларга ўхшашлиги билан характеристланади. Австролоид ирқига мансуб аҳоли жуда кичик 0,03% га тенгdir.

Австролоидлар велдоидлар, австралия типи, айнлар, меланезия ва папуаслар, негритослар каби тармоқлардан ташкил топган. Шимоли-Шаркий Осиё, Австралия ва Океанияда истиқомат киладилар.

Катта ирклар билан бир қаторда аралаш ирклар ҳам булиб, уларнинг дунё аҳолиси таркибидағи салмоғи 30% га яқинdir.

Европа аҳолиси (Жанубий Осиё, Вест-Индия ва Африкадан келган иммигрантлардан ташқари) деярли ҳаммаси европоид ирқига мансубдир. Бошқа ирққа мансуб кишилар жами аҳолининг 0,4 % ини ташкил этади.

Европада ирқий белгилар буйича шимолий европоид гуруҳ (баланд бўйли,mallasoch, кўзлари оч мовий рангда) норвегияллклар ҳамда жанубий европа гуруҳ (бўйи унча баланд бўлмаган, қора сочли ва қора кўзли) итальянлар бир-биридан фарқ қиласди. Скандинавия, Исландия, Буюк Британия, Ирландия, Нидерландия ва Германиянинг шимолида шимолий европоидлар гуруҳига мансуб аҳоли жойлашган бўлиб, улар Европа аҳолисининг 17 фоизини

ташкыл этади. Бу ирқни болтық ирқи деб ҳам атайдилар. Жанубий европаликлар гурухининг (ўрта денгиз ирқи) асосан Италия ва Грецияда, Югославия ва Шимолий Грецияда эса жанубий европоид гурухининг дикар ирқи яшайди. Бу ирқ Европа ахолисининг 32 фоизини ташкыл этади.

Европа ахолисининг 50 фоизи европоидларнинг аралаш турига мансубдир. Европада шунингдек, саам ирқи ҳам истиқомат этиб, уларда европоид урал жамоасининг элементлари мавжуд.

Осиёда дунёдаги түрт катта ирқ вакиллари яшайди. Европоидлар жами ахолининг 29 фоизини ташкыл этиб, Жануби-Гарбий Осиё ва Шимолий Ҳиндистонда жойлашган. Осиё ахолисининг 31 фоизи Осиё монголоидлари бўлиб, уларга монголлар, шимолий хитойлар киради. Шунингдек, Осиёда монголоид ва австралоид ирқларининг аралаш типлари – жанубий монголоидлар (25 %), жанубий хитойлар, индонезлар, филиппин-лар, ҳиндихитой халқлари, япон типи (4,3 %) ҳам учрайди. Уларнинг таркибида айн элементлари ва шарқий индонезия типларига мансуб гурухлар ҳам бор. Осиё ахолисининг 29,2 фоизини европоидлар, 31,2 фоизини монголоидлар, 0,1 фоизини негроидлар, 0,3 фоизини австралоидлар ва 39,2 фоизини аралаш ирқлар ташкыл этади.

Африка ахолисининг 54 фоизи негроид катта ирқига мансуб, улар Сахрои Кабирдан жанубдаги худудларда жойлашган. Негроидларнинг барчасининг соchlари жингалак бўлса-да, бўйи ва ранглари бирмунча фарқ қиласди. Конғо дарёси водийсидаги тропик ўрмонларда яшовчи негрларнинг бўйлари паст (150 см.), лаблари юпқа, соchlари узунрок ва терисининг ранги нисбатан окрок. Бумменлар ва готтогентлар Африканинг жануби-гарбий қисмидаги чўлларда истиқомат этади. Уларнинг ҳам бўйлари унча баланд эмас (150-160 см.), аёллари гавдалирок, ташки кўринишларида монголоидларга хос элементлар ҳам кўзга ташланади.

Африканинг шимолий қисмидаги Сахрои Кабир чўлигача жанубий европоид ирқига (ўрта денгиз ирқига) мансуб аҳоли яшайди ва улар Африка ахолисининг 20 фоизини ташкыл этади. Уларга араблар ва барбарлар киради. Африканинг жанубида 5 миллионга яқин Гарбий Европадан келганлар истиқомат этадилар. Улар антропологик жиҳатдан европоидларнинг ўтувчи типига ва шимолий европоид тармогига мансубдирлар. Африкада қадимги эфиопия ирқи ҳам шаклланган бўлиб, уларнинг ташки кўриниши жанубий

европаликларга яқиндир, фактат териси негроидлар-никидек қорароқ. Мадагаскарда Жануби-Шарқий Осиёдан жанубий монголоидларнинг, Жанубий-Гарбий Осиёдан эса европоидларнинг келиши ҳам маҳаллий негрлар билан аралашуви натижасида малагай типига мансуб аралаш ирқ шаклланган.

Умуман, Африка ахолисининг 27 фоизини европоидлар, 54 фоизини негроидлар ва 19 фоизини аралаш ирқ вакиллари ташкил этади.

Америка ахолисининг ирқий таркиби жуда хилма-хил. Унинг шаклланишида түрт ирқ вакиллари иштирок этган. Американинг туб халки –aborигенлар (индейс, эскимос ва алеутлар) Американинг алоҳида тоғли ҳудудларида (Мексика тоғликлари ва Анд), Жанубий Американинг ичкари ҳудудларида ва арктик районларда яшайдилар. Улар монголоид ирқининг турли тармоқларига мансуб дирлар. Колган ҳудудларда эса аралаш ирқ турлари ёки якин утмишда келган европоид ва негроид ирқлари жойлашган.

Хозирги даврда Америка ахолисининг кўпчилик қисми европоидлар бўлиб, улар асосан АҚШ ҳамда Канадада яшайди. Лотин Америкаси ахолисининг деярли 20 фоизи европоидлардан ташкил топган. Шимолий Америкада Буюк Британия, Скандинавия ва Германиядан келган европоид ирқининг аралаш типлари ҳам мавжуд. Уларнинг таркибида испанлар, португаллар ва итальянлар (европаликларнинг жанубий гурухи) кўпчиликни ташкил этади.

Америкада сон жиҳатдан европоидлардан сўнг метислар туради. Улар индейс-европа никоҳларидан ва никоҳсиз алоказларидан шаклланган аралаш ирқ гурухларидир. Метислар Мексика, Венесуэла, Чили, Парагвай каби Марказий Осиё давлатларида яшайди. Мулатлар (Европа ва Африка ахолисининг аралашувидан шаклланган) Америкада кам сонли ирқ гурухидир. Ушбу гурух вакиллари АҚШ, Бразилия, Куба, Венесуэла ва Вест-Индия ҳудудларида тарқалган. Баъзан метислар ва мулатларни фарқлаш қийин Венесуэла, Бразилия, Колумбия ва бошқа давлатларда мулатларга ўхшаш индейс-негр ирқлари аралашмаси бўлган самбо тури ҳам яшайди. Америкада турли аралаш ирқ гурухлари жуда кўпайиб кетмоқда. Бразилия, АҚШ, Гаити, Ямайка ва Лотин Америкасидаги баъзи давлатларга Африкадан келтирилган тоза негроид ирқи асосида шаклланган ахоли вакиллари ҳам учраб туради.

Америка аҳолисининг 52 % ини европоидлар, 23% ини метислар, 13% ини мулатлар, 7 % ини негрлар, 5 % ини монголоид-индейслар ташкил этади. Кўриниб турибдики, Америкада жами аҳолининг 1/3 қисми аралаш тип ирқлари вакиларидан ташкил топган.

Океания аҳолиси ирқий жиҳатдан европаликлар келгунга қадар австралоид катта иркининг икки йирик тармоғи (австралия ва папуас – меланезия) га мансуб эдилар. Океаниянинг шарқий ва шимолий худудларида инсонларнинг икки катта ирқи – монголоид ва австралоид оралиғидаги тармоқ ирқлар вакиллари истиқомат этишади. Яқин ўтмишда Австралия ва Океания худудларига Европа ва қисман Осиёдан келган кўплаб иммигрантлар ушбу худуд ирқий таркибида кескин ўзгаришларга сабаб бўлди. Австралия, Янги Зеландияда ҳозирда асосан европаликлар, Полинезия, Микронезия, Фиджи ва Янги Каледонияда Осиёдан келган европоидлар ва океанияликлар аралашмасига мансуб метислар гуруҳи яшайди. Улар Меланезия ва Янги Гвинеяда ҳам камроқ учраб туради.

Умуман, Австралия ва Океания аҳолисининг 75,4 % европоид, 0,4 % монголоид, 18,1 % австралоид (океанияликлар) ва 6,1 % аралаш типларга мансуб.

МДҲ худудидаги аҳолининг кўпчилиги европоид ирқига мансуб ва унинг таркибида ўткинчи ирқий гуруҳлар жуда кўп. Европоид иркининг шимолий тармоғига Болтиқбўйи давлатлари аҳолиси ва шимолий-гарбий худуддаги руслар, жанубий гурухига эса Кавказ халқлари киради. Ўткинчи типларига эса русларнинг катта қисми, украин, белорус ва МДҲнинг бошқа халқлари киради. Шарқий Сибирь ва Узоқ Шарқда монголоид иркининг континентал гуруҳи ҳамда арктик гурухга мансуб эскимос, чукча ва коряклар яшайди. Фарбий Сибирь ва Қозогистон европоид ва монголоид иркининг алоқа зоналари булиб, бу ерда монголоид элементлари кучлирок сакланган аралаш ирқий гурух шаклланган ва унинг белгилари шарққа борган сари кучайиб боради. Фарбий Сибирь текислиги ва Саян-Олтой зонасида монголоид белгилари кўп бўлган урал ва жанубий Сибирь ирқий гурухи шаклланган. Монголоид ирқи белгилари шаклланган ирқий гурух вакиллари Кола ярим ороли, Волгабўйи ва Уралда учрайди. Улар фин тилига мансуб саамлар, мордвалар, марийлар, удмуртлар, турк тилига мансуб чувашлар,

бошкырд ва татарлар бұлиб, илмий адабиётда ушбу ирқ гурухларини лапонойлар ёки субуралликлар деб номланған.

Халқларнинг буюк күчишлари даврида монголоид иркіга мансуб Марказий Осиёning күп сонлы ахоли оқими Гарбий Сибирь, Қозогистон, Жаңуби-Шарқий Европа чүллари ҳамда Ўрта Осиё худудларига кириб келгандар. Натижада ушбу худудларда аралаш ирқ типлари шаклланған: жанубий Сибирь (киргизлар ва қозоқлар) орасыда (уларда монголоид ирқи гурухы белгилари аниқ шаклланған) ва ўрта осиё типи – туркманлар, қисман ұзбеклар ва тоғиклар (уларда монголоид белгилари камрок ифодаланған) шаклланған. Сибирга дастлабки русларнинг келиши натижасыда маҳаллий ахоли билан аралашып, үзиге хос ирқий гурух (камгад, қолмиктар ва б.) нафақат ташки күриниш, ҳатто, этник маданияти жиҳатидан ҳам руслардан фарқ қиласы.

Ер шарыда жамиятнинг ривожланиб бориши, ахолининг күпайиши жараёни давомида ирқий гурухлар сони ва таркибида турли үзгаришлар давом этиб бормокда.

✓ ДУНЁНИНГ ДЕМОГРАФИК БАШОРАТИ ВА ГЛОБАЛ МУАММОЛАР

✓ Илмий адабиётда қайд этилишича, сайёрамиз ахолиси XXI аср давомида ҳам мунтазам үсіб борар экан. Лекин дунё ахолисининг үшиш суръати XX асрға нисбатан анча паст даражада содир бұлиши күтилмокда. Маълумки, XX асрда, дунёда асосан ахолининг кенгайған такрор барпо бұлиши тури фаолият күрсатған. Яъни туғилиш юқори даражада булиб, ұлым эса аста-секин камайиб борған. Бу ҳол 1960–1970 йылдарда дунё ахолиси жуда тез суръат билан үсіб боришида “демографик портлаш”га олиб келған. XXI асрда эса ахолининг такрор барпо бұлиши қысқарған турға үтади. Ұлымнинг камайиб бориши давомида, туғилиш ҳам кескин камайиб кетади. Фарзандлар туғилиши тұла назорат этилади.

✓ Дунё ахолисининг сони келажақда қанча бұлади? Бу ҳақда асосий маълумотлар БМТ, Халқаро тизимий тақылар институты NASA (ИСА – Институт прикладного системного анализа) ва дунё банки томонидан ишлаб чиқылған.

Дунё аҳолиси сонининг башорати*

Йил	Аҳоли (млрд.киси)		
	ИСА	БМТ	Дунё банки
2025	8,1–9,9	7,9–9,1	8,3
2100	9,1–16,1	9,0–19,2	11,7

* Алисов Н.В., Хорев Б.С. Экономическая и социальная география мира. М., 2000. С.130.

Жадвалда келтирилган, учта нуфузли ташкilotнинг башоратлари буйича сайёрамизда аҳоли сони 2025 йилга бориб ўртacha 8,5 миллиард атрофида, 2100 йили эса 11,7 миллиард атрофида бўлар экан.

Дунё аҳолисининг башорати жуда кенг, атрофлича ретроспектив таҳлил асосида ишлаб чиқилган. 1950 йилдан бошлаб, дунё ва унинг алоҳида ҳудудларининг демографик ҳолати илмий ўрганилган. Туғилиш ва ўлим жараёнлари, аҳолининг демографик майли ҳудудлар доирасида таҳлил этилган. Шунингдек, ҳар бир ҳудуднинг ижтимоий-иктисодий ҳаётида кутилаётган ўзгаришлар ҳам аҳоли сонини башорат этишда асосий омиллар сифатида ўрганилган ва башоратда хисобга олинган.

Дунё аҳолисининг башоратида ҳудудий хусусиятлар мавжуд. Бу хусусиятлар ҳар бир ҳудуднинг демографик тарихига мавжуд демографик вазиятга ва ижтимоий-иктисодий ривожланиш даражасига боғлиқдир.

Юқорида келтирилган башорат буйича 2025 йилда дунё аҳолиси 8 миллиард 467 миллион кишини ташкил этади. Ана шудаврда дунё аҳолиси кўпайишининг факат 5 % га яқин қисми шимолий ярим шарда жойлашган ривожланган давлатлар хиссасига тўғри келади. Мазкур давлатларда аҳоли ўсиши туғилиш хисобига эмас, балки аҳоли ўлимининг камайиши ҳамда аҳоли умр кўриш муддатининг узайиши (ўртacha 73 ёшдан 79 ёшгача) хисобига содир булади. Туғилиш жуда камайиб бориб, ҳар бир аёлнинг фарзанд куриш даври (15–49 ёш) да кўрган болалари ўртacha 1,9 ни ташкил этади. Гарбий Европада эса бу кўрсаткич 1,5, Шарқий Европада ҳам туғилиш ўз тарихидаги энг паст даражага тушади. Германия, Данія, Швеция, Австрия давлатларида кутилаётган депопуляция (аҳолининг камайиб кетиши) иммиграция хисобига бартараф этилиши куттилмоқда.

✓ 1990–2025 йилларда дунё аҳолиси ўсиб боришининг 95 % Осиё, Африка ва Лотин Америкасидаги ривожланаётган давлатлар хиссасига тўғри келади. Лекин XXI асрнинг дастлабки чорагида ривожланаётган давлатларда аҳоли ўсишида жуда катта ҳудудий тафовутлар бўлиши кутилмоқда. Агар Лотин Америкаси бўйича келажакда аҳоли сонининг ўртacha ийлик ўсиб бориши 2,1 % ни ташкил этса, Уругвайда бу кўрсаткич 1 % ни, Кариб дengизи хавзаси давлатларида – 1,45, Марказий Америкада – 2,3, Парагвайда – 3 % ни ташкил этади. Лотин Америкаси аҳолиси 2001–2025 йилларда 525 миллион кишидан 760 миллион кишига етади.

✓ Ана шундай жараённи Осиё ҳудудида ҳам кузатиш мумкин. Шарқий Осиё давлатларида келажакда аҳоли ҳар йили ўртacha 1,3 % дан кўпайиб борса, Жануби-Шарқий Осиёда аҳолининг ийлик ўсиши ўртacha 1,9 % ни, Жанубий Осиёда 2,3 % ни, Фарбий Осиёда эса 2,7 % ни ташкил этади.

✓ Африкада келажакда аҳолининг тез суръат билан ўсиб бориши кузатилмоқда. 1990 йилларда ҳам Африкада аҳоли сонининг ўсиши дунё бўйича энг юкори бўлиб, ийлик ўсиши ўртacha 3 % ни ташкил этган. Яқин келажакда Африка аҳолисининг кўпайиб бориши туғилишнинг нисбатан юкори даражада сақланиб туриши, ўлимнинг камайиши ва аҳоли умр кўриш муддатининг узайиши ҳисобига олдинги суръатини деярли саклаб туради. 2001–2025 йилларда Африка аҳолиси 818 миллиондан 1581 миллионга этиши кутилмоқда.

✓ Европа ва Шимолий Америкада аҳолининг башорати ўзгачарок аҳволдан дарак беради. Бу ҳудудлар аҳолисининг салмоги келажакда дунё миқёсида пасайиб боради. 1990 йили дунё аҳолисининг 32,1 % ини Европа ва Шимолий Америка аҳолиси ташкил этган булса, 2025 йилга келиб, бу кўрсаткич 15,8 % ни ташкил этиши башорат қилинган.

✓ Хиндистон аҳолисининг сони келажакда кўпайиб бориб, Хитой аҳолиси билан тенглашади. Хиндистонда ўтказилган социологик тадқикотлар ҳамда аҳоли рўйхати маълумотларига кура, ҳозирги даврда ҳар бир хинд оиласига ўртacha 3 тадан фарзанд тўғри келмоқда. Ана шундай ҳолат келажакда ҳам давом этса, 2050 йили Хиндистон аҳолиси 2,76 миллиардга етади ва дунёдаги аҳолиси энг зич жойлашган давлатга айланади.

Хитойда олиб бориласттан демографик сиёсат аҳоли купайиб боришини бошқариш мумкинлигидан гувоҳлик бермоқда. Ҳозирда Хитойда “битта оила – битта бола” сиёсати жорий этилган. Ана шу сиёсат амалий фаолият кўрсатиб борса, Хитойда XXI асрда аҳоли сони 1,4 миллиард атрофида сакланиб туради.

БМТ маълумотларига қараганда, ер шари аҳолиси XXI асрнинг биринчи ярмида ҳам мунтазам кўпайиб бориб, унинг микдори 10 миллиарддан ортикни ташкил эради. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, келажакда аҳолининг ўсиши ҳамма давлатларда ҳам бир текисда содир бўлмайди. Саноат юкори даражада ривожланган мамлакатларда туғилиш даражаси паст, аҳолининг ўртacha умр кўриш даври юкори бўлади. Демографик баланс иммиграция хисобига таъминланади. Ушбу мамлакатларда меҳнат ресурсларига бўлган талаб, бошқа давлатлардан келган меҳнат ёщидағи аҳоли билан тўлдирилади.

2050 йилга келиб, Италия, Япония ва Россия каби давлатлар аҳолисининг қисқариши кутилмоқда. Мали, Саудия Арабистони ва Нигерияда аҳоли 3 баробарга, Миср ва Кенияда 2 баробарга кўпаяди. Мутахассисларнинг хисоблашларига кўра, ривожланган мамлакатлар аҳолиси 2050 йилга бориб бирмунча камаяди. Ушбу давлатлар аҳолиси ҳозирда 1,8 миллиард бўлса, 2050 йили 1,2 миллиардни ташкил этади. Аҳолининг бундай камайиб бориши, ривожланган давлатларда қатор муаммоларнинг келиб чиқишига олиб келади. Улардан асосийси миллий ва маданий қадриятларни саклаб қолиш ва аҳоли “қариш” муаммосидир.

БМТ маълумотларига кўра 2050 йилда сайёрамиз аҳолисининг ҳар бешинчи одами 60 ёшдан катта бўлади. 85 ёшдан ошганларнинг сони эса 6 марта кўпаяди. Туғилиш ниҳоятда паст бўлган Япония, Германия, Италия каби давлатларда аҳолининг 40 % ини қариялар ташкил этиши башорат этилмоқда.

Умуман, Европа мамлакатлари бугунги кунда “демографик ўтиш” назарияси бўйича учинчи босқичда турибди. 2050 йилга бориб, ушбу давлатлар демографик “ўтиш”нинг сунгти – туртинчи босқичига ўтадилар. Яъни туғилиш ва ўлим тенглашиб, аҳоли ўсиши деярли тўхтайди.

Маълумки, дунё аҳолисининг асосий қисми ривожланаётган мамлакатлар хиссасига тўғри келади. Илмий башоратларнинг кўрсатишича, ушбу давлатларда XXI аср иккинчи ярмида аҳоли со-

ни мунтазам күпайиб боради. Ривожланаёттан давлатлар ахолиси XXI аср бошида 4,8 миллиардни ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич 2050 йилда 8,2 миллиардга етади.

✓ Аҳолининг мунтазам күпайиб бориши ахолиси зич жойлашган худудларда қатор муаммоларга сабаб бўлиши табиий албатта. Шунни алоҳида қайд этиш лозимки, ахоли зич жойлашган, лекин иктисадий ривожланган худудлар ҳам борки, аҳолининг күпайиши билан боғлик муаммоларни ижобий бартараф этиб келинмоқда. Демак, аҳолининг күпайиб бориши билан боғлик муаммолар дунёдаги ахолиси зич ва иктисадий ривожланмаган худудлар учун кескин вазиятларни келтириб чиқариши мумкин экан.

✓ Аҳоли ўсиб бориши ва унинг оқибатлари ҳакида илмий адабиётда турлиғиға фикрлар мавжуд. Улардан асосийлари аҳолининг күпайиб бориши дунё табиий ресурсларига салбий таъсир этиши ва аҳолини озиқ-овқат билан таъминлаш мушкуллашиши ҳакида бўлиб, у XVIII асрдан, Т.Мальтус давридан бошлаб мавжуддир. XX аср олимларининг ҳисоб-китобларига қараганда эса ер юзида ва океанларда мавжуд ресурслар билан 10 миллиард аҳолини таъминлаш мумкин экан. Шундай бўлса-да, ер куррасида тинмай ўсиб бораётган аҳолини озиқ-овқат билан таъминлаш баъзи худудларда муаммо бўлиб келмоқда. Ҳозирги даврда БМТ маълумотларига қараганда, дунёда 1 миллиард аҳоли қашшоқликда яшайди, 500 миллион аҳоли қорни тўйиб овқат емайди, ҳар куни очликдан 35 минг киши вафот этмоқда.

✓ Жанубий Осиё, Африка ва Лотин Америкасида жойлашган 36 та давлат ўз ахолисини ресурслар билан таъминтай олмайди.

✓ Дарҳақиқат, ер юзида ва океанларда аҳолини озиқ-овқат билан таъминлашга кодир ресурслар беҳисоб. Лекин бу ресурслар инсон истиқомат этиб келаётган худудлар бўйича бир текисда тақсимланмаган. Натижада, аҳолининг ўсиши юқори ва табиий ресурслари кам, дунёдаги мавжуд табиий ресурслардан фойдаланиш мушкул бўлган худудларда қатор муаммолар келиб чиқмоқда. Бугунги кунда инсон ва унинг фаолияти билан боғлик энг хатарли муаммо ер, сув ва ўсимлик дунёсининг ифлосланишидир. Баъзи давлатларда аҳолига тоза ичимлик суви сотилади. Масалан, Мальтада тоза ичимлик суви маҳаллий винодан ҳам қиммат туради. Аҳоли жуда тез ўсиб бораётган, лекин озиқ-овқат муаммолари мавжуд Африка каби худудларда нисоният учун хавфли СПИД ва бошқа

юқумли касалларнинг тарқалиши, аҳоли зич ҳудудларда тупроқ хосилдорлигининг камайиб бориши, табиий ўрмонлар майдонининг кисқариб кетиши, энергия таңқислиги, ҳаво, тупроқ, сувнинг ифлосланиши натижасида азон тешигининг ҳосил бўлиши ва аҳолининг касалланиши даражаси ошиб, инсон иммунитетининг кучсизланиб бориши юқорида қайд этилган муаммолардандир.

Юқорида келтирилган маълумотлардан асосийси аҳолини озиқ-овқат билан таъминлашдир. Дунё аҳолисининг ўсиб бориши ва уларни озиқ-овқат билан таъминлаш борасида мутахассислар томонидан турли фикрлар билдирилган. Уларнинг маълум гурухи агар дунё аҳолиси XX асрдагидек юқори суръат билан кўпайиб борса, уларни озиқ-овқат билан таъминлаш мушкул аҳволда қолади, деган фикр билдиримоқдалар. Яна бир гурух мутахассис олимлар эса ер куррасидаги мавжуд табиий ресурслар билан аҳолини бокиши мумкин деган хуносага келишган. БМТ қошидаги умумжаҳон Қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат таъминоти ташкилоти томонидан олиб борилган тадқиқот натижаларининг кўрсатишича, агар дунёдаги барча мамлакатлар қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришда замонавий, тарақкий этган услублардан тўғри фойдаланса, ҳосилдорлик янада ошиб, озиқ-овқат билан нафакат ҳозирги ер шари аҳолисини, балки ундан иккى марта кўп аҳолини таъминлаш мумкин экан. Америкалик мутахассис Ревел эса агар қишлоқ хўжалигига ярокли барча ерларга керакли ишлов берилса, зарур бўлганда тартиб билан суғорилса, ердан жуда юқори ҳосил олиниши ва бу ҳосил билан 100 миллиард одамни бокиши мумкин, деган фикрни келтиради. Агробиолог олимлар маълумотлари буйича қишлоқ хўжалигига ярокли ерларни, иклим, қуёш нурини ҳисобга олган ҳолда, атроф-мухитни заҳарламайдиган ўғитлардан фойдаланиб ишлов берилса, тахминан 80 миллиард одамни озиқ-овқат билан таъминлаш мумкин экан. Лекин дунёдаги барча аҳоли ҳам қишлоқ хўжалигига ярокли, ҳосилдор ерларда яшамайди. Дунё аҳолисининг 1 миллиаррдан ортиқроғи қишлоқ хўжалик имкониятлари паст ерларда истиқомат этишади. Бундай ерлар Жануби-Ғарбий Осиё ерларининг 75 % ини, Африканинг 47 % ерини, Жануби-Шарқий Осиёнинг 35 % ини ва Марказий Осиёнинг 35 % ер майдонларини эгаллайди. Ана шундай номувофиқликлар дунёдаги маълум давлатларда озиқ-овқат билан боғлиқ иқтисодий муаммоларнинг келиб чиқишига сабаб бўлмоқда. Умуман олганда, дунёда

мавжуд табиий ресурслар бутун сайёра ахолисини озиқ-овқат билан таъминлашга қодир. Фақат ҳар бир давлат ўзида мавжуд табиий имкониятлардан фойдаланиб, биринчи навбатда қишлоқ хўжалигини ривожлантириши, ерлардан унумли фойдаланиши зарур. Дунё миқёсида озиқ-овқат етиштиришни, бутун ахоли эҳтиёжларини хисобга олган ҳолда, илмий асосда ташкил этиш, маҳсус ташкилотлар орқали бошқариб бориш лозим.

✓ Аҳолини озиқ-овқат билан таъминлаш муаммоларининг ижобий ҳал этилиши биринчي навбатда моддий ишлаб чиқаришни ривожлантиришни такозо этади. Бу эса ўз навбатида энергия (ёқилғи) ресурси билан чамбарчас боғлиқдир. Энергетика ишлаб чиқариш кучлари ривожланишини ва курра заминда инсониятнинг ўзининг мавжудлигини таъминловчи асосий омил хисобланади. Маҳсус хисоб-китобларга караганда, одамзод 1 йилда 9 миллиард тонна ёқилғи ишларат экан (нефть эквиваленти билан хисоблагандар)¹.

✓ Жамият тараққиётини таъминловчи саноат, қишлоқ хўжалиги ва транспорт каби соҳаларнинг фаолияти ҳам бевосита энергияга боғлиқдир. Умуман, инсоният тақдирида энергия ҳамиша энг асосий ўринни эгаллаб келган. Инсоннинг ўтмиши, бугуни ва келажаги энергия манбалари билан чамбарчас боғлиқдир.

✓ Ер куррасида энергия берувчи табиий манбалар мавжуд бўлиб, уларга нефть, табиий газ, сув, кўмир ва қуёш энергияларини киритиш мумкин. Шунингдек, инсон фаолияти билан боғлик водород ва бошқа энергия турлари ҳам бор. Лекин сайёрамиз ахолисининг ёқилғи энергиясига бўлган эҳтиёжини қондиришда 40 % нефтдан, 31 % кўмирдан ва 23 % табиий газ захираларидан фойдаланилар экан. Маълумки, мазкур захираларнинг аксарияти тоғ ва тоғолди худудларида жойлашган. Айниқса, энергетика соҳасининг ривожланишида асосий манбалардан бўлган тошкўмир ва қўнғир кўмир захиралари бўйича тоғлар асосий ўринда хисобланади. Бундай тоғлар жумласига Шимолий Америкадаги Кордильера, Европадаги Скандинавия, Пиреней, Карпат, Алып, Урал, Осиё қитъасидаги Тибет, Тяньшань, Помир каби тоғлар жуда қадим замонлардан бери табиий ресурслари билан инсоният мушкулгини осон қилиб келмоқда. XVIII асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб, энергия манбаи бўлган кўмир саноати мустақил тармок сифатида ривожлана бошлади. XIX аср бошида дунё бўйича

¹ Алисов Н.В., Хорев Б.С. Экономическая, социальная география мира. М., 2002. С.92.

12 миллион тонна күмір қазиб олинган бұлса, XIX аср 60-жыларда бу күрсаткіч 19700 миллион тоннага етди. Ҳозирги даврда тоғ ва тоғолди мінтақаларидаги мавжуд захиралардан құнғир күмір қазиб олиш бүйічә Германия, Россия, АҚШ, Хитой, Польша, Чехия, Греция, Турция, Австралия ва Югославия давлатлари дунё бүйічә етакчылық қылмоқда. Тошқұмیرни қазиб олиш ва экспорт қилиш бүйічә эса дунёда Осиё, Шимолий Америка, Фарбий Европа, Австралия ва Океаниядаги давлатлар етакчидір.

Узбекистон тоғларыда ва тоғолди мінтақаларыда ҳам күмір захиралари мавжуд булиб, ақоли ва ишлаб чиқаришнинг энергияга бұлган әхтиёжини маълум қысмани таъминлаб келган. 1940 йилда Оҳангарон водийисида Узбекистонда иирик күмір кони ишга туширилди ва күмір саноатига асос солинди. Иккінчи жағон уруши Оҳангарон күмір кони собық СССР худудидаги мудофаа учун хизмат күлгүчі заводларни ёқилғи билан таъминлашға катта хисса құшди. Оҳангарон күмір конининг геологик захираси 2 миллиард 32 миллион тонна булиб, Үрта Осиёдеги күмір конлар захирасынинг 60 % га якинини ташкил этади. Узбекистон ақолиси-нинг иссиқлик энергиясыга бұлган әхтиёжини қондирішща 1958 йилда Сурхондарё вилоятіда ишга тушган Шарғун күмір конининг ҳам ақамияти каттады.

Инсонияттың іжтимоий-иктисодий тараққиеті тарихи ҳамма даврларда ҳам энергияга бұлган әхтиёжни таъминлашда муаммолар бұлганини күрсатади. Мазкур муаммоларни ечишда эса қадимий тоғлар ва тоғолди мінтақалари ресурсларидан фойдаланилған. Лекин инсонияттың келажаги ҳам маълум маънода тоғлар билан боғлиқидір. Яқин келажақда ер куррасида энергия ресурслари тугаб қоладими? Одамзод энергетика танқислігінде көз тутадими? каби саволлар күпчілікни ташвишға солмоқда. Бу жуда үринли саволлар. Даржақықат, нефть, газ, күмір захиралари ер шарыда чексиз земас. Чунки коинотда ер сайёрасининг үзининг ҳам маълум үлчами, үрни бор. Шундай бұлғач, ердаги захиралар ҳам маълум үлчамга әгадір. Илмий таҳлилларға күра, бугунғи кунда ер шарыда 140 миллиард тоннага яқин нефть захиралари аникланған. Улардан ассоцијации Яқин ва Үрта Шарқ, Марказий ва Жанубий Осиё худудларыда жойлашған. Шунингдек, дунёда газ захиралари ҳам жуда күп булиб, уларнинг умумий қажми 145 триллион м³га teng.

Бу захиралар Россия, Яқин ва Ўрта Шарқ, Гарбий Европа, Жануби-Шарқий Осиё ва Африка худудларида аниқланган.

✓ Келажакда инсоният ҳәётидаги энергия муаммосини ҳал этишда дунёнинг төг ва тоголди мингақаларида аниқланган тошкўмир ва кўнгир кўумир захираларининг ҳиссаси ҳам катта. Ушбу захираларнинг умумий ҳажми 1543 миллиард тоннага тенг бўлиб, улар Гарбий Европа (28,9 %), Шимолий Америка (24 %), Осиё (21 %), Африка, Жанубий Америка ва Австралияда (27 %) жойлашган.

✓ Ер шарида атом энергетикаси учун зарур бўлган уран, торий захираларининг аҳамияти катта.

✓ Шунингдек, физиклар томонидан термоядро энергиясини олиш учун ҳам қатор назарий ва амалий аҳамиятга молик ишлар олиб борилмоқда.

✓ Энергияни ривожлантиришдаги яна бир йўналиш – қуёш нурларидан фойдаланишидир. Дунёда қуёш энергиясидан унумли фойдаланиш борасида ҳам катта илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда ва сайёрамизда маҳсус мосламалар ҳам яратилган.

✓ Сайёрамизда ер ости иссиқ сувлари ҳам мавжуд бўлиб, улардан энергия манбаи сифатида фойдаланилади. Ана шундай иссиқ сувлардан фойдаланиш Исландия, Италия ва Камчаткада йўлга қўйилган.

✓ Хозирги даврда олимлар томонидан водороддан энергия манбаи сифатида фойдаланиш борасида тадқиқотлар олиб борилмоқда.

✓ Мутахассислар фикрича, яқин 200 йил ичидаги инсониятни энергия танқислиги хавотирга солмас экан. Аксинча, одамзод тараққиётида энергия ортиқчалиги муаммоси туғилиши эҳтимоли кутилмоқда.

✓ Ер куррасида юкорида қайд этилганидек, чучук сув, тоза ичимлик суви салмоининг нисбатан камлиги ҳам сайёрамизнинг баъзи худудларида маълум муаммоларга сабаб бўлмоқда. Ушбу муаммоларни ҳал этишда океан сувларини чучуклаштириш самара бермасмикан?

✓ Дарҳакиқат, олимлар фикрича ҳам, келажакда инсониятни чучук сув билан таъминлашда океанлар имконияти каттадир. Бирок хозирча шур сувларни чучуклаштириш усули икътисодий жиҳатдан жуда қимматга тушмоқда. Шундай бўлса-да, бундай иншоотлар Кувайт, Жазоир, БАА, Саудия Арабистони, Ливия, АҚШ,

Қозогистон, Озарбайжонда ишлаб турибди. Лекин бу мосламалар аҳолини чучук сув билан таъминлашда “денгиздан бир томчи” холос.

Океанлардаги узунлиги 1 км, эни 500-600 м, баландлыги 300-500 метргача булган мұздоғларны (айсберг) жаңубий денгизларга тортиб келиб порт шаҳарларда эригиб, унинг чучук сувидан фойдаланиш ҳам истиқболли дастурлардан. Факат буларнинг барчаси учун океанлар ҳам тоза сақланиши зарур булади. Ҳолбуки, ҳозирга келиб, океанларнинг инсон туфайли нефть маҳсулотлари ва оғир металлар, айниқса, радиоактив моддалар билан күп миқдорда ифлосланиб бораёттандырылған.

✓ Демак, тоза сув миқдорининг чекланғанлиги инсоният жуда әхтиёткорлик билан иш тутиши лозимлигини үқтиради. Албатта, инсонлар бутун үз ҳаётлари учун сувнинг аҳамияти бекіёт эканлинини яхши англайдилар ва сувни экологик жиһатдан тоза саклаш бүйіча маълум ишлар ҳам қилинмоқда. Шундай бұлса-да, бугунғи кунда сув муаммоси үз ечинини тополмаёттан экан, бунинг сабаблари аввало, тоза сув миқдорининг чегараланғанлиги ва танқислиги, айниқса, уннинг дунё бүйілаб нотекис таксимланишида күринади. Масалан, ҳозирғи кунда ер шарининг 60 фоиз майдони чучук сув билан етарли даражада таъминланмаган. Чучук сув захирасининг йилдан-йилга камайиб, сув муаммоси кескинлашувинынг асосий сабаби сифатида:

- ✓ - жақон аҳолисининг тез суръатлар билан қўпайиши;
- чучук сув захираларининг саноат ва қишлоқ хужалигига күплаб ишлатилиши;
- Ернинг сув қобиғи ифлосланиб бориши ва сув манбаларининг үз-үзини тозалаш қобилиятининг пасайишини айтиб ўтиш лозим.

✓ Сув муаммосининг кескинлашуви сабабларидан бири сифатида аҳолининг кўпайиб боришини ҳам таъқидлаб үтдик. Шу үринда, сайёрамиздаги чучук сув захиралари қанча аҳолининг әхтиёжини кондира олади, деган савол туғилиши табиийдир.

Гидросферанинг миқдори М.И.Лъвович маълумотига кўра, 1458642 минг куб/км.ни ташкил этса-да, уннинг асосий қисми – 1370322 минг куб/км. миқдори океанлар хисобидадир.

✓ Олимларнинг ҳисоб-китобларига кўра, ер юзидағи мавжуд чучук сувлар ва фойдаланиш мумкин бўлган ер ости сувлари

60 миллиарддан ортиқ аҳолининг эҳтиёжини қондириш учун етади (фақат ичиш эмас, саноат ва қишлоқ хўжалик эҳтиёжи ҳам ҳисобга олингандан). БМТ демографларининг тахминича, Ер шари аҳолиси 12-14 миллиард киши атрофида барқарорлашиши эҳтимоли бор.

Демак, чучук сув муаммосининг вужудга келишида асосий сабаб, унинг камлиги эмас, балки дунё бўйтаб нотекис тақсимлашишидадир. Айрим мамлакатлар худудида сув “тилга баҳоси” бўлиб танқисланиб турганида, дейлик, шимолий худудларда сув бехудага оқиб ётади. Сувга эҳтиёж юкори бўлган худудларда унинг ифлосланиши ҳам юкори даражада эканлиги кузатилади. Ҳақиқий тоза сув одамлар масканларидан узокроқда сакланиб қолган, холос. Бундай жойларда дунё тоза сув захирасининг 80 фоизи мавжуд. Энг қизифи, қолган 20 фоиз тоза сувли майдонларда жаҳон аҳолисининг 90 фоизи жойлашган. Табиийки, бундай худудларда сув муаммоси кундан-кунга кескинлашиб бормоқда. Шу ўринда бир мисол Олимлар сайёрамиздаги биринчи ақлли одамларнинг (*Homo sapines*) пайдо бўлишини 40-50 минг йиллик давр билан тахминлайдилар. Мутахассислар маълумотига кўра, мана шу узоқ даврдан то 1000 йилларгача дунёда атиги 3 миллион одам яшаган. 1600 йилга келиб, аҳоли 500 миллионга, 1830 йилга келиб эса бир миллиардга етган. Ундан кейинги ўн йилликларда одамзоднинг кўпайиши мисли кўрилмаган даражада тезлаша бошлади. Ҳозирда йиллик табиий кўпайиш 90-100 миллион нафарни ташкил этмоқда, демографлар тахминича 2025 йилга бориб Ер шари аҳолиси нуфузи 8,5 миллиардга етиши мумкинлиги юкорида қайд этилди.

Энди тасаввур килиши қийин бўлмаса керак. Чучук сув захиралиари ўзгармагани ҳолда тобора ўсиб бораётган дунё аҳолисининг сувга бўлган эҳтиёжини қандай килиб қондириш мумкин. Ҳозирнинг ўзида дунё аҳолисининг учдан бир қисмигина тоза сув ичгани ҳолда, яна учдан бир қисми ичса бўладиган, қолган бир қисм аҳоли эса ичишга умуман яроқсиз, ифлосланган сувдан истеъмол қилишади. Бундай ифлосланган сувдан ичадиган аҳоли ўртасида ўлим даражаси ҳам юкори. Тоза сув – оби ҳаёт, тириклик манбай бўлгани ҳолда, сув ифлосланса ҳаёт учун хавфли манбага айланади ва турли эпидемиологик касалликларни келтириб чиқаради.

Юкорида айтиб ўтилганлардан ҳам маълум бўладики, одамзод ўз келажагини, ўз насли бардавомлигини ўйласа, сувни исроф эт-

маслиги ва ифлослантирмаслиги лозим экан. Лекин чучук сув танқислиги мавжуд бўлган бир пайтда, кўп ҳолларда у исроф қилинмоқда. Айниқса, шаҳарларда қишлоқлардагига қараганда сув сарфи, исрофгарчилиги жуда юқори. Ҳозирги кунда шаҳарларда коммунал хўжалик тармоқларининг ҳам чучук сувга бўлган эҳтиёжи тобора ошиб боряпти. Ҳисоб-китобларга қараганда, бир кунда бир қишлоқлик ўргача 55 литр сув сарфлагани ҳолда, шаҳарлик 150 литр сувни сарфлаб юборар экан. Жаҳоннинг жуда ийрик шаҳарларида сув сарфи бундан ҳам юқори. Масалан, Москвада ҳар бир одамга кунига 600, Санкт-Петербургда 700, Нью-Йоркда 800 литргача сув сарф бўлар экан.

Ҳозирда урбанизация жараёнинг шиддатини эслайдиган бўлсак, бу рақамлар янада сергак тортиради одамни. Бундан 50 йиллар муқаддам дунё аҳолисининг 30 фоизи шаҳарларда яшаган бўлса, бу кўрсаткич 2001 йилга келиб, 50 фоизни ташкил этди. Мутахассислар башоратича, асримиз ўрталарига бориб ривожланган мамлакатлар аҳолисининг 90 фоизи шаҳарларда яшайди. Ҳатто, ҳозир ҳам Буюк Британия, Испания, Истроил, Нидерландия аҳолисининг 90 фоизи, АҚШ, Канада аҳолисининг 82 фоизи, Швеция, Германия аҳолисининг 80 фоизи, Япония аҳолисининг 78 фоизи шаҳарларда истиқомат қилимоқда. Кам қисм қишлоқ аҳолисининг катта нуғуздаги шаҳар аҳолисини қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан таъминлаб улгуриши ҳам бугунги кунда мамлакатларнинг ривожланганилик даражасини белгиловчи бир мезон бўлиб қоялти.

Бу ўринда чучук сув захирасининг 60 фоизини қишлоқ хўжалик тармоқлари истеъмол қилишини ҳам айтиб ўтиши жоиз. Факат XX асрнинг ўзидаёқ суғориладиган ерлар майдони 40 миллион гектардан 250-300 миллион гектарга кўпайди. Суғориб дехқон-чилик қилинадиган ерларнинг асосий қисми Ҳиндистон (57 млн. гектар), Хитой (50 млн. гектар), АҚШ (21 млн. гектар), Покистон (17 млн. гектар) каби давлатларга тўғри келади.

Маълумки, сув жамики мавжудотнинг тириклик боисидир. Маълумотларга қараганда, ўсимликлар таркибининг 90 фоизи, одамлар ва ҳайвонлар организмининг 75 фоизи сувдан ташкил топади ва организмдаги сувнинг 10-12 фоизи йўқотилса, бу ҳалокатли булиши мумкин. Инсонлар ўз эҳтиёжлари учун қанча сув зарур булиши хусусида биламиз ва кўп гапирамиз. Лекин ер юзидағи мавжуд

ҳайвонларнинг сув истеъмоли кўпинча эътибордан четда қолмоқда. Ҳолбуки, ҳайвонлар ҳам сув истеъмол қилишда ва уни ифлослантиришда одамлардан қолишмайди. Масалан, бир кунда **күй** ва эчки 5-6 литр, эшак 10-12, от 10-15, сигир ва ҷӯчка 15-20, бўрдоки новвослар 30 литргача сув ичади. Туя эса бир ичишда 100 литргача сув ичади. Ҳайвонларнинг сони ҳам ер юзидағи одамлардан кўпроқдир. Мъалумотларга караганда, жаҳонда йирик шохли қорамоллар сони тахминан 1 миллиард 300 миллионга тенг (шундан 210 млн. Ҳиндистонда, 165 млн. Бразилияда, 102 млн. АҚШда, 100 млн. Хитойда ва ҳ.к. мавжуд).

✓ Кўйларнинг сони эса 1 миллиард 200 миллионта (Хитойда 132 млн., Австралияда 123 млн., Эронда 50 млн., Янги Зеландияда 47 млн.).

✓ Чўчқаларнинг сони 1 миллиард атрофида (Хитойда 425 млн., жами чўчқаларнинг 50 фоизи шу давлатда, АҚШда 60 млн., Бразилияда 35 млн.).

✓ Эчкилар сони 700 миллион бўлиб, катта қисми Туркия, Эрон, Анд худудида. Дунёда товуклар сони 14 миллиард бўлиб, унинг 3 миллиарди Хитойда бокилади.

✓ Сувни **кўп** истеъмол қиласидиган ва ифлослантириб, касаллик тарқатадиган зараркунанда ҳайвон – каламуш ҳақида ҳам тўхталиб ўтиш жоиз. Каламушлар сони ҳозирги кунда турли манбаларда 10 миллиард атрофида эканлиги таъкидланмоқда.

✓ Бу ўринда бир гуруҳ ҳайвонларнинг санадик. Биз санамаган ҳайвонлар ва уларга кетадиган сув сарфи ҳали қанча!

✓ Айтиш жоизки, ер юзида инсоният нуфузи ошиб боргани сари бокиладиган ҳайвонлар сони ҳам ортиб бораверади. Чунки одамзод ўз эҳтиёжига кура, уларнинг гўшти, жуни, сути, тухуми, ёғи, териси учун кўпайтириб боради. Масалан, кейинги 50 йил ичида чўчқалар сони 3 мартаға кўпайган бўлса, товуклар сони 30 йил ичида 2 мартаға ортган. Албатта, бу ҳайвонлар кўпайгани сайин уларнинг сувга бўлган эҳтиёжи ҳам орта боради. Зоро, ҳалқимиз нақлида то-пиб айтилганидек: “Бир товукка ҳам дон, ҳам сув керак”.

✓ Жамият тараққиётининг ҳозирги даврда инсон фаолияти ва сув билан боғлиқ орол муаммоси ҳам мухимдир. Орол фожиаси атиги 35-40 йил ичида кўз ўнгимизда содир бўлган ва инсоният тарихидаги энг мудхиш экологик ҳалокатлардан биридир. Денгиз атрофида яшайдиган 35 млн. аҳоли унинг таъсири остида қолди. Орол

ўзининг транспорт, балиқчилик, мўйначилик каби куптаб халқ хўжалигига фойда келтирувчи манба сифатидаги аҳамиятини йўқотди. Бу фожиа ҳакида ўнлаб, юзлаб китоблар ёзилди, видео-тасвирлар олинди. Оролга бағишланган турли даражадаги симпозиум ва конференцияларнинг сони 200 тага етди. Денгизни куткариш лойиҳаларининг сони ҳам 300 тага етди. Лекин бу давр мобайнида Орол дентизи куриб, иккига ажралиб булди.

✓ Оролнинг қуриши натижасида Орол атрофида кишининг ҳавоси 1,5-5 градусга совиди, ёз кунларининг ҳарорати эса 1,5-2,5 градусга исиди. Ўсимликларнинг вегетация даври эса 10-15 кунга кисқарди. Орол буйидаги ўнлаб-юзлаб кўллар ва ҳавзалар куриди. Ушбу кўллар атрофида ҳайвонлар бокиларди, балиқ урчиппиларди, ондатра, нутрия, кутб тулкилари кўпайтириларди. Амударё дельтасидаги 800 минг гектар ер майдонидаги тўқайзорлар ва қамишзорларга путур етди, улар йўқ булиш арафасида; 200 турга яқин ўсимликлар ва ҳайвонларнинг турлари йўқ булди. Тупроқнинг гумус қатлами эса 2-3 марта камайиб кетди. Орол денгизининг қуриши билан бир вактда дарё сувининг ва у билан боғлиқ ҳолларда ер ости сувларининг ҳам ифлосланиши рўй бермоқда.

✓ Оролнинг қуриган ҳавзасидан шамоллар билан учайдган заҳарли тузларнинг кристаллари, айниқса, дengiz буйидан 300-500 км масофагача ўз таъсирини ўтказмоқда. Бундай шамоллар Орол ҳавзасидан йилига турли хил йўналишида 10-15 мартараб қайтарилиб туради.

✓ Кўриниб турибдики, Орол атрофида сув экологияси билан боғлиқ бўлган жуда ҳалокатли экологик вазият вужудга келган.

✓ Биласизми, Орол дентизи ҳавзасида истеъмолчиларга ва дengizгача етадиган сув захиралари бор. Асосий муаммо эса бу сув захирасидан авайлаб, тежаб-тергаб фойдалана билишдадир.

МУНДАРИЖА

Сүз боши	3
Дунё аҳолиси сони динамикаси	7
Аҳолининг дунё бўйлаб жойлашуви ва унинг омиллари	28
Аҳолининг тақрор барпо бўлиши	50
Аҳолининг жинсий ва ёш таркиби.....	88
Дунё аҳолисининг миллий ва ирқий таркиби ҳакида	113
Дунёнинг демографик башорати ва глобал муаммолар	143